

# SOHIBQIRON YULDUZI




*Соҳибқирон юлдузи*

№ 2 (28) 2017 йил.



**Соҳибқирон Амир Темур  
таваллудининг  
681 йиллигига бағишланади**



...буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ







# YULDUZI

2017 йил № 2 (28)

## 2017 йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили



### *Руҳият сурати*

Нормурод Норқобилов, «Қудуқ», «Вақт» Ҳикоялар..71  
Ғулом МИРЗО, «Ёрмаган қорлардан ёмғир  
яхшироқ» Шеърлар.....114

### *Жаҳоний жавоҳир*

Лев Толстой, «Крейцер Сонатаси»  
(Рус тилидан Ҳаким Сатторий таржимаси).....86  
Ҳайнрих Бёлл ва реализм, «Элчи». Ҳикоя.  
(Немис тилидан Шаҳлоза Қувонova таржимаси)..103  
Ака-ука Гриммлар дунё кезмоқда, Ҳикоялар  
(Немис тилидан Кибриё Холматова таржимаси)...108

### *Баркамоллик зиёси*

Анвар Эшназаров, «Олдинда турибди буюк келажак»,  
Шеърлар.....116  
Шаҳлоза Чориева, «Умид». Қатра.....118

Журнал таниқли  
шоир, маънавият  
жонқуяри  
(марҳум) Исмоил  
Тўхтамишев  
ташаббуси билан  
ташқил этилган.  
2010 йилдан  
буён чоп  
этилади.

Журнал  
саҳифаларида  
Халқаро  
Амир Темур  
хайрия жамоат  
фондидаги  
суратлардан  
бадий безак  
сифатида  
фойдаланилди.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ЭШИГИ КЕНГ ОЧИЛМОҚДА

**Н.МАХМУДОВ**

**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институтининг ректори.**



Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, ҳеч шак-шуҳба йўқки, биринчи гада ёш авлоднинг қай даражада таълим ва тарбия олиши билан белгиланади.

Мамлакатимиз мустақиллиги, шу нуқтаи-назардан қаралганда ҳозирги авлод зиммасига катта талаб ва масъулиятни юклаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бунинг боиси, барча жабҳаларда бўлгани сингари истиқлол олий таълим соҳасида ҳам чуқур сифат ўзгаришларини ясади. Таълим тизимининг турлари кўпайди. Илмга иштиёқманд ёшлар эндиликда жаҳон стандартлари доирасида билим олиш, касб-ҳунар ўрганиш имконига эга бўлишмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда мустақиллигимиз туфайли миллий таълимнинг асосий ўзаги-олий таълим тизимини ҳам янада ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳол бўлиб, дилда катта фахр туйғусини уйғотмоқда.

Бу ҳақда сўз юритарканмиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 20 апрелидаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарорини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мамлакатимиз Президентининг ушбу Қарори ўта муҳим дастурий ҳужжат бўлиб, ўз мазмун-моҳиятига кўра олий таълим тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта қуриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишдек ўта муҳим ва долзарб вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарори, мамлакатимиздаги барча олий таълим масканларида бўлгани сингари Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг кўп сонли педагогик жамоаси, профессор ўқитувчилари ва талаба ёшлари томонидан ҳам пухта ўқиб-ўрганилиб, қарор ижросини таъминлаш учун бажарилиши лозим бўлган дастурий вазифалар белгилаб олинди.

Бу борада фикр юритишдан олдин дастлаб, олийгоҳимиз ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтсам:

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳозирги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида ўз ўрни, нуфузи ва салоҳиятига эга бўлган олий таълим масканларидан саналади. Институтда бугунги кунда 6 та факультет ва 27 та кафедра фаолият юритади. Олийгоҳда 23 та йўналиш бўйича Нефть ва газ, Энергетика, Кимё-технология, Иқтисодиёт ва Қишлоқ хўжалиги соҳалари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Айни пайтда 12 нафар фан доктори, профессорлар, 100 дан ортиқ фан номзодлари, доцентлар 7,5 мингдан ортиқ талаба-ёшларга сабоқ бериш билан машғулдирлар.

Дастлабки йилларда, институтимизда асосан қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш ва ирригация соҳасида мутахассислар тайёрланган бўлса, истиқлол берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда эндиликда мамлакатимиз халқ хўжалигининг иқтисодиёт, саноат ва ишлаб чиқариш соҳалари учун кўплаб мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Жумладан, нефть ва газ, энергетика, технология, муҳандис-техника, геология ва кончилик, иқтисодиёт каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг Қарорида эса олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шу нуқтаи-назардан ёндошилиб, институтимизда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, ўқитиш йўналишлари ва мутахассисларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, илмий салоҳиятни таъминлаш учун янги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш, таянч докторантура (HhD) ва докторантура ихтисосликлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа қатор вазифаларни ўз ичига олган "2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури"ни қабул қилганмиз.

Айтиш жоизки, олийгоҳимизда шу пайтга қадар бакалаврият ҳамда магистратура йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланиб келинган

бўлса, давлатимиз раҳбарининг ушбу Қарори асосида қабул қилинган дастурга кўра, 2017–2021 йилларда 6 та бакалавриат ҳамда 9 та магистратура бўйича янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар очилиши режалаштирилган. Бошқача изоҳлаганда, ушбу дастурга мувофиқ олийгоҳимизда 2017 йилда очиладиган 2 та ("Иқтисодиёт", "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш технологияси") магистратура мутахассисликлари ҳамда 2017–2021 йилларда очиладиган 3 та ("Газ ва нефть маҳсулотларини қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш", "Нефть ва нефт-газни қайта ишлаш технологияси" ҳамда "Нефть-газ ва кимё саноати технологияси") таълим йўналишлари ва 1 та ("Нефть-газ маҳсулотларини қайта ишлаш ва кимё технологияси") магистратура мутахассислиги талабаларини ўқитиш учун "Нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлаш" кафедрасини ташкил этиш ҳамда "Муқобил энергия манбалари" мавжуд таълим йўналиши ва янги очиладиган 1 та ("Гидроэлектростанциялар ва муқобил энергия манбалари") магистратура мутахассислиги учун "Энергетика" факультетида "Муқобил энергия манбалари" кафедрасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Айни кезде янгидан очиладиган бакалавриат ҳамда магистратура йўналишлари учун намунавий ўқув режалари асосида ўқитиладиган фанларнинг ишчи дастурлари ва меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, янги таълим йўналишлари учун зарурий дарслик, ўқув қўлланмалари, лаборатория фанлари бўйича услубий таъминот яратиш, институт ўқув-лаборатория базасини модернизация қилиш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Қарорда қайд этилгандек, ҳар бир олий таълим муассасаси ўз тизимини янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқиндан



ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб этиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасаларига магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ташкил қилиш талаб этилади.

Шунга кўра, дунёдаги кўплаб турдош чет эл олийгоҳлари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Хусусан, жорий йилда Гамбург (Германия) техника университети ҳамда В.П. Горячкин номидаги Москва давлат қишлоқ хўжалик университети билан олийгоҳимиз профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчиларининг малака алмашинувлари учун ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Унга кўра, ушбу хорижий университетларга малака ошириш учун 8 нафар, стажировка ўташга 1 нафар, докторантурага 1 нафар ҳамда магистратурага 1 нафар, олийгоҳимиздан жами 11 нафар профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларни юбориш мўлжалланган. Айни кезде, институтимизга хорижий ОТМ ва ИТМ дан таклиф қилинадиган юқори малакали олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар рўйхатини шакллантириш, шунингдек республика таянч ОТМ ларига мақсадли докторантура (PhD)га юбориладиган тадқиқотчилар контингентини, уларнинг илмий мавзулари, раҳбарлари ва докторантура ўтайдиган ОТМлар маълумотлар базасини шакллантириш, Вазирликка мақсадли докторантура бўйича номзодлар таклиф этиш ҳам фаолият дастуримиздан ўрин олган.

Қарор мазмун-моҳияти ва талабларидан келиб чиққан ҳолда яқин келгусида институтимизда талабалар контингентининг ортишини ҳисобга олиб янги ўқув ўринларини ташкил этиш, талабалар турар жойлари ва ўқув корпусларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, шунингдек, замонавий ахборот коммуникацион технологиялари билан жиҳозлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилади. Жумладан, 2017-2021 йиллар мобайнида олийгоҳимизда 2000 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 1 та янги ўқув корпуси қуриб фойдаланишга топширилади; 1750 ўқувчи ўринли 2 та ўқув корпуси, ҳамда 313 ўринли 2 та талабалар турар жойи капитал таъмирланади. Шу баробарида, фаолият дастуримиздан яна янги ўқув-илмий лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектлари қурилиши, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Таълим сифатини ошириш, талабаларга барча фанлар бўйича чуқур билим бериш, уларни пировардида етук мутахассис кадрлар қилиб тарбиялаш жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, бунда замонавий ахборот-



коммуникация

воситаларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари тамонидан қабул қилинган мазкур қарорда ҳам бу ҳақда сўз юритилиб: "Олий таълим муассасаларини замонавий

ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш, олий таълим муассасалари, ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчиларининг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш" зарурлиги қайд этилган.

Дарҳақиқат, бугунги олий билимгоҳ энг замонавий технологиялар билан бойитилиб, илгор ўқув жараёнига таянилмас экан кўзланган мақсадга эришилиб бўлмайди.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, олийгоҳимизда талабаларимизга турли фанлар бўйича маъруза ва амалий машгулотларни ўтказиш учун етарли миқёсда компьютер синфлари хизмат қилмоқда. Энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган тест марказимиз ишлаб турибди. Шунингдек, институтнинг барча деканатлари ва кафедралари, ахборот-ресурс маркази, маънавият-маърифат хоналари, талабалар турар жойлари замонавий русумдаги компьютерлар билан таъминланган. Бунинг натижасида институт профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар ҳамда талаба ёшлар янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига бевосита тадбиқ этиш имкониятига эгадирлар. Шунингдек, жаҳон ахборот манбаларидан фойдаланиш учун олийгоҳимизда электрон почта ва интернет глобал ахборот тизимлари хизмат қилиб турибди. Ўзбек,

рус ва инглиз тилларидаги сайтлар ҳам очилган. Масофадан ўқитиш шакли ҳам ҳаётимизга йилдан-йилга самаралироқ тарзда кириб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Қарорида ёш педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш бўйича "Истеъдод" фондининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш борасида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу муҳим кўрсатмалар бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Бу жабҳада институтимизда иқтидорли ёшларни излаш ва уларни мақсадли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қарор мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, олийгоҳимизда нафақат етук мутахассис кадрларни ўқитиб тайёрлаш, балки уларнинг келгусида қайси корхона, ташкилот ва муассасаларга бориб ишга жойлашишлари, ҳаётда ўз ўринларини топишлари ҳам доимий диққат эътиборимизда. Бу жиҳатдан айтиш жоизки, вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти ниҳоятда улкан. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70%, нефтнинг қарийб 78%, газ конденсатининг 80%, галла ва пахтаининг қарийб 15% вилоятимиз ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, вилоятимизда саноат изчил ривож топиб, бу соҳанинг улуши 38 %ни ташкил этаётгани қувонарли ҳол. Воҳада мавжуд "Шўртаннефтваз", "Муборакнефтваз", Шўртан газ-кимё мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси каби саноат корхоналари республикамизда ўз ўрни ва салоҳиятига эга. Бу "факт" ва рақамларни келтираётганимнинг боиси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўз номланиш мазмун моҳиятига кўра ана шу йўналишдаги саноат корхоналари учун муҳандислар, иқтисодчилар, энергетиклар ҳамда фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари учун зарур бўлган мутахассис кадрларни етиштириб бермоқда.

Аммо, биз бу борада фақат вилоятимиздаги саноат ва ишлаб чиқариш мажмуалари билан чегараланиб қолаётганимиз йўқ. Кейинги йилларда республикамиз бўйича барча корхона, муассаса ва ташкилотларининг институтимизда тайёрланаётган мутахассисларга бўлган талаби ўрганилмоқда. Бу эса кадрларимизнинг ҳаётда ўзларига мақбул иш ўринларига эга бўлиши, ҳамда самарали фаолият олиб боришларига пухта замин яратмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бошқа вазирликлар, хорижий давлатлар олий ўқув юртлари, йирик корхоналар, чет тилларини ўқитиш ва бандликка кўмаклашиш марказлари иштирокида ташкил қилинаётган турли лойиҳа, танловларда иштирок этаётганимиз эса талаба-ёшларимизнинг келгусидаги мутахассислик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.



Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий 2017 йил - "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган. Бу шиор замирида, албатта, халқ билан мулоқотнинг ҳаётга самарали механизмларини жорий қилиш, бу орқали одамларни ўйлантираётган турли масала ва муаммоларни ҳал этишдек эзгу мақсад ётади.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги кўрсатмалари ижросини таъминлаш учун олийгоҳимизда ҳам "Ректор қабулхонаси" ташкил этилган. Бу эса, ота-оналар ва талабалар томонидан бизга билдирилаётган талаб ҳамда истакларнинг тўғридан-тўғри баён этилиши ва юзага келган муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига қулайлик яратмоқда.

Яқуний фикр сифатида, эса муҳтарам Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида амалга оширилаётган барча ўзгаришлар замирида ягона мақсад, у ҳам бўлса юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва тараққиёти, инсон манфаатлари ётишини, хусусан, олий таълим тизимида ҳам ҳар томонлама етук, билимдон, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашни истардим.

Олий таълим муассасамиз ва унинг профессор-ўқитувчилари бундан буён ҳам мамлакатимизнинг кучига куч қўшадиган, унга камарбаста бўладиган етук мутахассис кадрларнинг етказиб бериш йўлида бор куч-гайратини сарфлаб, ўқув-тарбиявий ишларини тобора такомиллаштириб бораверадилар!



# SULTON MIR HAYDAR OTA<sup>1</sup>

Буюк алломалар юрти ҳисобланган жонажон Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик, осудалик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Табарруқ диёримизда камол тонган улуг муҳаддислар, олиму фузалоларни бутун дунёда яхши билишадди. Бобоқолонларимиз билан нафақат фахрланиш, балки уларнинг бой маънавий меросини тадқиқ этиш бўйича кенг қамровли тадбирлар Президентимиз Ш. Мирзиёев раҳномолигида изчиллик билан амалга оширилмоқда ва олиб борилаётган эзгу ишлар ва ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Бунга эзгу ислохотларнинг янги босқичи деб юксак баҳо берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев қайси вилоятга бормасин, энг аввало ташрифини муқаддас қадамжолардан бошлаши бежиз эмас. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан буюк алломаларимиз меросини ўрганиш бўйича қатор илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди, қарор фармоишлар қабул қилинди. Бу ташаббуслар халқ манфаати учун кечани кеча, кундузни кундуз демай фидокорона олиб борилаётган ҳайрли ва эзгу саъй-ҳаракатлар натижаси дейиш мумкин. Зеро, Юртбошимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: "Бизни ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор"<sup>2</sup>

Мозийга назар ташласак буюк олиму фузалолар меросини ўрганиш Ўзбекистон мустақилликка эришини арафасида Қашқадарё вилоятининг биринчи раҳбари Ислоҳ Каримов раҳномолигида бошланганлигига гувоҳ бўламиз. Биринчи Президентимиз 1989 йили бир гуруҳ тарихчи олимлар олдиға шундай таклифни қўйган: "Қашқадарё - қадимий замин, унинг ҳақиқий тарихини ўрганиб, алоҳида китоб қилиб ёзиб берсангизлар"<sup>3</sup>. Шу асосда буидан чорак аср илгари, истиқлолдан олдин Қашқадарё вилоятида 78 та тарихий обида ва зиёратгоҳлар рўйхатга олинди,

<sup>1</sup> Ушбу мақола мазкур журналнинг 2015 йил 3-сонда чоп этилган эди. Журналхонларнинг таклифига кўра мақола баъзи қўшимчалар билан қайта босилмоқда.

<sup>2</sup> "Халқ сўзи", 2017 й 26 май.

<sup>3</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 4-бет.

воҳа тарихини ўрганиш ишларига изчиллик билан киришилган. Кези келганда, ҳаққоний ва холис тарихимизни тиклаш бўйича ушбу вилоятда бошланган қамровдор ишлар кейинчалик бутун мамлакат миқёсида кенг қўламда қанот ёзганини қайд этини мақсадга мувофиқдир.

Қашқадарёдаги энг йирик зиёратгоҳлардан бири Касбининг қадимги шаҳристонида жойлашган бўлиб, Султон Мир Ҳайдар номи билан аталади. Мен ҳар гал Касби туманига келганимда, албатта, ушбу қадамжони зиёрат қиламан. Ҳазрат Султон Мир Ҳайдар ота меъморий ёдгорлик мажмуаси Марказий Осиёнинг машҳур қадамжоларидан бири саналади.

Касби узоқ ўтмишида Насафдан ҳам катта шаҳар саналган. Булок Ипак йули айнан шу юртдан ўтган. Мазкур ҳудудда ўнлаб карвонсаройлар ва сардобалар бўлган. Шу сабабли бу ерда маънавийят ва иқтисодиёт узаро уйғунликда юксала борган. Айтишларича, Казбион - Касби қалъаси милонинг VI асридаёқ мустаҳкам истеҳком сифатида мавжуд бўлган ва бу қалъани ўша даврда туркийлар билан жанг қилган Баҳром Чубин забт этолмаган.

Қашқадарё тарихининг йирик билимдони, профессор П.Равшановнинг ёзишича, аслида Касби милодгача бўлган асрларда чегара қалъа сифатида қурилган. Қадим-шунослик тадқиқотларида Касбининг милод бошларида, ҳатто милодгача бўлган I асрларда чегара қалъадан ўсиб, атрофи аҳоли билан гавжумлашиб, кишилик манзили - қишлоқ түсини олгани таъкидланган<sup>1</sup>. Бу қишлоқ ҳақида XI-XII асрларда араб географлари маълумот бериб, унинг Насафга ишбатан ҳудуди катталигини ва ўзининг жоме масжидига эга эканини ёзиб қолдиришган<sup>2</sup>. Тарихшунос А.Чориевнинг маълумот беришича, 400 гектардан иборат бу шаҳристоннинг ўз даврида тўртта дарвозаси бўлган.

Энг муҳими, Касби азалдан йирик қасабалардан ҳисоблангани, шаҳристони, работи, қуҳандизи - мустаҳкам қалъаси бўлгани, маҳаллалари муҳофаза этилгани, карвонсаройлари тожирларга хизмат қилгани, бозори, масжидлари ишлаб тургани бу ҳудуднинг ўша давр руҳи билан гавжум ва жўшқин ҳаёт кечиршига йўл очган.

<sup>1</sup> Касби тумани ҳақида батафсил қаранг: Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. - Т.: "Янги аср авлоди", 2014. - 31-бет. Яна қаранг: Равшанов П. Қашқадарё тарихи. - Т.: "Фан", 1995. - 73-бет; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. в 9 т. Т.1. - М.: "Наука", 1961. - С.190; Бартольд В.В. Сочинение. Т.3. - М., 1965. - С.207; Кабанов С.К. Нахшав на рубеже древности и средневековья (III-VII вв.). - Т.: "Фан", 1977. - С.65; Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. - Т., 1979. - 85-бет; Muminov A., Babadjanov B. Amir Timur and Sayyid Baraka. Central Asiatic Journal. Edited by Giovanni Stary. 45(2001)1. Harrassowitz Verlag. - 37-43-бетлар; Бўриев О., Очилов А. Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. - Т.: "Янги нашр", 2014. - 46-бет; Бўриев О., Ражабов Р. Халқ маънавий ҳаётида меъморий ёдгорлик, зиёратгоҳ ва қадамжоларининг ўрни / "Жанубий Ўзбекистон археологияси, этнологияси ва тарихининг долзарб муаммолари" мавзусидаги республика илмий-назарий конференция материаллари. - Қарши, 2014. - 22-30-бетлар.

<sup>2</sup> Қашқадарё: саройлар, меъморий ёдгорлик мажмуалар. III. Биринчи китоб. - Т.: "Extremum press". 2012. - 243-бет. Яна қаранг: Бартольд В. «Туркестан в эпоху монгольского нашествия». Соч. в 9 т. Т. 1. М.: "Наука", 1961. - С.190.

Бу, ўз навбатида, Касбида диний ва дунёвий илм-фаннинг ривож топиши, мазкур заминда улуғ алломалар, азиз авлиёлар етишиб чиқishi мисолида яққол кўзга ташланади.

Шундай улуғ авлиёлардан бири Султон Мир Ҳайдар ота бўлиб, асл исмлари **Хожа Шамсиддин ибн Шайх Жамолиддиндир**. "Маноқиб ал хос ал хожа Мир Ҳайдар Султон" китобидаги маълумотларга қараганда, Хожа Шамсиддиннинг дунёга келиши Ҳазрат Заини отанинг муътабар устозларидан бири - Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) томонидан башорат қилинган. Ҳаким ота бу хушxabарни Султон Мир Ҳайдар ота туғилмасидан аввал ул зотнинг амакиси Ҳазрат Саййид Муҳаммад Абдуллоҳга айтган <sup>1</sup>.

Хожа Шамсиддин ёки Хожа Шамс (тўлиқ номлари - **Амир Шамсиддин Мир Ҳайдар Али Хожа Ҳайдар Хуросоний**, нисбалари - Султон Мир Ҳайдар ота ёки Мир Ҳайдар Султон ота) 673/1275 йилда Хуросонда, Шўрдарё бўйидаги Қойин (Қайин) шаҳрида <sup>2</sup>, ота-онасининг тўртинчи фарзанди бўлиб дунёга келган. Оталари - Жамолиддин Шайх мадрасада дарс бериб, талабаларга илм ўргатган. У киши китоб дўконларига эга бўлган. Ўзлари ҳам китоблар битган, китобларга жилдлар тайёрлаш ва тушган варақларини ёзиб тиклаш билан шуғулланган. Барча илмдан воқиф ва ботиний илм соҳиби бўлган. Оналари - Моҳинурбиби чеварлик касби билан машғул бўлган, кишим-кечаклар тиккан.

Жамолиддин Шайх ўғли Хожа Шамсиддиннинг тарбиясини, манбаларда қайд этилишича, чақалоққа ота-оналик қилишни укаси Саййид Муҳаммад Абдуллоҳ ва келини Соқияйинурга ишониб топширган. Саййид Муҳаммад Абдуллоҳнинг ўз фарзанди бўлмаган, Хожа Шамсиддинни тарбия қилгач, ўзлари ҳам фарзандли бўлган. Саййид Муҳаммад Абдуллоҳ - саййидлар сулоласи давомчиси, Ҳазрат Али карамуллоҳи ваҳжху авлодидан етишган шайхлардан ҳисобланган.

Хожа Шамсиддин 4 ёшида мадрасага борган, беш ёшида алифбо ва ёзувни ўрганган, 6 ёшида эса ҳадисни ёд олиб, етти ёшида қориларга шогирд тушган. Шайх Жамолиддин Кўҳакний, шунинг-дек, шогирди Абдулло Замахшарий, устоз Оловудовла ва Шайх Хуросоний Хожа Шамсиддинга Қуръон, ҳадис, фикҳ, масала, ижмо, қироат илмидан ҳамда тавжид қондасидан сабоқ берган. Натижада Хожа Шамс тўққиз ёшида Қуръонни ёд олган ва етти қироатда тафсири қила оладиган илмга эга

<sup>1</sup> Профессор А.Чориевнинг ёзишича, фил суягидан ясалган муқовали ушбу китоб Баҳауддин Нақшбанд ҳазратларининг тариқат йўли давомчиси бўлган Муҳаммаджон Шариф Ҳисорийнинг шахсий кутубхонасида сақланган ва шу вақтга қадар ошкор этилмаган эди.

**Ҳайдар** - илми, кучли, сабр-бардошли инсон, қол ва ҳол илмининг етук олими, деган маънони англатади.

<sup>2</sup> Профессор П.Равшанов, Султон Мир Ҳайдар ота авлодларидан бўлмиш Мир Шарифхон Қаманингийннинг XIX асрга мансуб девони қўлёзмасига таянган ҳолда, Султон Мир Ҳайдар отанинг Амир Ҳайдар Касбий тахаллуси бўлгани ул зот Касбида туғилганидан, аждоғлари ҳам касбиликлар бўлганидан далолат беришини тахмин қилади. Султон Мир Ҳайдар отанинг яна бир авлоди - Қутбиддин Муҳаммад хондонига тегишли бўлган мазкур муҳим тарихий манба ҳозирда П.Равшановнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Қаранг: Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. - Т.: "Янги аср авлоди", 2014.-31-бет. Яна қаранг: Равшанов П. Қашқадарё тарихи. - Т.: "Фан", 1995.-135-бет.

бўлиб етишган.

Ўн ёшга тўлганда Хожа Шамсиддин ўзига ота тутинган амакиси Саййид Муҳаммад Абдуллоҳнинг карвониди Қуддусга, кейин Мадина орқали Макка шаҳрига, Каъба зиёратига борган. Саййид Муҳаммад Абдуллоҳнинг ҳар бир шаҳарда савдо дўкони ва савдогарлари бўлган, моддий томондан ҳам, маънавий томондан ҳам у зот етук инсон бўлган.

Хожа Шамсиддин катта боболари Ҳазрат Алининг туғилган масканини қайта-қайта зиёрат этиб, шу юрда қолишни шият қилган. Бу ҳолдан огоҳ бўлган Саййид Муҳаммад Абдуллоҳ Каъбатуллоийн Шарифдаги дўконлардан бирини ҳовли жойи билан сотиб олиб, ўғлини шу ердаги мадрасага ўқишга берган. Ушунда элди ўн яшар бўлган Хожа Шамсиддин мадрасада Каъбатуллоҳ амирининг ўғли Рамзиддин билан дўстлашган. Айтишларича, Хожа Шамсиддин дўсти Рамзиддиннинг дардига дуолар билан шифо топишга сабабчи бўлгани учун амирининг назарига тушган. Амир уни ўз ўғли билан бирга Миер шаҳрига, мадраса таҳсилга юборган ва ўқиш харажатларини амирлик ҳисобидан ажратиб берган.

Хожа Шамсиддин ва Рамзиддин тўрт йил Миер шаҳрида таҳсил олиб, "фақиҳ олим" деган даражага етишганлар. Сўнгра Каъбатуллога қайтиб, амир саройида етук шайхлар томонидан ўтказилган имтиҳонда уч минг савол ва барча масалаларга ёзма жавоб беришган. Бу синов натижасига кўра, Хожа Шамсиддин имом мақомига лойиқ топилиб, ўн тўрт ёшида Макка ва Мадинага имом ҳамда икки Ҳарам толибларига устоз бўлган.

Шундай қилиб, икки ҳарам имоми мақомига етган Хожа Шамсиддин - Султон Мир Ҳайдар ота балоғатга етган чоғларида элга шариятдан, тариқатдан, маърифатдан, ҳақиқатдан амру-маъруф қилиб, ўз илми билан танилган. Ҳаттоки, манбаларга кўра, ул зот Миер мадрасаси аҳли, Бағдод ва Истанбул толиблари еча олмаган савол ва масалаларга аҳли суни ва жамоа ва Имом Бухорий ҳадисларидан жавоб топиб, элга етказган.

Хожа Шамсиддин имомлик даврида бир неча марта ҳаж қилган. Йигирма икки ёшида Истанбул мадрасаси толиблари илтимосига биноан фиқҳ илмига доир китоб битган. Аҳли илм у зотни "Валийуллоҳ Мир Ҳайдар", деб улуғлаган. Манбаларда қайд этилганидек, "Ул азизнинг мақсади охир замон пайгамбарининг суннат ва йулларини ҳамда Исломи динини элга етказиб, хос умматларига устозлик қилиб, илм дарёсидан бир қатра булса ҳам ўргатиб ўзларидан ибратли из қолдириш эди"<sup>1</sup>.

Хожа Шамсиддин йигирма бешга кирганида Балх амирининг қизи Фотимайи Саодатга уйланган. Орадан тўққиз ой ўтиб, улардан Саййид Абдуллоҳ исмли вализода дунёга келган. Саккиз ойдан сўнг Хожа Шамсиддин онласи билан Балхга борган ва қайи нотаси бетоблигида амирликни бошқариб турган. Бу ерда Хожа Шамсиддин онласида Ҳусайн ва Зухра исмли эгизак фарзандлари туғилган.

Уша даврда Хожа Шамсиддин йигирма тўққиз ёшда бўлиб, тушида Ҳазрат Али (к.в.), Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота Сулаймон, Ойхожа

<sup>1</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 17-бет.

Валий, яъни Ҳазрат Занги ота каби бир неча султонлар ва валийлар сиймосини курган. Улар Хожа Шамсиддинни дуо қилиб: "Сиз Хоразм юртига бориб илм аҳли ҳамда исломга ҳимоячи бўлинг. Душманга қарши курашинг, ислом таълимотиини йўлга қўйинг, сиз туркий миллатга илм ўргатинг", дейишган. Воқеанинг мазмуни шунки, етук илм даражасига эга бўлган Хожа Шамсиддиннинг тариқатда бирлик даражасига ва султон мақомига етганлиги ҳақида азиз-авлиёлар гоёибдан хабар беришган<sup>1</sup>.

Шу тариқа Хоразм сари йўлга чиққан Хожа Шамсиддин ўттиз ёшида Балхдан Қундузга, сўнг Чоржуёга келган. Бу ерда у зотни Ҳубби Хожа, Ҳасан Хожа ва Половони Аҳмад кутиб олган. Улар Хожа Шамсиддинни Урганчга, Ҳаким ота - Сулаймон Боқирғоний марқадига олиб боришган. Бу ерда Хожа Шамсиддин қирқ кун хатми Қуръон билан машғул бўлган.

Ушунан кейин мўғуллар босқини авяга чиққан бўлиб, Хожа Шамсиддин уларга қарши курашга аҳд қилган. Шу боис мол-мулкнинг етим-есирларга бериб, Хоразм ҳудудидан чиқиб кетган. Бир йил давом этган жангларда баҳодирларча шиддат-шижоат кўрсатган, ярадор ҳам бўлган. Лекин ғолиб бўлиб, мўғулларнинг Хоразм ҳудудига киришига барҳам берган.

Хожа Шамсиддин бир йилдан сўнг, яъни ўттиз бир ёшида Бухорога йўл олган. Ул зотни Саййид Амир Қуллол кутиб олган ва хилватга кириб ҳақиқатга етмоқликдан сабоқ берган. Шундан сўнг Хожа Шамсиддин ўттиз икки ёшида Қарши чўлидаги Касби қўрғонига келган ва ўтин сотиб, қудуқдан туяларни суғориб ҳамда чорва боқиб тирикчилик қилган. Тез орада Хожа Шамсиддиннинг отаси, аҳли оиласи Балхдан Касбига етиб келган. Улар бу ерда ҳовли жойи ва манзил-макон қуришган.

Ушунда Касбида тўрт фаслга мослаб тўрт сардоба бунёд этилган. Сардобалар тўбига қумни ғиштлар ётқизишган бўлиб, бу сувни захарлашшдан сақлаган. Қашқадарёнинг бир ирмоғи бўлмиш Қамани дарёсидан ер ости ғишти сув йўли ўтказилган. Натижада ғалла мўл бўлган, боғ-роғлар яшнаган. Касбида саккиз йил ичида ўн икки дарвозани, Миср шаҳридек катта бир шаҳар қад ростлаган. Ҳар қайси дарвозанинг ёшида ҳаммом ва таҳоратхона, карвонсарой ва мусофирхона, бозор ва дўконлар, чойхона, саховатхона ва шифохоналар қурилган.

Профессор П.Равишановнинг ёзишича, Султон Мир Ҳайдар ота мажмуаси Касби қалъаси билан ёнма-ён вужудга келган, работ, куҳандиз ва шаҳристон жамламасидан иборат бўлган, XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон қилинган шаҳристон ўрнида, орадан бир асрга яқин вақт ўтиб қурила бошланган. Ушбу мажмуа XIV-XVI асрларга дахлдордир<sup>2</sup>.

Бу ҳақда, шунингдек, С.Кабанов: "Касби мўғуллар босқинидан сўнг аввалги ўрнида қайта тикланган жуда оз манзиллардан биридир. Буни XV-XVI асрларда вужудга келган дахмали меъморлик мажмуаси далолат этади", деб таъкидлаган. Агар мўғулларнинг Марказий Осиёга босқини 1219-1920 йилларда юз берганини, Хожа Шамсиддин Султон Мир Ҳайдар ота эса Касбига 31 ёшида, яъни 1301 йил

<sup>1</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 31-бет.

<sup>2</sup> Равишанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. - Т.: "Янги аср авлоди", 2014. - 73-74-бетлар

атрофида келганини ҳисобга олсак, бу фикрлар нисбатан тўғри эканини қайид этиш ўринлидир.

Уша даврда шаҳардан қунига етти карвон чиқиб кетса, етти карвон кириб келган, яъни Касби эли ниҳоятда ҳунарманд бўлган. Қирқ тегирмон, юзта новвойихона доимий ишлаган. Ҳар бир бозор алоҳида бўлган. Ип бозори растаси, темирчилар ва қассоблар раста-дўконлари, ҳолвапазлар, ошпазлар, поввойлар, ун бозори, сабзавот ва мева бозори - бир-бирига аралашмаган тартибда жойлаштирилган.

Шунингдек, хом гиштдан шаҳар девори ва саккизта мадраса барпо этилган. Бу мадрасаларда Хожа Шамсиддиннинг мингдан ортиқ шогирдлари тарбия топган. Одобда, суннатда, илмда мустақил шайхлар, илм аҳли камолга етган. Уларнинг барчаси жаҳрия ҳамда хуфия зикрда бўлган. Шу тариқа Хожа Шамсиддин Султон Мир Ҳайдар ота бу ерда ўз мактабини яратган.

Хусусан, Қилич ота - Султон Мир Ҳайдар отанинг шогирдларидан бири, асли Бағдод шаҳридан бўлган. Мироблик қилган ва дарё ирмоғини буриб, Касбинини ер ости йўли орқали сув билан таъминлаб турган. Шайхлар сулоласидан узлатда ва ёлғизликда яшаган. Ҳозирда Қилич отанинг қабртоши олиб кетилган, аммо ҳужралари бўлган.

Иброҳим ота - Султон Мир Ҳайдар отанинг яна бир шогирди, Қилич ота билан ака-ука бўлган. Иброҳим ота Бағдоддан ҳижрий 710 йилларда келиб, чўлда макон тутган ва шу юртда ғарибона яшаб ўтган. Иброҳим ота Касбидаги сардобаларнинг тўрт фаслда ҳам сув билан таъминланишига масъул бўлган. Қабри Авазчўлда, Касби туманига қарашли Алот қишлоғидадир<sup>1</sup>. Иброҳим ота ўз даврида Хожа Аҳмад Яссавийнинг шу юртда яшаб қолган эваралари - Қусам Шайх, Исҳоқ оталар билан ҳамсуҳбат бўлган<sup>2</sup>.

Шу ўрнида, биринчидан, Хожа Шамсиддин Султон Мир Ҳайдар ота ҳам, Қусам Шайх ҳазратларининг бош фарзанди бўлмиш Оқмуҳаммад ота ҳам Балх амирининг қизларига уйлангани, иккинчидан, улар деярли бир замонда Қашқа воҳасида яшагани, учинчидан, барчалари Яссавия таълимотидан баҳраманд инсонлар ва шу таълимот давомчилари бўлгани, тўртинчидан, барчаларининг шажараси Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га уланиши каби муҳим ҳолатлар бу борада келгусида янада изчил тадқиқотлар олиб боришни тақозо этишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Манбаларга қараганда, Хожа Шамсиддин етук олим ва ҳалим инсон бўлган. Ҳеч кимни ранжитмаган ва ҳар бир мушкул иш бўлса ёрдам берган. Фақиҳ, яъни фикҳ илмида доно бўлган, Инжил, Таврот, Забур, Қуръонни мукаммал билган. Арабий, форсий, яҳудий, туркий тилларда сўзлашиш, уқиш ва ёзишни билган. Султон Мир Ҳайдар отанинг ташқи кўринишига келганда, у зот

<sup>1</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 153-154 бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Истам Усмонов, Номоз Аҳмедов, Насриддин Эшпўлатов. Шайх Қусам ота ёхуд Баҳоуддин Нақшбанднинг устози ҳақида. - Қарши: "Насаф", 2001. - 32 б.; Шарофат Аншурова. Қусам Шайх романи; Қурбоний Аҳмедова. Аждодлар ёди: тадқиқот. - Қарши: "Насаф", 2005. - 384 б.

узун бўйли, гавдаси бўйинга мос полвонсифат, оёқлари узун - туяга минганида ерга тегиб турадиган ҳолатда бўлгани, ҳаворанг либосда, икки ёнида ўзидек бўйи баланд ва елкаси кенг икки шогирди билан бирга юргани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган<sup>1</sup>.

Султон Мир Ҳайдар ота оиласида Саййид Мир Зоҳид, Саййид Мир Аббос, Шодмони Мир Ҳайдар исмли фарзандлар дунёга келган. Барча фарзандлари қорий, соҳиб каромат бўлганлар. Қизлари Зуҳра ва Оқинабону билан бирга ҳисоблаганда, жами тўққиз нафар фарзанд кўрганлар.

**Султон Мир Ҳайдар ота шажараси қуйидагича:**

Амир Ҳайдар ота  
 Амир Саййид Абдуллоҳ Ҳайдар  
 Мир Ҳусайн - Зуҳра  
 Мирдастори - Мир Ҳайдар  
 Мир Зоҳид - Мир Ҳайдар  
 Саййид Ажалхон Мирҳайдар  
 Шодмони Мир Ҳайдар  
 Оқила (Оқинабону) - Мир Ҳайдар  
 Саййид Мир Аббос  
 Мир Саййид Қутбиддин Ҳайдар  
 Мир Саййид Тожибдин Ҳайдар  
 Мир Саййид Абдул Хайр Мир Ҳайдар  
 Мир Саййид Мирзо Мир Ҳайдар<sup>2</sup>.

Султон Мир Ҳайдар отанинг авлодларидан йигирма икки нафар соҳиб-каромат утган. Хусусан, ул зотнинг олтинчи ўғли Мир Саййид Аббос Полвон - моҳир чавандоз ва Амир Темурнинг навкарларидан бўлган. Кўпкари ва курашларда доим ғолиб келгани учун Соҳибқирон унга арабий от совға қилган. Еттинчи ўғли - Шодмони Мир Ҳайдарий қирқ ёшида оламдан ўтган ва ўзидан насл-насаб қолдирмаган, унинг қabri Осетия ва Туркия орасидаги доводда жойлашган.

Ривоятларга кўра, Амир Темур ўша доводдан ўтишида йигирма тўрт ёшли Шодмони Мир Ҳайдарий ўз каромати билан тоғу тошни кўчмайдиган ҳолга келтирган. Натижада Соҳибқирон аскарлари кўчкidan талафот кўрмаган. А.Чорневнинг қайд этишича, 1943 йили немислар Туркия орқали Боку нефтига ҳужум учун доводга келганда кўчки кўчиб, фашистларнинг уч минг аскари талафотга учраган ва у ердан ўтолмаган<sup>3</sup>.

Бошқа бир ривоятга қараганда, Амир Темур Ироқни ишғол қилиб қайтаётганида, Соҳибқироннинг лашкарбошиларидан бири араб ҳунармандларини олиб Касбига келган. Султон Мир Ҳайдар ота уларнинг орасида Мисрда бирга ўқиган талаба дўсти Абу Саидни кўриб қолиб, лашкарбошидан уни қолдириб кетишни сўраган. Лашкарбонни қўнмагач, Амир Темурга Ироқ арабларидан иборат ҳунармандларини

<sup>1</sup> Чорнев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 59-бет.

<sup>2</sup> Чорнев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 82-бет.

<sup>3</sup> Чорнев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 51-бет.

Касбида қолдиришини сўраб хат ёзган. Соҳибқирон Султон Мир Ҳайдар отанинг бу илтимосига рози бўлиб, "Хужраларига сиққунча одамни олиб қолсинлар", деган. Султон Мир Ҳайдар отанинг хужраси тор кўришса-да, илоҳий каромат туфайли ичига бутун бир қавмин сиғдирган ва икки минг нафар ироқлик арабни олиб қолишга муваффақ бўлган.

Бугунги кунда Жейшов, Қамани, Косон, Кеш, Қаршидаги Арабхона қинлоқларида яшаётган араблар Мир Ҳайдар ота сабабли қолиб кетган ўша халқ вакиллари-дир<sup>1</sup>, деб қайд этади А.Чориев. Бошқа олимларнинг фикрича, арабларни Қашқада-рёга Амир Темур олиб келган. Ривоят қилинишича, Соҳибқирон забт этган мамла-катларидаги итоат этмаган арабларни бошқа жойларга кўчирган. Шунда Султон Мир Ҳайдар ота Амир Темурдан ҳозирги Қашқа воҳаси ҳудудидан олиб утилаётган арабларнинг гуноҳидан ўтинини ва шу ерда қолдиришини, келгусида уларнинг фойда-си тегиб қолишини айтган. Соҳибқирон арабларни қолдириб кетган, шундан бери улар шу ерда ўтроқ яшамади<sup>2</sup>.

Соҳибқирон ва Султон Мир Ҳайдар ота мулоқоти билан боғлиқ ушбу ривоятлар, П.Равшановнинг фикрича, ўша давр тарихий воқеалари юз берган саналар нуқтан назаридан ҳақиқатга тўғри келмайди. Жумладан, Султон Мир Ҳайдар ота вафот этганида Амир Темур 29 ёшда бўлган. Қолаверса, бирорта тарихий асарда уларнинг учрагани ҳақидаги маълумотга ҳозиргача дуч келинмаган<sup>3</sup>.

Манбаларда Алишер Навоий ва Султон Мир Ҳайдар ота ҳамда Касби билан ўзаро боғлиқ маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, баъзи манбаларга қараганда, Навоий ҳазратларининг онаси Касбидан бўлган ва у зот волидасини Мир Ҳайдар ота қабри ёнида дафн этган<sup>4</sup>. Улуғ шонининг отаси Ғиёсиддин Кичкина аслида Мир Ҳайдарни бўлган, деган тахминлар ҳам учрайди<sup>5</sup>.

Султон Мир Ҳайдар ота 92 ёшга кириб, 766/1366 йишда вафот этган<sup>6</sup>. Ривоятларга кўра, Султон Мир Ҳайдар ота вафоти олдидан сўфийлик ҳирқаси ва ҳассасини Абу Туроб Нахшабийга топшириш чоғида: "Бу тариқат Аҳмад Ясавийдан Ҳаким отага, сунгра Заини отага ва кейин менга тегди. Мен ҳам улар-нинг ўғит ва ҳикмат битиб кетган йўлини бекаму кўст охирига етказдим, ҳеч бир ўзгаришсиз уларни мукамал ўргатдим, кишининг ушоқ номини емадим, меҳнат изидан ўз доним, ўз номини топдим. Аллоҳнинг сувида, ризқидан ризқландим. Кишидан таъма ёки ҳади олмадим. Борини элга, егим-есирга бердим, илм йўлида сарф айладим. Аллоҳдан бошқага сиғинмадим, бош эгмадим, шариат олимларининг илмини камолига етказдим. Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) йўлидан четга чиқмадим. Адаб йўлида сизга ибрат бўлдим. Мендан яхши-ёмон ёки бирор хато ўтган бўлса, узр"<sup>7</sup>, деб сўбҳи тонгда жонлари узилган экан.

<sup>1</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 54-бет.

<sup>2</sup> Раяжобов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. - Т.: "Шарқ", 2012. - 350-бет.

<sup>3</sup> Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. - Т.: "Янги аср авлоди", 2014. - 106-107-бетлар.

<sup>4</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 61-бет.

<sup>5</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 81-бет.

<sup>6</sup> Султон Мир Ҳайдар ота вафоти санаси бўлмиш ҳижрий 766 йили А.Чориев милодий 1366 йил деб ҳисоблаган бўлса, П.Равшанов ушбу санани 1365 йил деб қайд этган.

<sup>7</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. -Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 169-бет.

Айрим ривоятларга кўра, ўша даврда Ғузурда яшаган ва Султон Мир Ҳайдар отани ўзларига амир қилиб сайлаган жанида кийинли дарвешлар Касбига тобут кўтариб келиб, Султон Мир Ҳайдар отанинг жасадини олиб кетган ва Мирижанда қадамжосига дафн қилган. Ўз навбатида, Полвони Аҳмад Хоразмий Султон Мир Ҳайдар отанинг хокларини Ҳаким ота - Сулаймон Боқирғоний марқадига икки марта олиб бориб дафн этган. Аммо, Султон Мир Ҳайдар отанинг авлодлари ул зотни ҳар гал олиб келиб, яна Касбида дафн эттирган. Шундай қилиб, бошиқа азиз авлиёлар мисолида кузатилаганидек, уч ерда ҳам Султон Мир Ҳайдар отанинг қabri пайдо бўлган<sup>1</sup>.

Бугунги кунда Султон Мир Ҳайдар ота бунёд этган ва яшаб ўтган Касбидаги обод шаҳар ўрнида йирик тарихий-меъморий ёдгорликлар мажмуи харобалари сақланиб қолган. Бу мажмуада, жумладан, Султон Мир Ҳайдар ота марқади, уч гумбазли мақбара, Султон Мир Ҳайдар отани ҳаётлигида бағрига олган мўъжаз ва ноёб ишшоот - чиллахона, Санд Мир Мўмин Самарқандий қabri, айвон, минора, қишқи ва ёзги масжидлар, "Намозгоҳ" тарихий ёдгорлиги, очиқ ва ёпиқ сардобалар, шунингдек, "Касби қўрғони" деб аталмиш қадимий тепалик мавжуд<sup>2</sup>.

Касби қўрғони Ҳофиз Ташш Бухорийнинг "Шарафномаини шоҳий" асарида 1552 йилдаги воқеалар, Абдуллахон II Касби ва Насаф вилоятларини ўзига бўйсундиришнинг муносабати билан зикр этилган<sup>3</sup>. Маҳмуд ибн Валининг маълумотига кўра, Касби шайбонийлар даврида, асосан, сайийидлар яшаган йирик маскан сифатида машҳур бўлган. Унинг ёзишича, Касби сайийидлари сайийид МирҲайдарнинг авлодлари бўлган<sup>4</sup>.

Султон Мир Ҳайдар отага атаб тарихда учта қабртош қўйилгани ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, биринчи қабртошни Амир Темур қўйган<sup>5</sup>. Меъморий мажмуанинг шимол тарафдаги қабр тошига Қуръони каримдаги Оли Имрон сурасининг 18-оятини<sup>6</sup> ва қўидаги таърифлар ҳамда шажара араб тилида баён этилган. Таржимаси:

**"Бу қабр улуғ, фахрли имом, шайх, Аллоҳга ибодат қилувчи, ваъз**

<sup>1</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. -Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 163 - 164-бетлар.

<sup>2</sup> Қарани: Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв., Т.: 1984; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX - начала XIII вв., Т., 1996; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 4-том. - Т.: 2002. - 491-492-бетлар. Шомурод Шаропов. Қашқадарё зиёратгоҳлари. 1-китоб. - Т.: "Ворис", 2010. - 80-бет.

<sup>3</sup> Хафиз-и Ташш ибн Мухаммад Бухари. Шараф-нама-ин шахи (Книга шахской славы) // Перевод с персидского, введение, примечания и указатели М.Салахетдиновой. 1-часть. - М.: "Наука", 1983. - С.143-145, 149-151.

<sup>4</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география) // Введение, перевод, примечания, указатели Б.Ахмедова. - Т.: "Фан", 1977. - С.80.

<sup>5</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. -Т.: "Янги аср авлоди", 2013. - 120-бет.

<sup>6</sup> Қуръони каримнинг "Оли Имрон" сураси, 18-оятининг тўлиқ матни қўидагича: "Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, шундай гувоҳлик берди: "Аллоҳдан ўзга яна биров йўқдир", фаришталар ва илм эгалари ҳам. (Албатта), Ундан ўзга яна биров йўқ. У Азиз (қудратли) ва Ҳаким (ҳикматли)дир". Қаринг: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Қайта нашланган 4-нашри): Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур / Маъсум муҳаррир А.Музаффаров. - Т.: "Тошкент ислом университети", 2012.- 52-бет.

мулкнинг султони, нозик илмларни ечувчи, ҳақиқат илмини айтувчи, нотиқ, улуғ зот, фикҳ илмининг олими, инсонларни ҳидоятга бошловчи, ўта тақводор, аҳли сунна вал жамоа имомларидан, дунёга машҳур олим, шайхлар қутби, авлиёлар фахри, улуғ ҳожи, ер юзидаги энг саодатманд инсонлардан бирига мансуб. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қизлари Биби Фотима ва куёвлари Ҳазрат Али (р.а.) авлодидан бўлган Султон Мир Ҳайдарнинг шажаралари қуйидагича:

Амир Шамсиддин Ҳайдар амирул кабирул карим ибн Жамолиддин ибн Шамсиддин амирул-кабир Ҳайдар ал-Ҳусайн Насафий ибн амир Аҳмад ибн Саид амир Ҳусайн ибн амир Абдуллоҳ ибн амир Жаъфар ибн Иброҳим Муртазо ибн амир Мусо ал-Қозим ибн амир Имом Жаъфар Содиқ ибн Имом Боқир Имом Зайнул Обид Имом Ҳусайн Ҳазрати Али Муртазо разиллоҳу таоло (рамазон ойи, сана 766 ҳижрий)<sup>1</sup>.

Қабрдаги ёдгорлик лавҳа битигида тош соҳиби барча олижаноб фазилатлари қаторида, энг аввало, Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларидан - Фотима авлодидан эканлиги, шажараси ҳам пайғамбарга, ҳам Али ибн Абу Талибга улашини ҳақиқатини билдириш мумкин бўлади, деб ёзади П.Равианов. Амир Шамсиддин Ҳайдар, қабр тошидаги шажарага кўра, Расулulloҳга 16-авлод бўлиб етишадиган<sup>2</sup>.

А.Чориев ва П.Равиановнинг маълумотларига қараганда, Касбда яна бир Шайх Амир Шамсиддин ҳазратларининг ҳам қабри мавжуд бўлиб, ул зот Хожа Шамсиддин Султон Мир Ҳайдар отадан 104 йил кейин яшаб ўтган. Б.Бобожонов бу зот Саййид Бараканинг ўғли Амир Ҳайдар эканини аниқлаган. Қабртошдаги матиларга кўра, Амир Ҳайдар 877 йил шаввал ойининг 20 куни, милодий 1473 йилнинг 19 мартида вафот этган<sup>3</sup>.

Мабаларнинг далолат беришича, Султон Мир Ҳайдар ота Баҳоуддин Нақшбанд, Саййид Амир Кулол, Саййид Амир Барака ва Саййид Неъматулло билан бирга - барчалари бир авлод вакиллари бўлиб, яъни Ҳазрат Али авлодидандир. Ҳазрат Султон Мир Ҳайдар ота ўз замонасининг амири сифатида тегишли муҳр ва мақомга эга бўлган. Бу зотнинг номи нафақат Марказий Осиёда, балки Помир ва Кавказ халқлари, Ироқ, Эрон, Туркия ҳамда араб мамлакатлари, хусусан, Макка мукаррама ва Мадина мунавварада, ҳатто Европада - французлар орасида ҳам машҳурдир.

Халқимиз тилида барҳаёт ривоятларга кўра, Султон Мир Ҳайдар ота дашту чўлларда пода боқиб, Зағи отанинг таёғи хосиятидан макондан-маконга кўча олган соҳибқаромат инсон бўлган. Гоҳ ўтинчи, гоҳ чўпон, гоҳ деҳқон, гоҳ боғбон, гоҳ шайх, гоҳ мударрис, гоҳ имом бўлиб, барча диний ва дунёвий илмларни эгаллаган. Зағи ота,

<sup>1</sup> Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота тарихи. - Т.: "Янги аср авлоди", 2013. 99-бет. П.Равианов томонидан ҳам бу борада муҳим маълумотлар тақдим этилган. Қаранг: Равианов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. - Т.: "Янги аср авлоди", 2014. 75-78-бетлар.

<sup>2</sup> Равианов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. - Т.: "Янги аср авлоди", 2014. 77-бет.

<sup>3</sup> Қапқадарё: саройлар, меъморий ёдгорлик мажмуалар. III. Биринчи китоб. - Т.: "Extremum press", 2012. 243-бет.

Чўпон ота, Исҳоқ ота, Мирҳайдар ота - бу зотларнинг ҳаммаси ҳам шу каби хислатга эга бўлганлар. Улар учун ер суиравдек бўлган, уларнинг ботинийи кўзлари очиқ бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Ясавий ҳикматларини ўқиган, Ҳақим ота ва Заини ота таълимотларидан хабардор бўлган ҳар қандай инсон Султон Мир Ҳайдар отанинг шахси ва фаолиятини англаб етади. Чўлу биёбонларни кезиб ошиқ бўлиш, нодонлардан йироқ юриш, Аллоҳнинг ҳол зикрини айтиб кеча-кундуз бедор бўлиш, сир олампдан сабоқ олиш, шариатдан маърифатга етиш, тариқатни эгаллаш - буларнинг барчаси Султон Мир Ҳайдар ота сулукида ўз аксини топган.

Шу маънода, бир томондан, Касби заминидаги қадимий обидаларни, хусусан, Султон Мир Ҳайдар ота номи билан боғлиқ тарихий-меъморий ёдгорликларни янада чуқур ўрганиш, иккинчи томондан, Султон Мир Ҳайдар ота зиёраттоҳини тубдан таъмирлаш ҳамда обод этишни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки бу йўналишдаги барча эзгу амаллар истиқлол йилларида юртимиз ҳудудларида босқичма-босқич амалга оширилаётган маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларнинг изчил давомидир.

Юқорида буюк аломаллар юрти ҳисобланган Қашқа воҳасида яшаб ўтган мутафаккур Султон Мир Ҳайдар отанинг сермазмун ҳаёти ва самарали фаолияти ҳаёти ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирлиди, ҳалос. Зеро Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: "2700 йилдан зиёд тарихга, қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарига эга бўлган Қашқадарё замини бизга Яратганининг марҳамати билан ато этилган бебаҳо ва буюк заминдир"<sup>1</sup>



<sup>1</sup> Ш.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2017. 308-309- бетлар.



Шоҳрух Мирзонинг ёшлик даври ҳақидаги маълумотлар манбаларда нисбатан кам акс этган. Масалан, Низомиддин Шомий, Гиёсиддин Али, Шарафиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳ каби тарихчилар 1405 йилгача бўлган даврга тегишли маълумотларда Умар Шайх ва Мироншоҳ Мирзолар фаолиятини кенг ёритадилар. Юқорида номлари зикр қилинган тарихчилар Амир Темурнинг Музаффарий шоҳ Мансур билан бўлиб ўтган муҳорабасида Шоҳрух Мирзо номини қайд этганлар. Жумладан, Низомиддин Шомий ушбу жанг ҳақида сўзлаб, шундай ёзади: "Амирзода Шоҳрух мардонвор ҳамла билан зўр жанг қилди. Шоҳ Мансурни ўша маърақада қатл этдилар. Унинг лашкарлари енгилиб, пароканда бўлиб кетди. Шу аснода керо қабиласидан мунтазам бир қўшин Шоҳ Мансурнинг ўлдирилганлигидан беҳабар иккинчи бир томондан чиқиб келди. Амирзода Шоҳрух баҳодир улар томонга от қўйди. Уларнинг ҳаммаси қочишга юз тутди"<sup>1</sup>. Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий Амир Темурнинг "етти йиллик" ҳарбий сафари даврида ҳам, Шоҳрух Мирзонинг айрим ҳарбий юришларда иштирок этганлиги ҳақида маълумот берганлар<sup>2</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, тадқиқотчилар орасида Амир Темур китоб мутоаласига берилган ўгли Шоҳрух Мирзога бефарқ қараган, мазмунда қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ, бу фикрга том маънода қўшилиб бўлмайди. Маълумки, Амир Темур ҳарбий соҳа билан бир қаторда илм-фан ва маданиятни ҳам қадрлаган. Дарҳақиқат, Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, Соҳибқирон илми одамларга - уламо ва фозилларга, сайидларга тўла-тўқис иззат-икром кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан юқори қўйган<sup>3</sup>.

790 (1388) йилда Амир Темур ўгли Шоҳрух Мирзони ва икки набираси Муҳаммад Султон Мирзо ва Пирмуҳаммад Мирзоларни уйлантирган<sup>4</sup>. Бу вақтда Шоҳрух Мирзо 11 ёшда, Муҳаммад Султон ва Пирмуҳаммад Мирзолар 12 ёшда эдилар. Шоҳрух Мирзога Гиёсиддин Тархоннинг қизи Гавҳаршодбегим никоҳланган. Шоҳрух Мирзо Гавҳаршодбегимдан уч фарзанд кўради. Улардан биринчиси Улуғбек Мирзо бўлиб, у 1394 йил 22 март якшанба куни Султонияда туғилган. Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида берилган маълумотга кўра, 1394 йилда Амир Темур Мордин (Шарқий Анадўлу)<sup>5</sup> шаҳрини қамал қилган вақтида Улуғбек Мирзонинг туғилганлиги ҳақида хушxabар келади. Амир Темур бу хушxabар эвазига Мордин шаҳри аҳолисини озод қилиб, шаҳарни илгариги ҳокими Султон Солиҳга топширган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup>Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Уринбоев. - Т: "Ўзбекистон", 1996. - 178-бет.

<sup>2</sup>Шарафиддин Али Яздий. "Зафарнома". Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов, Сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. - Т: "Шарқ", 1997. - 2-бет 49; Низомиддин Шомий. Зафарнома. - Т: "Ўзбекистон", 1996. - 312-313, 330-333-бетлар.

<sup>3</sup>Ибн Арабшоҳ. Ажойбу-л-мақдур фий тарихи Таймур (Амир Темур тарихидаги тақдир ажойиботлари) / Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. - Т: Меҳнат, 1992. 1-китоб. - 69-бет.

<sup>4</sup>Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Сўзбоши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. - Т: Шарқ, 1997. - 121бет.

<sup>5</sup>Мордин ёки Мардин ҳозирда Туркиянинг жануби-шарқий ҳудудида жойлашган шаҳар ва маъмурий бирлик - "ил"нинг номи бўлиб, ўрта асрларда бу жой Яқин Шарқ сиёсий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган.

<sup>6</sup>Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Уринбоев. - Т: "Ўзбекистон", 1996. - 199-бет; Хавафи Фасих Аҳмад. Муджмал-и Фасихи, - 116-бет.

Улутбекдан бошқа яна Шоҳрух Мирзонинг Гавҳаршодбегимдан тугилган Гийёсиддин Бойсунгур Мирзо (1397-1433) ва Муҳаммад Жўки Мирзо (1402-1435) исми ўгиллари бўлган<sup>1</sup>.

Шоҳрух Мирзо иккинчи хотини Тўти бегимдан 1394 йил 26 августда бир ўгил кўрган. Унга Иброҳим Султон исмини беришган<sup>2</sup>. Шоҳрух Мирзо, 1394 йилда, Амир Темурнинг хоҳишига кўра, марҳум акаси Умар Шайх Мирзонинг беваси Мулкот ога бегимга уйланади. Кези келганда айтиб ўтиш лозим, Темурийлар даврида ҳам қадимги туркий анъана - вафот этган аканинг бевасини укаси билан никоҳлаш одатига амал қилингани Шоҳрух Мирзо мисолида ҳам ўз ифодасини топади. Мулкат-ого бегим, Хизр ўғлоннинг қизи бўлиб, аввал Умар Шайх Мирзога никоҳланган эди. Шоҳрух Мирзо Мулкат-ого бегимдан 1398 йилда бир ўгил кўради. Унинг исмини Суюрғатмиш қўядилар.

Шоҳрух Мирзонинг яна икки ўгли бўлиб, булар 1403 йилда тугилган Жон Ўғлон ва 1404 йилда тугилган Муҳаммад Ёрий Мирзолардир. Шунингдек, унинг яна икки қизи бўлиб, булардан каттаси Марям Султон Бегим ва кичиги Поянда Султон Бегим эди<sup>3</sup>.

Маълумки, Шоҳрух Мирзо фаолиятининг асосий қисми Хуросон билан боғлиқ. Шу ўринда мазкур шаҳзоданинг Хуросондаги фаолияти айнан қайси пайтдан бошланганига тўхталсак. Амир Темур ўгли Мироншоҳ томонидан бошланган жанубигарбий ўлкалардаги, шу жумладан, Хуросондаги ҳарбий ҳаракат жиловини тезда ўз қўлига олиб, Хуросон эгаллангач, Мироншоҳ Мирзони дастлаб Хуросонга, кейинчалик эса, 1396 йили Озарбайжонга ҳоким этиб тайинлаган эди<sup>4</sup>. Айтиш мумкинки, Амир Темурнинг бундай сиёсати доимо нотинч бўлган собиқ Ҳалокуийлар улусида қаттиққўл, тажрибали ҳукмдор бўлишини таъминлашга қаратилган. Қолаверса, Амир Темур Хуросонда маълум вақт ҳукмронлик қилган ҳамда ўзи билан ҳарбий юришларда бирга юриб тажриба орттирган, душманга аёвсиз муносабатда бўлган ўгли Мироншоҳ номзодини маъқул кўриши табиий эди. Хуросонга эса, 1397 йилда кенжа ўгли Шоҳрух Мирзони ҳоким этиб тайинлайди. Манбада айтилишича, "Сўнгра Хуросон вилоятининг ҳаммасини амирзода Шоҳрухга топширди ва улуг амирлардан унинг хизматига тайин қилиб жўнатди"<sup>5</sup>.

Шу тариқа Шоҳрух Мирзо 1397 йилдан эътиборан, Хуросон, Мозандарон ва Сейистонда Амир Темурнинг ноиб сифатида ўз фаолиятини бошлайди. Фасиҳ Хавофийнинг маълумотларига қараганда, 1399 йил июль ойида Амир Темур фармонида кўра Ҳирот шаҳрида Шоҳрух Мирзо учун Боғи Шаҳр саройи қурила бошланган ва бу ишга Милкат тавочи масъул қилиб белгиланган<sup>6</sup>. Шунингдек, Соҳибқирон 1401 йилда ўгли Шоҳрух Мирзо ҳузурига вазир лавозимига тайинланган Хожа Шамсиддин Яҳё Симнонийни юборади<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Хавафи Фасиҳ Ахмад. Муджмал-и Фасихи, - С. 118-122; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Т.: 2001. - 358-бет.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. - Т: "Ўзбекистон", 1996. - 207-бет.

<sup>3</sup> Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Т: Шарқ, 2002. - 357-358-бетлар.

<sup>4</sup> Хавафи Фасиҳ Ахмад. Муджмал-и Фасихи, - 117-бет; Алишер Навоий. Мажолис-ун нафоис // Навоий. - Т: Уздавнашр, 1948. 3 жилд. - 129-130-бетлар.

<sup>5</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржумани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Т: "Ўзбекистон", 1996. - 221-бетлар.

<sup>6</sup> Хавафи Фасиҳ Ахмад. Муджмал-и Фасихи, - 120-бет.

<sup>7</sup> Уша жойда. - 121-бет.

Амир Темур ҳаётлиги пайтида Шоҳрух Мирзо ҳукми остида бўлган Хуросон билан боғлиқ айрим воқеалар манбаларда жой олган бўлиб, улар асосида мазкур шаҳзода фаолиятининг илк даврларини ёритиш мумкин. Шулардан бири Шоҳрух Мирзо девонидаги амалдорлар ва уларнинг Амир Темур томонидан жазоланиши билан боғлиқ. Дарвоқе, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг берган маълумотларига кўра, Амир Темур Хуросон вилоятига яқинлашгач, Хожа Фахриддин Аҳмад Тусийни солиқ йиғиш ишларини назорат қилиш учун Хуросонга юборган бўлиб, мазкур амалдор қирқ кунда Хуросондан икки юз туман кепакий миқдорда маблағ йиғиб, хазинага топширган<sup>1</sup>.

Мазкур воқеа хусусида Фасих Аҳмад Хавафий асаридан тўлиқроқ маълумот оламиз. Унга кўра, Амир Темур Нишопурда турган вақтида Хожа Фахриддин Аҳмад Тусийни Ҳиротга фавқулодда мухтор вакил қилиб жўнатади. Тусий Ҳиротга келиб, давлат ишларини текширгач, девонбеги лавозимида турган машҳур Хожа Али Муҳаммад Шоҳни солиқ йиғувчиларни қийнаб азоб берганлиги учун Ҳиротнинг Малик номли дарбозасига олиб чиқиб остиради. Шунингдек, Ҳирот хожазодаларидан йигирма кишини бадарга қилиш ҳақида Амир Темурга рўйхат тақдим этади. Амир Темур мазкур хожаларни Ҳиротдан Ашпара ва Савронга сургун қилиш ҳақида фармон беради. Фармонга мувофиқ, хожалар Ҳиротдан кўчирилаётганларида Амир Темурнинг вафоти ҳақида хабар келиб, улар яна Ҳиротга қайтадилар<sup>2</sup>.

Шоҳрух Мирзо девонига нисбатан бундай жазо берилишининг жиддий сабаблари бўлган. Чунончи, Шоҳрух Мирзо Хуросон бошқарув ишига масъул этиб тайинлангач, Ҳиротнинг йирик хожазодаларини ўз атрофига йиғиб, уларнинг раҳнамолигида мамлакатни бошқарган. Мамлакат бошқарувини ўз қўлига олган хожалар солиқчилар ишига бевосита аралашиб, уларга босим ўтказганлар. Натижада, Амир Темур томонидан белгиланган Хуросон мамлакати солиқ мажбуриятлари издан чиққан. Бу эса Соҳибқирон томонидан Хожа Аҳмад Тусий бошчилигидаги гуруҳ давлат ишларини тафтиш қилиш учун Ҳиротга юборилишига сабаб бўлган. Мазкур амалдор ўз зиммасига юклатилган вазифани аъло даражада бажариб, Амир Темур назарида ҳурмат эътибори ошган. Кейинроқ Амир Темур Хожа Фахриддинни Самарқанд девонида масъул ишлардан бирига тайинлайди<sup>3</sup>.

Амир Темур 1404 йилда Конида тўй қилиб, Шоҳрух Мирзонинг ўғиллари Улутбек Мирзо ва Иброҳим Мирзоларни, Умар Шайх Мирзонинг ўғиллари Аҳмад Мирзо, Сайди Аҳмад ва Бойқаро Мирзоларни, Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Ижал Мирзони уйлантиради. Мазкур тўй муносабати билан Самарқанд шаҳрида қурултой чақирилади. Амирлар бу йиғилишда Шоҳрух ва Пирмуҳаммад Мирзоларнинг иштирок этиши лозимлигини Соҳибқиронга айтадилар. Гарчи Амир Темур Пирмуҳаммад Мирзога Самарқандга келишига рухсат берса-да, Шоҳрухнинг

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. "Зафарнома". Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов, Сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. - Т. "Шарқ", 1997. - 228-бет; Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Ю. Ҳакимжонов Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. - Т: "Ўзбекистон", 1996. - 391-бет.

<sup>2</sup> Хавафи Фасих Аҳмад. Муджмал-и Фасихи, - 124-126-бетлар.

<sup>3</sup> Шомий Низомиддин. Зафарнома / Форс тилидан ўтирувчи Ю. Ҳакимжонов, 392-бет.

Ироқ ва Озарбайжонда турган Мироншоҳ Мирзога таянч бўлиб туришини назарда тутиб, унинг келишига рухсат бермайди<sup>1</sup>.

Назаримизда, амирларнинг Соҳибқиронга Шоҳрух ва Пирмуҳаммадни қурултойга чақириш таклифлари бежиз бўлмаган. Аввало, ўша давр анъанасига кўра, тўй маслаҳатларига таниқли давлат арбоблари, зодагонлар чақирилган. Шу муносабат билан давлат аҳамиятига молик қурултойлар ҳам ўтказилган.

Иккинчидан, Амир Темурнинг соғлиги амирларни ташвишлантирган. Бу вақтда валиаҳдликка номзод масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этарди. Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Муҳаммад Султон Мирзолар вафот этган эдилар. Мироншоҳ Мирзо эса валиаҳдликка номуносиб топилган эди. Валиаҳдликка номзодлардан фақатгина Шоҳрух Мирзо ва Пирмуҳаммад Мирзолар қолган эдилар.

Амир Темур Шоҳрух Мирзони Хуросондан чақириш борасидаги таклифни рад этади. Пирмуҳаммад Мирзо эса Самарқандга келади ва маълум муддат Амир Темур ҳузурда бўлади.

Қурултой ва ундаги кўрилган масалалар ҳақидаги тафсилотлар ҳақида етарлича маълумотлар учрамади. Лекин шуниси аниқки, тўй маслаҳатидан кейин қурултой бўлиб ўтган. Қурултойда Хитойга юриш режаси кўриб чиқилган ва бунинг кейинги тарихий воқеалар ҳам исботлайди.

Соҳибқироннинг Хитойга юришида Шоҳрух Мирзонинг иштироки қандай бўлганлиги манбаларда деярли акс этмаган. Ҳар ҳолда бошқа шаҳзодалардан фарқли ҳолда Шоҳрух Мирзо мазкур ҳаракатлардан анча четда турган.

Валиаҳдликка номзод белгиланишида Шоҳрух Мирзонинг четлаб ўтилиши масаласига келсак, биринчидан, у ёшлигидан акаларига нисбатан ҳарбий соҳадан йироқ шаҳзода сифатида намоён бўлган. Назаримизда, Амир Темур мазкур ўғлидан етук саркарда ва давлат арбоби чиқишига кўзи етмаган кўринади. Иккинчидан, қадимги туркий одатга кўра, валиаҳдликка хонадонда ёши улуг киши номзоди муносиб кўрилган<sup>2</sup>. Пирмуҳаммад Мирзо, гарчи Амир Темурга набира бўлса-да, Мироншоҳ Мирзони истисно қилганда, ушбу хонадонда ёш жиҳатдан катгаси эди. Шу нуқтаи назардан ҳам Амир Темур Шоҳрухга нисбатан Пирмуҳаммад Мирзо номзодини валиаҳдликка муносиб кўрган бўлиши мумкин.

Пировардида 1409 йилга келиб, Шоҳрух Мирзо салтанат пойтахти Самарқандни қўлга киритиб, у ерни ўзининг катта ўғли Улугбек Мирзога, Балх вилоятини Иброҳим Мирзога, Ҳисорни Муҳаммад Жаҳонгир Мирзога, Фарғона вилоятини Аҳмад Мирзога суюрғол тарзида инъом этади. Шоҳрух Мирзо акалари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо авлодларини ўзига буйсундириб йирик салтанатнинг бошқарув жоловини ўз қўлига олди.

Унинг ҳукмронлиги даврида салтанатда Амир Темур даври анъаналари давом эттирилиб, илм-фан ва маданият ривожланди. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига кўра, Шоҳрух Мирзо даврида кўзга кўринган кўплаб илм-фан намоёндалари унинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб фаолият юритганлар. Шу-

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. "Зафарнома". Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов, Сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. - Т. "Шарқ", 1997. - 290-291-бетлар.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: 1994. - 56-бет.

нингдек, ҳукмдор кўрсатмасига биноан Ҳиротда замонасининг дунёга машҳур бўлган асарлари сақланган катта кутубхона ташкил этилган. 1439 йилда Ҳиротга Миср султони Чақмоқ элчиси келиб, ўзига бириктирилган амирлар воситачилигида Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг "Таъвилоти аҳли сунна", Имом Фахруддиннинг "Тафсири кабир", "Шарҳи талхиси Жомий", Мавлоно Алоуддин Паҳлавоннинг "Шарҳи Кашшоф" китобларини Шоҳрух Мирзо кутубхонасидан Султон Чақмоқ учун совға қилишни илтимос қилади. Шоҳрух элчининг илтимосини ижобат қилиб, мазкур асарларни китобат қилишни буюради<sup>1</sup>.

Шоҳрух Мирзо фаолиятига қисқача тўхталиб ўтиш натижасида, мазкур те-мурий ҳукмдорнинг ўша давр сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи йил сайин ортиб боргани ва пировардида салтанатнинг етакчи арбобига айланганлигига гувоҳ бўламиз. Тўғри, Темурийлар салтанатининг илк паллаларида Шоҳрух Мирзонинг сиёсий мавқеи унчалик кўзга ташланмаса-да, бироқ, Амир Темур вафотидан кейин салтанатдаги нотинч йиллар уни ҳар томонлама чиниқтирди. Хуллас, мавжуд тарихий вазият, Темурий шаҳзодалар ўртасидаги тахт учун курашлар ва сарой аъёнлари орасидаги зиддиятлар, Хуросондаги ноиблик тажрибалари, Амир Темур салтанатига чегарадош давлатлар билан ўзаро муносабатлар ёш Шоҳрух Мирзони давлат арбоби бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.



<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II Жилд. 2-3-қисмлар, - 87-бет; Ака?. Mirza Sahruh ve Zamani (1405-1447). - Ankara, 1994. - 189-бет.

## НАСАФЛИК КАЛОМ ИЛМНИНГ БУЮК АЛЛОМАСИ

"...Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили Абу-Муин Насафий бобомиз яшаб ўтганлар. У киши узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, калон илми, яъни исломий эътиқод поклиги масаласида 15 яқин китоб ёзганлар. Ана шу китобларида, бундан минг йил олдин дин масаласида адашганларга тўғри йўл кўрсатганлар".

Ш.М.Мирзиёев.

Асрларга бўйлашган Туркистоннинг муваззам ўтмиш тарихи боий илмий ва маданий меросга эга эканлиги билан умумбашарий тамаддуни тараққиётида ўзинга хос муҳим ўрнида туради. Хусусан ўрға асрлардаги "олтин давр" - XI-XII манбаларда зикр этилган. Бу муҳим давр нафақат юртимиз, Марказий Осиё, балки мусулмон Шарқ олами халқларининг жаҳон маданияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган давр сифатида мозий саҳифаларида муҳрланиб қолганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Туркистонда асос солинган боий маданий анъаналар нафақат шу замин, балки бошқа ҳудудлардаги мусулмон маданияти тараққиётига ҳам салмоқли ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳам диққатга сазовордир. Бухоро, Самарқанд, Шон (Тошкент), Кеш (Шахрисабз), Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Марғилон каби йирик шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар сифатида жаҳонда тан олинган.

Ўзбекистон жанубий сарҳадларидаги Қашқадарё воҳаси минтақадаги энг салоҳиётли ҳудудларидан бири саналган. Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги энг қадимий шажарага эга бўлган Насаф вилояти ва унинг пойтахт шаҳри Насаф Марказий Осиёдагина эмас, балки Шарқ оламида, шунингдек умумбашарий тамаддунида ҳам салмоқли ўринга эгадир.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлагандек "2700 йилдан зиёд тарихга, қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарга эга бўлган Қашқадарё замини бизга Яратганининг марҳамати билан ато этилган бебаҳо ва буюк заминдир".

Дарҳақиқат, қадимги манбаларда Нахшаб, Насаф номлари билан аталган қарийб 3 минг йиллик тарихга эга бугунги Қарши шаҳри Марказий Осиёнинг энг қўҳна шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хива каби боқийдир. Жаҳонда 2700 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлар кўпчиликини ташкил этмайди албатта. Асрларга туташган бу муваззам шаҳар боий тарихга эга бўлиши билан бирга илм, фан марказларидан бири ҳам ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Қарши шаҳрининг 2700 йиллига бағишланган тагтанали маросимида таъкидлагандек: "Қадимий Насаф шаҳри нафақат ўзининг муҳташам асрий обидалари, балки илму фан, ҳунармандчилик, адабиёт ва санъат, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига



О. Бўриев.

қўшган буюк фарзандлари билан тарихимизда алоҳида ўрин тутадн.

Насаф шаҳри IX- XII асрларда илм-маърифат жиҳатидан Мовароуннаҳрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар - Самарқанд ва Бухородан кейинги ўринда туриб, кўплаб олим муҳаддислар самарали фаолият кўрсатишган. Шарқшунос олим Д. Раҳимжоновнинг маълумотига кўра VIII-XII асрларда Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ муҳаддислар фаолият кўрсатишган. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан зиёди Бухорода, 400 дан ошғи Насафда, 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан зиёди Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 да ортиғи Термизда, 40 дан зиёди Хоразмда, шунингдек қолган қисми эса

Уструшона, Добусия, Қушония ва бошқа минтақаларда фаолият юритишган. Бу рақамлар Насаф шаҳрининг Мовароуннаҳрдаги нечоғли илмий-маданий салоҳиятини юксаклигини яққол исботлайди.

Насафлик 400 дан зиёд уламоларнинг аксарияти Насаф воҳасидаги шаҳарларга (Пазда, Касби ва Кеш шаҳарларига мансуб бўлганлар. Насафлик кўплаб уламолар илмий фаолиятини Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам олиб боришган.

Насафда бошқа илмлар каби ҳадис илми ҳам тараққий этган. Буюк муҳаддис олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870) бир муддат Насаф шаҳридаги Боён маҳалласида истиқомат қилиб, ўзининг "Ал жомеъ ас-саҳиҳ" китобини учун зарур маълумотларни тўплаган ва бу ердаги ҳадис илми ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Аллома бу шаҳарда шогирдларига ҳам сабоқ бериб, Абу Зайд Тўфайл ибн Зайд (вафоти 892 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил ибн Насафий ас-Санжоний (IX аср) каби бир қанча таниқли муҳаддислар ундан сабоқ олишган. Алломанинг энг яқин ёрдамчиларидан бири Офурон қишлоғидан бўлган Жаброил ибн Ован ал-Офуроний ҳисобланиб, у кишининг ўзи ҳам замонасининг етук олими ва ҳадисшунослик илмининг пешволаридан бири саналган. Насаф фозилу уламолари Исмоил ал-Бухорийни илқ ва юксак эҳтиром билан кутиб олишган. Насафликлар алломани ўз хонадонларида меҳмон бўлишини, ўзларини алломанинг хизматида бўлишларини шараф деб билганлар. Бу алломада катта таассурот қолдирган.

Шунингдек, Насафда таваллуд топиб Самарқандда илму фан билан шуғулланган Абу Ҳафс ан-Насафий (вафоти 1142) 100 дан зиёд асарлар яратиб, унга "ал-Ҳофиз" нисбаси берилган эди. Маълумки ҳофиз даражасига эришиш учун 20 мингдан зиёд ҳадисларни матну иснодлари (шарҳлари) билан биргаликда тўлиқ ёд олиш шарт бўлган. Абу Ҳафс Исмоил ал-Бухорийнинг "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" асарини шарҳлаб, махсус асар ҳам ёзган.

VIII-XII асрларда Насаф Мовароуннаҳрдаги ҳадис илми марказларидан бири сифатида тан олинган. Насаф шаҳрида бутун вилоят илм толиблари учун марказий мактаблар мавжудлиги сабабли, бу шаҳарга Пазда (Базда) Касби, Косон, Варсин, Ўғна, Новқат, Курайш, Офурон, Зодак, Қалосий, Муда, Санжан, Фижкат, Маймурғ каби шаҳар ва йирик қишлоқлардан олимлар илм олиш учун ташриф буюришган. Шунингдек, Насаф воҳасида муҳаддис олимлар ал-Касбавий, ал-Косоний, ал-Ғубдиний, ал-Ибсоний, ал-Паздавий, ал-Маймурғий нисбалари билан ҳам самарали илмий фаолият юритишган.



У. Тошнӣёзов

Насафлик буюк аллома Абул Муин ан-Насафий (1046-1114) "Ал-Мотуридийа калом мактабининг ҳимоя қилиб турувчи буюк шахс" деб таърифланган. Абул-Муин ан-Насафий калом илмининг буюк намояндаларидан бири бўлган, Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунёда кең миқёсда тарқалишига катта ҳисса қўшган буюк зот ҳисобланади. Аллома дастлаб таълимни она шаҳри Насафда олиб, Самарқандга, сўнгра Бухорога кўчган. Дамашқ шаҳрида ҳам сафарда бўлган. У "Табсироту-л- адилла фил - усули-д-дин ал- тариқати-л- Имом Абу Мансур ал-Мотуридий" ( Абу Мансур ал- Мотуридий таъриқатига биноан дин уламоларини аниқ

далиллар билан шарҳлаш"), " Бахру-л- калом" ("Калом илми уламоси"), "Ат- тамҳид ли қавон-т тавҳид" ("Тавҳид қоидаларига муқаддима") каби асарларини ёзган.

Унинг "Табсират ал-адилла", Ийзоҳ ал-манҳажжати фи кави ал-ақли хужжатаи", "Ат-Тамҳийд ли қавонд ат-тавҳийд", "Маноҳиж ал-аниммати фил-л-фуруъ", "Шарҳ ал-Жомийъ ал-кабир ли-ш-Шайбоний фи фуруъ ал-ҳанафийийа" каби асарлари дунёда жуда машҳур бўлиб, дин масалаларида муҳим далил ҳисобланган. Аллома кўплаб асарларида аксар адашган фирқаларга ўришни раддиялар берган, яъни динда гўлувга кетган, нотўғри йўлдан бораётган таълимот ва оқимларнинг хатоларини кескин қоралаб, уларни чуқур таҳлил қилиб берган. Бинобарин, буидан қарийб ўн аср муқаддам яшаган буюк ватандошимиз Абул-Муин ан-Насафий қолдирган бой илмий-маънавий мерос нафақат ўз замони учун, балки ҳозирги даврда ҳам амалий аҳамиятга эга таълимот сифатида ҳар томонлама чуқур ўрганишга лойиқ.

Аллома ўз даврининг машҳур мутакаллим олими бўлган ва Самарқанддаги ҳанафий калом мактабининг йирик вакили Абу Мансур ал-Мотуридийдан сўнг шу мактабнинг пенжадам вакили ҳисобланган. Ва нафақат калом илмининг алломаси, балки ўз даврининг фақиҳи ва усулчи олими сифатида ҳам ном қозонган улўф сиймолардан бири ҳисобланган. Туркиялик олим Х.Отай ёзганидек; "Мотуридия таълимотининг энг машҳур мутакаллим олими Абул-Муин ан-Насафийдан кейин унинг йўлида ва тизимида у каби шахс ҳали етганиб чиқмаган".

Бу зотни Наъзмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ўзининг "Ал-Қанд фи-зикри уламон Самарқанд" ("Самарқанд олимлари зикрида қанддек (ширин) китоб") номли асарида шундай таърифлаган: "Шарқу Фарбининг олиму уламолари Абул Муин ан-Насафий илмининг денгизидан баҳра тошиб, ул таратган зиё нурларини кўзларига тўтиё қилиб суртганлар".

Алломанинг Наъзмиддин Умар ан-Насафий, Алоуддин ас-Самарқандий, Абу Бакр ал-Косоний, Абул Музаффар алал-Талакониий, Аҳмад ал-Паздавий (Бухоро), Абул Ҳасан ал-Балхий, Абул Фатҳ ал-Ҳилмий, Абдурашид ал Валволийжий, Маҳмуд ас-Соғоржий, Али ибн ал-Ҳусайн ас-Сакаликандий каби шогирдлари самарали ижодий фаолият юритишган.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг жорий йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига қилган ташрифи давомида айтган фикрлари, хусусан Абул Муин ан-Насафий абадий қўним топган манзилни ободонлаштириб, бу ерни катта зиёратгоҳга айланттириш ҳамда бу даргоҳда кутубхона ташкил қилиш ҳақида кўрсатмаси эътиборга молиқдир.

Республика Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 18 апрелда буюк ватандошимиз калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўнган буюк аллома ва мутафаккир Абул Муин ан-Насафийнинг бои илмий-маънафий меросини чуқур ўрганншага, халқимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг тарғиб этнн тўғрисида Фармойини қабул қилннди.

Ушбу Фармойинида қўнндаги масалаларга алоҳида эътибор қаратнн лозимлиги кўрсатнлган:

- Абул Муин ан-Насафийнинг ҳаёти, илмий мероси, у янаган даврнинг илм-фани, маданияти тарихий манбаларини ўрганнн, уларни кенг тарғиб этнн бўйича таълифлар тайёрлаш;

Алломанннг Ўзбекистон мусурмонлар идораси томонидан жамоатчилик асосида амалга ошириляётган "Табироту-л-адилла фил фил усули-д-дин ал-тариқати-л-Имом Абу Мансур ал-Мотуриднн" (Абу Мансур ал-Мотуриднн тариқатига биноан дин уламоларини аниқ далиллар билан шарҳлаш) асарни араб тилидан ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилннн ишларини яқинша етказннн ва Алишер Навоий номидати Миллий кутубхонаси электрон базасига жойлаштириш;

- мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларинннг кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланаётган Абул Муин ан-Насафийнинг қўлёмалари нусхаларинн, улар ҳақида китобларни тўнлаш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- мамлакатимиз ва чет эл олимларинннг буюк алломанннг ҳаёти ижодини ўрганншага бағишланган илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш, хорижий давлат, жамоаг ва хайрия ташкилотлари билан шу йўналанинда илмий алоқаларини йўлга қўйиш;

- алломанннг бои илмий-маънавий меросини ўрганннн ва тарғиб қилнннн амалга ошириш ва ҳакозо.

Эндиги вазифа аллома асарлариннн тадқиқ қилннн ва буюк ғоялариннн ўрганннн, ўзлаштиришдан иборатдир.

Хуллас Туронда IX-XII асрларда маънавий Уйғонини Ренессанс даврида самарали илмий фаолият кўрсатиб жаҳонга донг таратган Насаф воҳаси олимуну фузалолари бои илмий меросини тирач ўрганннн ва халқимизга тўлақонли етказнннн мустақил юртимизинннг ҳар бир фуқаросига фахр-ифтихор туйғусини уйғотишнн ва баркамол авлодиннн вояга етишига яқиндан ёрдам бернннн шак-шубҳасиздир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ш. Мирзиёев. «Ватанимиз тақдирнн ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик»)- "Халқ сўзи", 2017 йил 16 июнь.
2. Ш.Мирзиёев. «Буюк келажагимизни мард ва олияжаноб халқимиз билан бирга қураминз». Т: "Ўзбекистон", 2017. 309-309-бетлар.
3. "Халқ сўзи", 2010 йил 28 октябрь.
4. Қарини шаҳринннг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Т., 2006.
5. П.Равианов. Қарини тарихи. Т-2006. 247-248-бетлар.
6. Ш.Камолнннннов. "Китоб ал-ансаб" Абу Саъда Абдулқарима ибн Мухамад ас-Самани как источник историннн и историннн културннн Средней Азии. Т., 1993. с. 164.
7. Бартольд В.В. Соч.т.1. с. 191 - 197
8. Ш.Камолнннннов. Кўрсатнлган асар.100-107-бетлар.

9. Д.Раҳимжонов. VIII-XIII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти. "Самарқанд" асари асосида. Номз.дисс. 14-бет.

10. Д.Раҳимжонов. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби: "Имом ал-Бухорий сабоқлари", 2000 йил. 2-сон. 92-бет.

11. С.Оқилов. Абул-Муин ан-Насафий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти. Т.,2008. 23-24-бетлар.

12. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалар. Т. 2011. 4-бет.

13. У.Уватов. Абул Муин ан-Насафий. Т.,2003. 23-27 бет.

14. Ш.Зиёдов. Мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг калом таълимоти. "Ўзбекистон тарихи", 2000 йил 3-сон. 30-31-33-бетлар.

15. Г.Солижонова. Урта асрларда Урта Осиё мадрасаларида ўқув дастури ҳақида. "Ўзбекистон тарихи", 2000 йил 3-сон.

16. Абдусаттор Жуманазар. «Насаф». Т., 2006. 185-бет.


17. Носир Муҳаммад. «Насаф ва Кеш алломалари». Т., 2001. 55-бет.

### РЕЗЮМЕ

Мақолада IX-XII асарларда Қўҳна Насафда яшаб ўтган, нафақат Моварауннаҳрда балки бутун мусулмон дунёсига машҳур аллома Абул Муин ан-Насафийнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган.

### РЕЗЮМЕ

В статье освещается развитие науки в Несефеского оазиса в IX-XII вв., а также на основе источников показана важную роль видного деятеле науки - колом илми Абул Муин ан-Насафи оазиса не только в Мовароуннахре и в Мусульманском мире.





# ТОБЕ ВА ТЕНГ БОҒЛАНИШИ СИНТАГМАЛАР ХУСУСИДА

Тилнинг система эканлигини илмий асослаб берилиши тилшунослигимизда эришилган энг асосий ютуқларимиздан биридир. Система тушунчаси тилнинг бутун материал бойлигини қамраб оладики, бунда биз тилимиз моддий жиҳатдан нималардан ташкил топганлиги ва унинг белгиларининг сатҳлараро тақсимоли ҳақида мукамал маълумот олиш имконига эга бўламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, тил системаси ва унинг белгилари ўртасидаги муносабат ўта мураккабдир. Бундай вазият тил сатҳлари бирликларининг ҳар бирида ва уларнинг сатҳлараро муносабатида ҳам кузатилади.

В.В.Виноградовнинг қайд этишига кўра, хорижий мамлакатлар тилшунослари синтагмани *семантик синтагма ва функционал синтагмаларга* бўлиб ўрганишни тадқиқотлар кун тартибига қўйишган эдилар. Бунда семантик синтагма деганда, номинатив маъно англатувчи сўз бирикмаси қолипидаги семантик birlik назарда тутилади. Бундай синтагмаларда ҳоким сўз бирикманинг мазмуний марказини ташкил этади. Унинг потенциал маъноси аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифаларида келадиган сўзлар воситасида изоҳланади.

Функционал синтагма деганда эса, боғловчи воситасида ёхуд боғловчисиз боғланган сўзлар ёрдамида шакланган бирикма тушунилади. Бошқача айтганда, айти пайтда сўзларнинг тенг боғланиши эътиборга олинади [1, 103].

Албатта, В.В.Виноградов синтагмани бу тахлит иккига бўлиш масаласига ижобий баҳо бермайди. Аммо, бизнингча, бу ўринда ғализлик кўзга ташланмайди. Тўғри, Фердинанд де Соссюр таълимотида синтагма компонентларининг тобелик асосида боғланиши назарда тутилади, тенг боғланиш кун тартибига қўйилмайди. Бироқ синтагма компонентларининг тенглик асосида муносабатга киришуви масаласи ҳозирги тилшунослигимизда тадқиқотлар кун тартибига қўйилмоқда. А.А.Холодович бундай синтагмани тан олмаган ва айти пайтда асинтагматик муносабат шаклланишини таъкидлаган эди.

Л.Теньер *синтагма* тушунчаси ўрнига узел (ўрам) терминида ифодаланганини кўраимиз. Унинг вербоцентрик назариясида *актант* терминидан фойдаланилади. Актант вазифасида, одатда, от ёки унинг ўрнида келиши мумкин бўлган кишилик олмошлари қўлланилади. Жумла таркибига ҳар бир актант ўзига хос гуруҳни ташкил этади. Мазкур гуруҳ, у ҳажман кичик ёки катта бўлишидан қатъи

назар, узел (ўрам) деб аталади. Бу жараёнда *субстантив* узел шаклланади: *le signal vert* "яшил сигнал", *un chat blanc* "оқ мушук".

Бу ўринда субстантив узелнинг шаклланишига атрибутив аниқловчи сабаб бўлмоқда [2, 161;].

Кўринадики, Л.Теньер қўллаган узел тушунчаси синтагма мақомида келади. Субстантив узелнинг охириги элементи сифат эканлигини кўрдик. Аммо сифат узелнинг бошида келиши ҳам мумкин: *un petit garçon* "кичкина бола", *un brave homme* "машҳур одам".

Субстантив узел доимий равишда сифат воситасида эмас, балки от ёрдамида воқеланиши ҳам кузатилади. Бундай вазиятда аниқловчи вазифасида келаётган от de (-нинг) предлоги билан қўланади: *le livre de Pierre* "Пьернинг китоби", *le train de Paris* "париж поёзди".

Немис тилшуноси Й.Рис сўз бирикмалари хусусида мулоҳаза юритганида уларни сўзга нисбатан мутлақо бошқа мақомда эканлигини, аммо баъзи жиҳатларига кўра қўшма сўзларга яқин туришини қайд этади [3, 5;]. Бу жиҳатдан уларда синтагма хусусияти борлигини кўрамиз. Й.Рис синтагма терминида фойдаланмайди. Бироқ шуниси аниқки, сўз бирикмасини синтагма мақомида ўрганиш мумкин. Зеро, тобе боғланишли сўз бирикмаларида аниқловчи – аниқланмиш муносабати воқеланади. Аммо сўз бирикмаларини ҳар доим синтагма тарзида талқин этиш имконияти бўлса-да, ҳар қандай синтагмани ҳам сўз бирикмаси қолипида дея олмаймиз. Й.Рис сўз бирикмалари гап сатҳидагина шаклланишини таъкидлайди, улар ўзларича мустақил бирликлар сифатида мавжуд эмаслигини тўғри эслатади [3,8;]. Бу жиҳатдан олимнинг фикри бутунги тилшунослигимизда сўз бирикмаларининг лингвистик мақоми хусусида билдирилатган фикр ва мулоҳазалари билан муштарақдир.

Немис тилшунослигида сўз бирикмалари тадқиқи бобида О.Бехагел ҳам ўз ўрнига эга. Унинг фикрига кўра, "Wortgruppen" тушунчаси тобе боғланишли сўз бирикмаларини ҳам, тенг боғланишли сўз бирикмаларини ҳам ва ҳатто мустақил ва номуқтақил сўзларнинг бирикувидан ташкил топган синтактик структураларни ҳам қамраб олади [4,228;].

Назаримизда, О.Бехагелнинг тенг боғланишли сўз бирикмалари ҳақида билдирган мулоҳазалари билан ҳам қўшилиш мумкин. Чунки ҳозирги тилшуносликда тенг боғланишли сўз бирикмалари ҳақида фикр билдирмоқда. Синтагманинг ҳам ана шу тарздаги тобе ва тенг боғланишли турлари мавжудлиги илмий асосланмоқда.

О.Бехагел мулоҳазаларига муштарак фикрлар немис тилшунослигида Р.Блюмель, Й.Эрбен, В.Юнг каби олимлар томонидан билдирилган эди. Улар ҳатто предлог билан отнинг боғланишида ҳам сўз бирикмаси шаклланишини таъкидлаган эдилар[5, 10;].

Бизнингча, сўз бирикмаларини тобе ва тенг боғланишли турлари хусусида айтилган фикрлар билан қўшилиш мумкин. Чунки уларнинг ҳар иккисиди ҳам нисбий бўлса-да, мустақил структуралар шаклланади. От билан предлог муносабатида эса буни кўриб бўлмайди. Шу боис мазкур фикрни эътирозли деб биламиз. Бироқ масала тавсифига соф синтагма нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, бундай бирикмарда ҳам аниқловчи – аниқланмиш муносабатини кўриш мумкин (an die Arbeit, auf dem Markt).

Умуман олганда, аниқловчи - аниқланмиш муносабати мослашув бошқарув ва битишув усуллари билан шакланган сўз бирикмаларининг қарийб барчасида кўринади. Синтагма учун эса мазкур шарт кўпроқ таалуқлидир, зотан, тобе боғланишли синтагмалар шу тамойил асосидагина шаклланади. Тенг боғланишли синтагмалар мазкур тамойилга бўйсунмайди.

#### Адабиётлар:

1. Виноградов В.В. Избранные труды. Исследование по русской грамматике. -М., 1975.-С. 103-104.
2. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса.-М., 1988.-С. 161-164.
3. Ries J. Zur Wortgruppenlehre. -Prag, 1928. -S.5.
4. Behagel O. Die deutsche Sprache.-Halle. 1954. -S. 228.
5. Филичева Н.И. О словосочетаниях в современном немецком языке. -М., 1969.-С.

#### Резюме

*Мақолада синтагманинг тобе ва тенг боғланишли турлари мавжудлиги илмий асосланган.*

#### Resume

*The article discusses some of the scientific beliefs about the types of subordinate and equal relationships of syntagma.*



# АЛИШЕР НАВОИЙ

## АСАРЛАРИДАГИ АЙРИМ АСТРОНОМИК

### ТУШУНЧАЛАР: ХИРА ЮЛДУЗ, ОЙ

### БАҒРИДАГИ ЮЛДУЗ,

### ЧИЛЛА



Фалакиёт илми тарихида самовий ҳодисаларни ўрганиш доимо долзарб мавзу бўлиб келган. Алишер Навоий асарларида учрайдиган бундай маълумотларни ўрганиш астрономия тарихи нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Қуйида шоир асарларида қайд қилинган осмон жисми ва самовий ҳодисалар - "Ой бағридаги юлдуз рамзи", "Чилла" атамасининг талқини" мавзуларига эътибор қаратамиз.

Хира юлдуз. Алишер Навоий асарларида самовий жисмлардан Қуёш, Ой, метеор, комета, бурж (зодиак) ва юлдузлар ҳақида маълумотлар бор. Жумладан, сайёралар ва юлдузлар ёруғлик даражасига қараб ифодаланган. Чунончи, Зуҳра (Венера) сайёрасини у тийра Ноҳид (хира Зуҳра) ҳам деб атайди. Юлдузлар учун эса: *ахтар чечаклари* - чарақлаган юлдузлар; *кавкабистон* - юлдузлар олами; *нажми соқиб* - ёруғ юлдуз, деган иборалар ишлатилган. Хира юлдуз деган тушунча *тийра кавкаб* - хира юлдуз; *тийра ахтар* - хира юлдуз; *тийра анжум* - хира юлдузлар; *нужуми тийра* - хира юлдузлар; *кавкаби тийра* - хира юлдуз каби ибораларда берилган.

Қуйида хира юлдузлар тушунчасига тўхталамиз.

*Жайби аро тутма тийру Ноҳид*

*Эгнида тирози Ою Хуршид<sup>1</sup>.*

Мазмуни:

Эгнидаги безаклари Қуёш ва Ой каби товланиб турганда,

Ёқасидаги тутмаси хира Ноҳид (Зуҳра) мисоли кўринади

Ушбу байтда, самодаги энг ёрқин, учта самовий жисм: Қуёш, Ой ва Зуҳра сайёраси равшанликлари жиҳатидан қиёсланган. Дарҳақиқат, Қуёш ва Ойга нисбатан Зуҳра сайёраси Ердан туриб қараган кузатувчи учун анча хира кўринади.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 9 том Хамса. Лайли ва Мажнун  
Т: 1992. 10 бет.

Кейинги мисол "Наводир ун ниҳоя" дан:

*Ушшоқ тийра ахтаре ҳар ён шафақ аро,  
Гўё сипеҳр сабзасининг лолазоридир<sup>1</sup>.*

Мазмуни:

Ошиқлар шафақ пайтида (осмонда) хира юлдузга ўхшаб кўринади, Худди осмон майсазорининг лолазоридек.

Ушбу байтнинг биринчи сатрида иккита астрономик тушунча шафақ ва хира юлдуз қайд қилинган. Фалакиёт илмида «шафақ»<sup>2</sup> деганда, кун чиқиш ёки кун ботиш олдидан уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик тушунилади. Бу ҳодиса рўй бераётган пайтда самодаги юлдузларнинг ёрқинликлари хиралашиб, ердаги кузатувчига, улар милт-милт этиб кўринади.

Иккинчи сатрда, мажозий маънода, юлдузлар билан қопланган бутун осмон, гўё майсазор бўлса, ундаги хира юлдузлар майсазор бағридаги лолалардек ажралиб туриши таъкидланган.

Яна бир мисол "Сабаъи сайёр" достонида:

*Кавкабин тийра айлаб иқболи,  
Чиқти нокомдин ўлум ҳоли<sup>3</sup>.*

Мазмуни:

Унинг иқболи юлдузини хиралаштириб, ноилож ўлим ҳолати юзага келди.

"Хазойин ул-маоний" шеърлар тўпламининг "Бадойиъ ул - бидоя" бобида:  
*Кўнгулки<sup>4</sup>, оҳи тафидин қорорди пайкониинг,  
Мени ул этти сияҳрўзу<sup>5</sup> тийра ахтар ҳам<sup>6</sup>.*

Мазмуни:

Қалб оҳининг иссиқлигидан камон ўқинг учи [куйиб] қораймиш Мени ўша бахти қаро қилди ва яна хира юлдуз ҳам.

Мазкур бу икки байтнинг биринчисидаги "Кавкабин тийра айлаб иқболи" ва иккинчисидаги "Мени ул этти сияҳрўзу тийра ахтар ҳам" сатрларидаги "иқбол юлдузи" ва "тийра ахтар" иборалари Шарқ астрономиясида мунажжимлик (астрология) билан боғлиқ тушунчалар саналади. Унга кўра самовий ёритқичлар икки тоифа - яхшилик ва ёмонлик тоифаларига ажралган.

Аждодларимиз осмон жисмлари ва самовий ҳодисаларни Ердаги ҳаёт билан боғлаб тушунишга уринганлар ва бу иш билан мунажжим (астролог) лар шугулланганлар. Мунажжимлар айрим кишилар ва ҳалқларнинг тақдирини осмон ёритқичларининг вазиятларига қараб башорат қилишган. Шунга кўра, заминий ва самовий баъзи ҳодисаларни, мунажжимлар тавсиясига кўра, яхши ва ёмонга ажратганлар.

Бу ҳолат Алишер Навоий асарларида ҳам кўзга ташланади. Унда яхшилик ёритқичлари ахтари бахт (бахт юлдузи), ахтари масъуд (муборак юлдуз, бахтли

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 2 том Наводир ун- ниҳоя Т: 1987 144-бет.

<sup>2</sup> Шафақ сўзи араб тилида - тонготардаги ёки кунботардаги гира-шира пайт.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10- том Хамса.

Сабаъи сайёр Т:1992-323-бет.

<sup>4</sup> Кўнгул - Кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил.

<sup>5</sup> Сиёҳ сўзи форс тилида қора, қоронулик, бахтсиз, гамгин маъноларини англатади. Рўз - форс тилида кун.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1-том Бадойиъ ул-бидоя (Хазойин ул-маоний). Т: 1987. 353-бет.

юлдуз), ахтари саъд (бахт юлдузи, бахтли юлдуз), ахтари толеъ (иқбол юлдузи), ахтари фархунда (бахт саодат, иқбол, қувонч юлдузи), кавкаби иқбол (бахт юлдузи), афлок жоми, саъди акбар (Юпитер, бахт юлдузи) иборалар билан ифодаланган. Ёмонлик ёритқичлари: анжуми наҳс (ёмонлик келтирувчи юлдузлар, бахтсизлик юлдузлари), бало сипехри (бало осмони), чархи дун (тескари айланувчи, пасткаш фалак), чархи кажрафтор (қингир юрувчи фалак, тескари айланувчи фалак), ахтари наҳс, наҳси сағир (Марс), қора ҳинду (Сатурн-бахтсизлик юлдузи) иборалари орқали берилган.

Алишер Навоийнинг "Хамса" сида "Сабъаи сайёр" достонининг "Етти осмон" тавсифи ҳақидаги саккизинчи бобида юлдузларнинг хусусияти ҳақида шундай сатрлар бор:

*Бирига наҳсликни одат этиб,  
Бирисини машъали саодат этиб.  
Қайси бирининг не бўлса тақдири,  
Ёйилиб олам ичра таъсири<sup>1</sup>*

Мазмуни: Улардан (юлдузлардан) бирининг табиатида наҳслик - хосиятсизлик мавжуд бўлса, иккинчисида бахт-саодат машъали порлар эди. Булардан қай бирининг тақдири нима билан боғланган бўлса, бу оламга ҳам унинг таъсири ёйилади<sup>2</sup>.

Алишер Навоий асарларида юлдузлар яхшилик ва ёмонлик ёритқичлари сифатида қайд этилганига қарамай, у мунажжимларни қаттиқ танқид қилади. Маҳбуб ул-қулуб асарида мунажжим (астрологлар) ҳақида, "Мунажжим - каззоб" дегандек буларнинг сўзи ёлғондир. Ўзлари ростлик дунёсидан йироқ тушгандир, ўткир кўзларини гафлат пардаси ўраб олгандир<sup>3</sup>. - деб ёзади.

Қуйидаги байтда эса:

*Эмас афлоку анжум ҳоли бенафъу зарар, лекин,  
Ани тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин<sup>4</sup>.*

Яъни: Фалак, юлдузлар ҳолати фойда ва зарардан холи эмас, лекин уни ҳақ билади, мунажжим билиши мумкин эмас<sup>5</sup>, - деб аниқ хулоса қилади шоир. Демак, Алишер Навоий осмон жисмларининг Ерга, инсонларга таъсирини инкор этмаган ҳолда, уларнинг туб моҳиятини узил-кесил англаш мумкин эмас, деган фикрга келган.

Алишер Навоий "тийра ахтар" - "хира юлдуз" иборасини юқоридаги назмда қайд этганда, унга мунажжимлик ва фалакшунослик нуқтаи назаридан қараган ва мунажжимлик тушунчасидан келиб чиқиб, бу ибора бахти қоралик сифатида таъкидланган.

<sup>1</sup>Алишер Навоий Ихт. Хамса. Сабъаи сайёр. Т: Бадиий адабиёт нашриёти. 1965. 5-6-бетлар

<sup>2</sup>Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т: 1977. 3-бет.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. Маҳбуб ул - қулуб Т: 1983. 32-33-бетлар.

<sup>4</sup>(13.26 б.) Шоир умрининг охириги йилларида ёзган бу асарида ўзининг олам ва ҳаёт ҳақидаги якуний фикрларини қайд қилган. Бу жараён шоир ҳаётини сўнги бир неча йилда кечган. У умри охираб қолганини, ҳижрий 902 /милодий 1496 йили "Ситтаи зарурия" ни дебоча қисмида ёзган (АН 20 том. 197- бет). Ситтаи зарурия. Дебоча 7-8 -бетлар.

<sup>5</sup>Алишер Навоий. Маҳбуб ул - қулуб Т: 1983. 32-33- бетлар.

Фалакиёт илмида юлдузлар ёрқинлиги жиҳатидан тоифаланганда, ёруғлиги ниҳоятда заиф юлдузлар хира деб қайд қилинган. Птолемей<sup>1</sup>, Фаргоний<sup>2</sup> ва Беруний<sup>3</sup> асарларида бундай энг хира юлдузларга нисбатан "қора юлдуз" ибораси ишлатилган ва улар жами тўққизтани ташкил қилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоий Беруний асаридаги бу иборадан бохабар бўлган ва ўз асарларида уни ишлатган<sup>4</sup> бўлиши мумкин. Фан тарихчиси В.А.Бронштейн "Клавдий Птолемей" китобида "Альмагест"даги юлдузлар зижини таҳлил қилиб қуйидагиларни ёзади; "Зиждаги 1017 юлдузни 15 та юлдузи биринчи тоифа катталигида, 45-иккинчи, 208 - учинчи, 474 - тўртинчи, 217 - бешинчи, 49 - олтинчи ва яна 9 таси, "кучсиз, гира-шира" деб қайд қилинган (бу дегани, улар олтинчи юлдуз тоифасидан ҳам хирароқ дегани эмас; зижни тузувчи (Птолемей) уларни ёрқинлигини аниқлашга қийналган бўлишлиги эҳтимол)<sup>5</sup>, - деб таъкидлайди.

Ой бағридаги юлдуз рамзи. Янги Ой билан юлдузни ёнма-ён тавсифлаш археологик қазилма топилмалари<sup>6</sup>, меъморий обидалар<sup>7</sup>, фольклор манбалар, фалакиёт илми билан боғлиқ астрономик ҳолат - сидерик ой<sup>8</sup> тушунчаларида кузатилади<sup>9</sup>.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги (XIX боб): Фарҳоднинг Чин Хоқони хазинасида, Искандар ойнасига кўзи тушиб, унда ажойиб сирли суратларни кўриши ва Хоқоннинг бу хазинасига қилинган навбатдаги ташрифи

<sup>1</sup>Клавдий Птолемей. Альмагест или математическое сочинение в тринадцати книгах. Перевод с древнегреческого И.Н. Веселовского. Москва. 1998. С. 263.

<sup>2</sup>Ахмад Ал-Фергани. Астрономические трактаты. Т: 1998. С. 58.

<sup>3</sup>Абу Райҳон Беруний. Тафҳим. Учинчи боб. Астрономия. "Олам тасвири". Т-Урганч-Хива. 2006. 58-бет.

<sup>4</sup>Урта асрларда самодаги юлдузлар ёруғ манба сифатида тушунилар ва бу даврда, кейинги асрларда маълум бўлган, самода "қора" нарсалар бўлишлиги, илмий нуқтаи назардан, ҳали номаълум эди.

<sup>5</sup>В.А. Бронштейн "Клавдий Птолемей". Москва. 1988. С. 100.

<sup>6</sup>Археологик топилмалар (рўзгор буюмлари, кийим -кечаклар ва меъморий обидалар) безакларидаги тасвирларда янги ва эски Ой бағрида юлдуз (ёки доира, трунж, хоч) тасвири бор: Г.А.Путаченкова. Искусство Бактрии эпохи Кушан. Москва. 1979. Л.И.Ремпель. ЦЕПЬ ВРЕМЕН. Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. Ташкент 1987. Ю.А.Раппорт. Из истории религии древнего хорезма. Москва. 1971. Из истории искусства великого города. Ташкент. 1972. А.И.Еремеева, Ф.А.Цицин. История астрономии. Москва. 1989. С. 122.

<sup>7</sup>Шайх Зайнутдин бобо мақбараси.

<sup>8</sup>Ойнинг кетма-кет келган фазалари (Ой фазаси-ой қиёфаси)(масалан, янги ойдан янги ойгача, ёки тўлин ойдан яна тўлин ойгача) орасида ўтган вақт ўртача ҳисобда 29,53 ўртача Кўёш суткасига тенг. Бу вақт Ойнинг синодик(Синодик - юнон тилида бирикиш, қўшилиш.)айланиш даври дейилади. Ой Ер атрофини (Ойнинг осмон сферасидаги ҳаракат йўлида учрайдиган) бирор юлдузга нисбатан тўла бир марта айланиб чиқиши сидерик (Сидерик - лотин тилида юлдуз, ёритқич.) айланиш даври дейилади ва у 27, 32 ўртача Кўёш суткасига тенг.

<sup>9</sup>Қадимги тасвирларда биронта ҳам шунчаки чизилган чизиқлар бўлмаган. Ҳар бир чизиқ, тасвир, ўз мазмунига эга бўлиб, маълум бир маънони англатган. И.И.Умняков. Архитектурные памятники Средней Азии. Т. 1929. С. 34.

чоғида, кўзгуни томошо қилиб, унда Арман мамлакати, Арман водийси ва Ширин жамолини кўриш билан оҳ уриб, беҳуш бўлиб йиқилгани (XXVI боб) ва бу ишқ, Фарҳоднинг, юзини саргайтиб, қаддини букиб, ўзини ошкор қилганини кўрган ҳақимлар, табиблар, Фарҳодни, денгиз ичидаги бир оролга саёҳат қилишни маслаҳат берадилар (XXVII боб). Шунга кўра дostonнинг XXVIII<sup>1</sup> бобида, Хоқон билан Фарҳод кўк отидек бўз отларидан тушиб, фалақдек кенг кемада, денгиз юзида, шамолдек, кўрқмасдан сузиб бораётганларида, қаттиқ шамол кўтарилиб, кемани денгизнинг тубига чўктириб юборади. Тўлқинлар, Хоқон билан Мулкороли, Чин мамлакатига олиб келади, Фарҳод эса, қонхўр денгизда, бир парча тахта устида қолади. Шу дамда жаҳонни тўфон босади, тўлқин орқасидан тўлқин келиб, Навоий тасавурида гўёки сувларни кетма-кет кўккача етказар эди, сувлар пастдан туриб кўкка чиқар ва яна кўкдан тубанга тушарди. Бу сув тўлқинидан кўрқиб, юлдузлар янги ойни кема қилиб, ичига тушиб олган ва бу ҳол қуйидаги байтда қайд қилинган:

*Ясаб чун ул су(в) дин айлаб таваҳҳум,  
Янги Ой кемасин кирмакка анжум<sup>2</sup>.*

Мазмуни: Сувнинг кўплигидан ваҳимага тушиб, юлдузлар кириб жойлашиши учун у(Фарҳод) янги ой кемасини ясади<sup>3</sup>, деб ёзилган.

Мазкур байтнинг иккинчи сатридаги янги Ой ва унда жойлашган юлдузлар<sup>4</sup>, табиийки, Алишер Навоийнинг шоирона муболагасидир. Бироқ унда аниқ астрономик ҳолат акс этган.

Бу самовий ҳодиса вақт-вақти билан тун осмонида кузатилади; Ой ўз ҳаракати давомида йўлида учраган ёритқичларни тўсади<sup>4</sup>. Ой баъзан Хулкар юлдуз тўдасини тўсганда, янги Ой бағрида бир эмас, бир нечта юлдуз бордай кўринади. Алишер Навоий қайд қилган манзарада ана шу астрономик ҳодиса тасвирланган.

Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" дostonининг Чоршанба куни, Баҳромнинг "Мовий қаср"да, Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг Жобир, Меҳр ва Сухайл ҳақидаги (XXIV қисм) ҳикояси баёнида, Ой бағридаги юлдуз манзарасини ифода этувчи икки байт бор.

Биринчи байтда, Меҳр, бир куни денгизда, шамол ҳаракати ва сув мавжини томоша қилиш истаги билан, қайиққа ўтириб, сайр қилиб сузиб борар экан, қаршисидан чиққан бир жазира (оролни) кўриб - шу жойни томошо қилгиси келиб қолади. У мазкур оролни фалак денгизида Ой бағрида турган юлдузга ўхшатади ва бу тасаввур байтда қуйидагича ифодаланган:

*Уйла баҳри фалак мисол ичра,  
Кавкабе ер тутуб ҳилол ичра<sup>5</sup>.*

Мазмуни: Гўё фалак денгизида бир юлдуз ҳилол ичига жойлашгандай<sup>6</sup>.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. - Т. 1977. - 116-бет.

<sup>2</sup>Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин. Т:1989.142-бет.

<sup>3</sup>Насрга айлантирувчи Омонулла Бўриев.

<sup>4</sup>Хулкарни Ой билан тўсилиши Хулкар тақвими.

<sup>5</sup>Ой самода бошқа ёритқичларга нисбатан энг яқин жисм. Шу сабабдан Ой ўз ҳаракати давомида йўлида учраган бошқа ёритқичларни олдидан ўтганда улар Ердаги кузатувчи нигоҳида Ой билан тўсилади.

<sup>6</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10-том Хамса. Сабъаи сайёр Т: 1992 279-бет.

<sup>1</sup>Алишер Навоий. Сабъаи Сайёр. Насрий баён. Тошкент 1977. 117-бет.

Ушбу байтда, иккита мажозий рамзий ўхшатиш бор: самовий ҳодиса ва заминий манзара. Яъни, фалак-денгиз, унинг ўртасидаги орол, -Ой (денгиздаги кема) бағридаги юлдуз билан қиёсланган.

Бунга ўхшаш мисол, дostonнинг шу қисмидаги, "Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофир"нинг бошқа бир байтда ҳам учрайди.

Иккинчи байтда, Суҳайлнинг отаси, тўй тайёргарлигини кўриб, бир неча кемага, дунёда қандай мол-ҳол бўлса, шуларнинг ҳаммасини юклаб, Суҳайлнинг ўзини ойга ўхшаш алоҳида бир қайиққа ўтқазиб, Меҳр билан аҳд қилишга жўнатиб юборган байтда қуйидагича баён қилинган:

*Ер тутуб бир ҳилол ичинда Суҳайл<sup>1</sup>,  
Меҳр<sup>2</sup> ақдига айламиш эди майл<sup>3</sup>.*

Мазмуни: Суҳайл янги ойга ўхшаш бир қайиққа жойлашиб, Меҳр билан никоҳдан ўтиш учун жўнади<sup>4</sup>.

Юқоридаги икки байтда ўроқсимон янги ой кемага ўхшатиш. Биринчи байтда, бу кемада юлдузлар ва иккинчи байтда одам жойлаштирилган. Янги Ой билан юлдузни ёнма-ён тасаввур қилиш, Алишер Навоийнинг, самарқандлик шоир Риёзийнинг шеъридаги бир астрономик ўхшатишни шарҳлаганида ҳам баён қилинган. Риёзийнинг:

*Ситораест дури гўши он ҳилол абру,  
Зи рўи ҳусн ба хуршед мезанад паҳлу.*

Мазмуни:

"У ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу бир юлдуздир,

Ҳусн бобида қуёшга ёндашиб туради", - деган назмини Алишер Навоий қуйидагича тузатади:

*Зи рўи ҳусн дури гўши он ҳилол абру,  
Ситораест ки бо моҳ мезанад паҳлу.*

Мазмуни:

Ҳусн юзасидан ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу,

Шундай бир юлдуздирки, ой билан ёндашиб туради<sup>5</sup>.

Риёзийнинг шеъридаги астрономик хатолик шундаки, Қуёш нурида юлдуз кўринмайди, лекин Ой билан юлдуз тун осмонида ёнма - ён ажойиб таъсирчан манзара яратади<sup>6</sup>.

Юқорида қайд қилинган археологик, фольклор ва бадий манбалар орқали бизгача етиб келган, рамзий, Ой бағридаги юлдуз тасвири, фалакиёт илмида "тўсилиш" дейилади ва унда, маълум астрономик тушунча акс этган. Ой самода бошқа ёриткичларга нисбатан Ерга энг яқин жисм(Ердан Ойгача масофа 384000 км. Энг яқин юлдуз - Қуёшгача масофа қарийб 150 млн км). Шу сабабдан Ой ўз ҳаракати давомида (Ой самода кун давомида 130.2 даража силжийди) йўлида

<sup>1</sup> Суҳайл - Канопус; Кил юлдуз туркумидаги энг ёруғ юлдуз.

<sup>2</sup> Меҳр - Қуёш.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10 том Хамса. Сабъаи сайёр Т: 1992. 283-бет.

<sup>4</sup> Насрга айлантйрувчи Омонулла Бўриев.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Асарлар. " Мажолис ун-нафоис"//Ўн беш томлик.12 том. Т: 1966. 59-бет.

учраган бошқа ёритқичлар (Қуёш, сайёра ва юлдузлар)ни олдиан ўтганда, улар Ергаги кузатувчи нигоҳида Ой билан тўсилади. Фалакиёт илми билан боғлиқ астрономик ҳолат - сидерик ой, яъни, Ой Ер атрофини, Ойнинг осмон сферасидаги ҳаракат йўлида учрайдиган бирор юлдузга нисбатан тўла бир марта айланиб чиқиши сидерик (Сидерик - латин тилида юлдуз, ёритқич.) айланиш даври дейилади ва у 27,32 ўртача Қуёш суткасига тенг. Ана шу ҳодиса, юқорида қайд этилган ўтмиш манбаларида рамзий қайд қилинган.

"Чилла" атамасининг талқини. "Чилла" сўзи келиб чиқиши жиҳатидан форсий лексема бўлиб, 40 сонини ифода этади.

Алишер Навоий асарларида "чилла" атамаси билан боғлиқ бир қанча маълумотлар бор.

"Арбаъин" асарида қирқ сони ҳақида шундай ёзилган:

*"Қирқ сўз борча шубҳадин солим"<sup>1</sup>.*

Мазмуни: Қирқ сони барча шубҳадан холис<sup>2</sup>.

Ушбу шеъринг мисрада муаллиф "қирқ" сўзини муаккамал тушунча эканлигини таъкидламоқда.

"Наводир уш-шубоб"даги қуйидаги байтда "чилла" сўзи янги тутилган чақалоқнинг дастлабки қирқ кунини англатади.

*Сулуку сайрким кўрмишки гар чилланишин қори<sup>3</sup>*

*Ва ёхуд чилла ичра тифл тенгаур анда субҳу шом<sup>4</sup>.*

Мазмуни: Чилла ўтирган қори (тасаввуф йўлидаги солиқ) оллоҳ йўлида сайр қилади ва худди чилладаги чақалоқ мисоли, унинг учун субҳу шом (кун ва тун) нинг фарқи бўлмайди.

Мазкур байтдаги "чилла" тушунчаси янги таваллуд топган чақалоқ ҳаётининг дастлабки қирқ кунини ифодалайди ва ўша мозийдан бизнинг давримизгача етиб келган. Чақалоқ чилласи, деган тушунча ҳозир ҳам бор.

Алишер Навоий асарларида "чилла" сўзи камон ипи ёки камон гириши<sup>5</sup> маъносини ҳам англатади. Ўтмишда ов ва жанг қуроли бўлган камон ҳунармандчилик маҳсули бўлган. Камон ва камоннинг қисмлари (масалан иплари) бозорларда сотилган. Шундан чилафуруш (камон ипини сотувчи), чиллавор (чиллага, камон ипига ўхшаш) каби сўзлар муомалада юрган.

*Тори сиришким чекиб дард, қадим қилди хам<sup>6</sup>,*

*Уйлаким, эл чиллани тортиб этар ёйи кўж<sup>7</sup>.*

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XVI том. Тошкент. 2000. 261-бет.

<sup>2</sup> Солим-соғлом, холис.

<sup>3</sup> Тасаввуфда "чилла" зоҳидлик хилвати ва тариқат йўлининг ўзига хос расм-русмларини англатади. Чилла қирқ кун давомида нафсдан тийилишдан иборат бўлиб қолмай, балки бу даврда хилватда бўлишни ҳам англатади ва бу устоз раҳнамолигида амалга оширилади. Чилла ўтириладиган хона қоронгу ва чўзилиб ётиш имкони йўқ, фақат ўтиришга мўлжалланган махсус жойдир. Ухлаш ҳам ўтирган холда кечади. Бу даврда устоз раҳнамодан ўзгалар билан суҳбат қуриш ва унинг ижозатисиз чиллахонани тарк этиш тақиқланади. (Исмоил бин Муҳаммад Саъид. Ал-Фуйузот ар-Раббонийа. Қоҳира, 1353 (1934-1935))

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Наводир уш-шабоб. 4 том Т:1989. 304-бет.

<sup>5</sup> Гириш - ёйнинг ўқни қадаб отадиган ипи

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Наводир ун-ниҳоя. 2том.Т: 1987. 192-бет.

<sup>7</sup> Кўж - эгилган, букчайган

Мазмуни:

Узлуксиз оққан кўз ёшимдан чекиб дард, букилиб қолдим,  
Биласанми, эл чиллани (камоннинг ипини) тортиб ёйсимон қилиб эгади<sup>1</sup>.

Шоир асарларида "чилла" сўзи орқали астрономик тушунча ҳам ифодаланган ва мазмунан қиш чилласини<sup>2</sup> англатадиган қуйидаги маълумотлар бор:

*"Ҳайрат ул- аброр" дostonида:*

*Қавс тутуб чилла дуоси учун,  
Жадий бериб фулла<sup>3</sup> гизоси учун<sup>4</sup>.*

Мазмуни:

Қавс уни ҳаққига дуода бўлиш учун чиллага ўтирди,  
Жадий унга ейиш учун ўз фулла<sup>5</sup> сини берди.

"Сабъаи сайёр" дostonида:

*Қавс бўлди йўлида чилланишин<sup>6</sup>,  
Жадий наззорасида қулла гузин<sup>7</sup>.*

Мазмуни:

Қавс унинг йўлида чилла ўтирди.

Жадий унинг йўлига кўз тутиб (кўриш учун) белгиланган чўққига чиқди.

Юқоридаги икки байтда чилла, чилланишин сўзлари орқали ислом динидаги

"қирқ кунлик" (чилла) ибодат назарда тутилган<sup>8</sup>. Мазкур сўзларнинг Қавс ва Жадий буржлари билан бирга келиши эса, фалакиёт билан боғлиқ. Унда зодиак - буржларнинг (Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Хут) куз мавсуми охиридан (Қавс) қиш мавсуми боши (Жадий)гача вақтдаги ҳолати ифода этилган<sup>9</sup>.



<sup>1</sup>Ушбу мақоладаги байтлар таржимаси Омонулла Бўриевники.

<sup>2</sup>Азизов С. Х. Чилла тақвими // Ж. Соғлом авлод учун. 2002. - № 3. 42-47-бетлар.

<sup>3</sup>(Фулла... янги туққан ҳайвоннинг дастлабки сути, оғиз тайёрланадиган сут.)

<sup>4</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7 том. Хамса. Ҳайратул аброр. Т: 1991. 46-бет.

<sup>5</sup>Фалла/Фулла - сигир туққанда биринчи берган сути, қайнатилганда қотади. Тошкентда уни оғиз дейишади.

<sup>6</sup>Чилланишин - чилла ўтирувчи:

<sup>7</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10-том Хамса. Саъбаи сайёр Т: 1992. 26-бет.

<sup>8</sup>Тасаввуфда Оллоҳ васлига етишишга бел болаган солиқ Шарият, Тарикат, Маърифат, Ҳақиқат дея номланган тўрт босқични кечиб ўтиши лозим бўлган. Бу тўрт босқичнинг ҳар бири 10 тадан мақом бўлиб, дарवेशлик мартабаси ана шу 40 мақомда ниҳоясига етади. Аҳмад Яссавийнинг "Фақрнома" асирида "тўрт эшик (қапу)", 40 мақом ҳақидаги тушунча қайд қилинган. София Жумаева. Рақам, маъно ва тасвир. Т: 2005. 17-бет.

<sup>9</sup>Фалакиёт илмида Кўёшнинг йил давомида самода юрадиган йўлида жойлашган ўн икки юлдуз туркумлари - буржлар (зодиак) деб аталади. Баҳор... ёз... куз... қиш буржпот...

"Садди Искандарий" нинг қиш фасли таърифи бағишланган XXXII бобида қиш чилласига дахлдор қуйидаги байт битилган:

*Керак базм аро ўту май бўлса дай<sup>1</sup>,  
Май андоқки ўт - ўт анингдекки май<sup>2</sup>.*

Мазмуни:

Дай ойида базм қуриш учун олов ва май керак.

Майки, оловдай ва оловки, май мисоли қиздирадиган бўлсин.

Қиш чилласига тўғри келадиган дай ойининг энг совуқ ой сифатидаги таърифи Алишер Навоий асарларида бошқа жойларда ҳам учрайди.

Шоир асарларида шунингдек, ёз чилласига тегишли саратон ойи жазирама иссиқ бўлиши ҳам қайд этилган.

"Муншоат" асарида:

*Чун меҳр ўтидин самандар<sup>3</sup> ўлди Саратон,  
Оташкададек тутошти гулзори жаҳон<sup>4</sup>,*

Мазмуни:

Меҳр (қуёш) қиздиришидан саратон самандарга айланди,

Жаҳон гулзори оташпарастрларнинг алангали ўчоғини эслатарди.

Саратон таърифи "Муншоат"да қуйидагича қайд қилинган: "Чарх корхонасида Жавзонинг икки пайкари аросидин қуёш курси Саратон обгирига таҳвил қилди; сипехри куравий заргар кўрасидек меҳр ўтидин ул навъ қизидиким, яқиндурки, фалак тосидин савобит доналари тосдаги қалъий қатаротидек эриб, тома киришгай ва тадвир бўталаридин сайрот сийми сув бўлуб, сиймобдек оқиб, арз конига етишгай. Биҳор суйидин жаҳон жисми терга ғариқ ва бухор ўтидин хаёл пайкари ерда ҳариқ<sup>5</sup>".

Астрономик мазмунга эга юқоридаги байтларда қуёшнинг қиш чилласи - Қавсдан Жадийга ва ёз чилласи - Жавзодан Саратонга кўчиши ҳолатлари ифодаланган.

Маълум бўладики, ўрта асрларда Марказий Осиёда мавжуд "чилла" тушунчаси Алишер Навоий асарларида бир қанча маъноларда келади. Қуёш эклиптикада<sup>6</sup> маълум буржларда бўлганда, ёзнинг энг жазирама, қишнинг энг совуқ қирқ кунлик муддатлари кечиши астрономик воқелик сифатида ҳамон ўз моҳиятини йўқотмаган.

<sup>1</sup> Дай-Эрон ҳижрий-шамсий календардаги ўнинчи ой; Григорий календари бўйича декабрнинг охириги ўн куни - январнинг дастлабки йигирма кунига тўғри келади. 26 декабрдан қиш чилласи бошланади. Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида ҳижрий-шамсий календар ойлари санаб ўтилган: фарвардин моҳ, урдибиҳишт моҳ, хурод моҳ, тир моҳ, мурод моҳ, шаҳривор моҳ, меҳр моҳ, обон моҳ, озор моҳ, дай моҳ, бахман моҳ, исфандормўз моҳ (АРБ I т. 796). Алишер Навоий яшаган даврда Хуросонда ҳижрий-қамарий календар билан бир қаторда, ҳижрий-шамсий календар ҳам амал қилган.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. Т. 1991. 198-бет.

<sup>3</sup> Самандар - Афсонага кўра, гўё ўт ичида тугиладиган ва ўтда яшайдиган махлуқ. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2007. 3 жилд. 434-бет.)

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Муншоат. 14 том. Т: 1998. 135 -бет.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Муншоат. 14 том. Т: 1998. 135-бет.

<sup>6</sup> Эклиптика - Қуёшни осмон сферасидаги йиллик йўли.

# ТЕМУРИЙ ИЖОДКОРЛАР

Ўзбек адабиётшунослигида Темурийлар даври ўзбек адабиёти анча кенг ўрганилган бўлса-да, лекин айнан Темурий ижодкорларнинг бой мерослари, уларнинг энг нодир ва ноёб деб тан олинган бадиий асарлари тўғрисида тадқиқотлар олиб борилмаган. Ана шу жиҳатдан биз кўтарган мавзу янгилиги билан ажралиб туради. Утган эски тузум даврида Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ҳоди Зариф, Заки Валидий Тўғон, Воҳид Зоҳидов ва бошқа шарқшунос олимларнинг илмий изланишларида темурий ижодкорларнинг баъзи бирлари ҳақида йўлаки мулоҳазалар айтиб ўтилган, холос. Эски тузум даврида, айниқса, XX асрнинг 30-йиллар қатағонидан сўнг бу мавзуда қалам тебратиш ўта хавфли ишлардан бири бўлиб қолди ва ўзбек халқи учун бу ёпиқ мавзуга айланди. Шўро тузуми ўзининг мустамлакачилик ва қатағон сиёсатидан келиб чиқиб,

Амир Темур тўғрисида бир оғиз илиқ сўз айтган олим борки, таъқибга олди, сургун қилди ёки отиб юборди.

Амир Темур ҳақида пиёзнинг пўстидек рисола ёзган академик Иброҳим Мўминов, ўзбек халқининг асл фарзанди бошига не кунлар солинмади, дейсиз. Тарих буларнинг барчаси соҳиби гувоҳдир. Фақат муста-қилликдан сўнггина Амир Темур тўғрисидаги бор ҳақиқат юзага келди. Жумладан, темурий ижодкорлар ҳақида ҳам маълум тадқиқотлар амалга оширила борди. Бу борада А. Ҳ а й и т м е т о в н и н г "Темурийлар даври ўзбек адабиёти" (Тошкент, "Фан". 1996 йил) рисоласи, А.Абдуғафуровнинг "Соҳиби девон темурийзода" мақоласи ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати"



газетаси, 1996 йил 9 май), жамоа асосида тартибга келтирилган "Амир Темур жаҳон тарихида" китоб-альбоми (Тошкент, "Шарқ" НМАК, 2001 йил) шулар жумласидандир. Адиб Тўлқин Ҳайитнинг "Темурий ижодкорлар" рисоласи эса бу борадаги йирик тадқиқотларнинг дебочасидир. Унда 33 нафар темурий ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинган.

Биз улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Амир Темурнинг ўғиллари орасида энг иқтидорлиси, оғир-босиқ ва ўта адолатли, тадбиркор, тирикликни яхши англаган ва узоқ ҳукмдорлик қилган Шохруҳ Мирзо эди. Беҳудага Алишер Навоий ҳазратлари уни "Ҳоқон саййид Шохруҳ Мирзо" дея таърифламаган ва қуйидаги нақлни ҳам беҳуда келтирмаган:

"Бу фақири ҳақир Бобур Султон муборак тилидан мундоқ эшитгимким, бир мажлисда ақобир сари боқиб Шохруҳ Мирзодин нақл қилдиларким, устод Қивомиддин меъморга бир иморат жиҳатидин эътироз қилиб, бир йил мулозаматидин маҳрум экондур. Йил бошида тақвим истихроҷ қилиб, бу васила била шояд Мирзонинг муборак дийдорин кўра олғайман деб, эшикка келиб, судурни восита қилиб, они судур кўргузуб тақвимин арз қилибтурлар. Мирзо табассум қилиб, бу байтни ўқубдурлар:

Замин ишида амалинг дурустдур,

Осмон ишида ружулигинг недур.

Бу шуни кўрсатадики, Шохруҳ Мирзонинг ҳам назм ошуфтаси бўлганлиги рост.

АБУ БАКР МИРЗО (1425-1447) Шохруҳ Мирзонинг набираси, хушбичим ва хушсурат йигит, адабиёт шайдоси бўлган. Алишер Навоий "Маҷолис ун-нафоис" асарида унинг назмга ихлоси борлигини, қуйидаги туюгининг машҳурлигини қайд этган:

*Эр керак ўртанса, ёнса ёлина,*

*Ёра еб ётса отининг ёлина.*

*Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,*

*Эр отониб душманига ёлина.*

СУЛТОН ИСКАНДАР ШЕРОЗИЙ (1384 - 1515) Умар Шайх Мирзонинг учинчи ўғли. Онаси Мулкат оқа бегимдир. Амир Темур бобоси уни жуда эъзозлаган.

Унинг адабиётта, санъатта ошуфта инсон бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Хусусан, ҳазратимиз Алишер Навоийнинг ёзишича, "Султон Искандарни дерларким, таъби назм эрди. Ва бу туюқни андин нақл қилурлар..."

*Тўлун ойға нисбат эттим ёруми,*

*Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.*

*Тори мўюннинг закотин мен берай,*

*Ё Мисрни, ё Ҳалбни ё Руми.*

ХАЛИЛ СУЛТОН (1384 - 1411) шавкатли бобоси Амир Темурнинг вафотидан сўнг Турон тахтида беш йил эгалик қилган ҳукмдор. Алишер Навоий бу тўғрида таъкидлаб ўтиб, "ўзи шеър айтур эрди" дейди ва унинг бир девони борлигини ҳам эслатиб ўтган ва дилига тушган қуйидаги байтини келтириб ўтган:

*Эй турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,  
Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил.*

Тарихда фожиали тақдирга эга бу амирзода ҳақида кўп ёзишган. Ҳақиқатан ҳам, унинг ўзгаларнинг сўзига кириб, улуг Соҳибқирон бобосининг васиятига тескари боргани бошига бало келтирди. Улуг салтанат тахтига аслида Пир Муҳаммад Мирзо ўтириши керак эди. Бу ҳам биз учун катта сабоқ: дунёнинг биз сезмайдиган, кўролмайдиган ўз тошу тарозиси борки, у ҳар ҳақиқатни вақти келиб, ўз ўрнига қўяди.

**УЛУҒБЕК МИРЗО** (1394-1449) Темурий шаҳзода, олим ва шоирлар орасидаги энг машҳур ва шавкатли султонлардан бири. У нафақат Осиёнинг, балки бутун дунёнинг йирик фалакиётшунос олими сифатида ҳар томонлама эъзозланиб келинади. "Зижи Кўрагоний" юлдузлар жадвали ўз даврининг мукамал асари эди. Бугун ҳам дунё фалакшунос олимлари унинг Самарқанддаги ўз Расадхонасида ишлатган астрономик асбобининг қандай ясалгани-ю, 1018 та юлдузни қай тариқа аниқ ҳисоблагани билан қизиқадилар ва бундан ҳамон ҳайратдалар.

Шавкатли Улугбек Мирзо илм билан бир қаторда бунёдкорликни, мусиқани, санъатни, адабиётни ҳам севган. Машҳур "Тўрт улус тарихи" тарихий китоби, Самарқандда қурдирган академияси, Гиждувонда, ҳатто Денов шаҳрида ва бошқа жойларда бунёд эттирган илм масканлари ҳамда Тошкентдаги Занги ота мақбарасининг гўзал, бебаҳо, тенгсиз олд фасади бунга ёрқин мисолдир.

Унинг назми ҳам гоят дилбар жарангламоқда:

*Ҳарчандки гўзал мулк ҳукмингга бўлса-да парвона,  
Ғайр кўзлар бор, шўхлик бўлсин сенга бегона.*

**АБДУЛАТИФ МИРЗО** (1428-1450) Алишер Навоий унга нисбатан ўз қарашларини баён этаркан, "таъби назм эрди ва шеърни ободон айтур эрди", дейди. Тарихий маълумотлар ҳам унинг идрокли шоир бўлганини исботлайди.

*Юз бало келтирди дилу жонимга кўзнинг бир нағмаси,  
Во дариг, нечунки, шукрини қилай, дард сезмас ғамзаси.*

У ўзининг "падаркушлик қилганини яхши англаган кўринади ва изтироб чекканлиги ҳам аён: акс ҳолда у бундан таҳликага тушиб, "Боги Чинор" да шаробхўрлик қилмаган, шу билан бир муддат бўлса-да, ўзини тинчлантиришга ўринмаган бўларди. Албатта, бу ўринда уни оқлаб бўлмайди, тарих ҳам, ҳеч бир инсон ҳам "падаркуш ўғил"нинг гуноҳини кечирмайди, лекин шу билан бирга тарих бизга ойна, унинг ҳар бир зарраси яхши сабоқдир. Илло, келажак авлод бундай фитналарни кўрмасинлар.

**БОЙСУНҒУР МИРЗО** (1397-1433) номи билан тарихга кирган икки темурийзода бор. (Иккинчиси - Султон Маҳмуднинг ўртанча ўгли бўлиб, у 1477-1499 йилларда яшаган. Бу тўғрида кейинроқ тўхталамиз).

Биз ҳозир тилга олаётган Бойсунғур Мирзо - Амир Темурнинг ўгли Шохруҳнинг учинчи фарзанди, онаси - Гавҳаршодбегимдир. У 1414-1416 йилларда Мозандоран, Астробод ва Журжон вилоятларида ҳокимлик қилган. 1420 йилда Эрон Озарбайжонига, 1431 йилда яна Астрободга ҳоким этиб тайинланган.

Тарихий манбаларда темурий Бойсунгур Мирзонинг табиатан хушчақчақ, ўқимишли киши бўлиб, ўз саройида олиму фузалолар, шоирларни йиғиб, анжуманлар ўтказгани, ўзининг ажойиб ҳам газаллар битгани-ю, Ҳирот тасвирий санъат мактабига асос солган етук маърифатли хукмдорларидан бири эканлиги аниқ битилган. Ҳиротда бой кутубхона ташкил этган бўлиб, унда ўз даврининг машҳур хаттотлари, наққошлари, мусаввирлари, саҳҳоф ва заркорлари тўпланиб, илмий ва ижодий иш олиб борганлар. 1425-26 йилларда бевосита унинг аралашуви билан Фирдавсий "Шоҳнома" сининг қирққа яқин қўзлёзмалари солиштирилиб, мукаммал матн тузилади. Мазкур нусхага "Бойсунгур сўзбошиси", яъни муфассал муқаддима киритилган.

У ниҳоятда истеъдодли шаҳзода бўлган. Ҳуснихатда ҳам унга тенг келадиган топилмаган. Бобурушунос Қамчибек Кенжа Эронда бўлганида биз учун аҳамиятли ва диққатга сазовор бир воқеани келтириб ўтган. У ёзади:

"Эрталаб Имом Ризо ҳарамига йўл олдик... ҳарамнинг жануби-ғарб бурчагида жойлашган "Қуръон музейи"га бордик... Хонанинг тўрт томон деворларини Бойсунгур Мирзо (нинг) ... настаълиқда кўчирган Қуръон оятларидан намуналар бегаб турарди. Мозийгоҳ мутасаддиларининг айтишларича, ана шу битикларнинг бир қатори қийматини мутахассис-экспертлар йиғирма миллиард АҚШ долларига баҳолашган эмиш! Ҳай-ҳай! Ошириб юборишди-ёв...Лекин ҳуснихат чиндан ҳам, ҳарфлари катталаштирилган бўлишига қарамай, гоят нафис, гоят чиройли, гоят салобатли эди".

**ИККИНЧИ БОЙСУНГУР МИРЗО** (1477-1499) Султон Маҳмуд Мирзонинг иккинчи ўгли. У катта кўзлик, кулча юз, ўрта бўйли, малоҳатли, хуштабиатли, адолатли шаҳзода бўлган. "Одидий" тахаллуси билан газаллар ёзган. Ҳар бир самарқандликнинг уйида газаллари ардоқлаб сақлангани ва ўқилгани ҳақида ишончли манбалар мавжуд. Алишер Навоий ҳазратлари уни "таъби диққатлиқ ва зеҳни жавдатлиқ" дея эслаб ўтган.

Қуйидаги матлаъ унинг қаламига мансубдир:

*Санамлар ишқида девона-да бўлмаган ким бор,*

*Оламни тарк этиб, вайронада қолмаган ким бор.*

Булар орасида ҳали ҳам ижодий мероси кам ўрганилган **САЙДИ АҲМАД МИРЗО** (1391-1429)дир. У Амир Темурнинг жумард набираси.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида Аҳмад Мирзони "салим табб, зеҳнли киши деб тилга олар экан, "ҳам газал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий газал таврида девони бор"лигини, маснавий тарзида ёзилган "Латофатнома" асари мавжудлигини ёзган. Лекин "Латофатнома" достони шу кунгача топилган эмас.

Унинг "Таашуқнома" достони ҳижрий 839 йилда ёзилган бўлиб, 319 байтни ташкил этади, бизгача тўлиқ этиб келган. Бу дoston шахсий кутубхонамизда ҳам сақланади. Ажойиб асар. Уқисангиз, баҳри дилингиз очилади ва жуда кўп таассуротлар оласиз. Муаллифнинг ўзи дostonнинг номини, уни қай тариқа ва қачон ёзганини аниқ кўрсатган.

*Ҳикоятким, "Таашуқнома" бўлмай,*

*Улуғлар қошида аллома бўлмай...*

*"Таашуқнома"ни ҳиммат бўлиб ёр,  
Тугаттим етти кунда бемададкор.*

*Секиз юз ўттузу тўққузда эрди,  
Ки сўз поёна элтмак даст берди.*

ҲУСАЙН БОЙҚАРО (1438 - 1506)нинг ўзи ҳам темурий ижодкорлар орасидаги пешқадам шоирлардан бири ҳисобланади, айниқса, у газалнависликда ўзига хос маҳорат эгаси эди. Унинг шеърляти содда ва равонлиги билан ажралиб туради. Давр анъанасига кўра, у барча газалларини тўплаб, девон ҳам тузган. Кўпгина шеърларини "Ҳусайний" тахаллуси билан ижод этган.

*Ҳажрида кўрган Ҳусайнийнинг фиғонин дўстлар,  
Юсуф учун пири Канъон ноласини сўрмангиз.*

Ҳукмдор ва шоирнинг ана шу байтини шарҳлайдиган бўлсак, бир каттагинга китоб битишга тўғр келади. Шу мисолнинг ўзи ҳам унинг нечоғлик зукко инсон бўлганини кўрсатади.

Унинг фарзандлари ва авлодлари орасидан ҳам кўплаб ижодкорлар етишиб чиққанлигини кўрамыз.

СУЛТОН БАДДИУЗЗАМОН МИРЗО (1458 - 1515) Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўгли, илмдор, зукко, ҳарбий салоҳиятга эга инсон бўлиб, олимлару шоирларни, уламолару фозиларни, санъаткорлару тадбиркорларни хуш кўрувчи, ўзи ҳам гўзал газаллар битган ижодкор ҳукмдорлардан бири эди.

Ўз пайтида унинг қуйидаги байти машҳур бўлган:

*Эй сабо, гар сўрса ҳолим шаммаи ул сарвиноз,  
Эврулуб бошига мен саргаштадин еткур ниёз.*

ШОҲ ҒАРИБ МИРЗО (1471 - 1496) - Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи ўгли, 1471 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Хадича бегимдир. У табиатан ногирон - букри, кўримсиз йигит бўлган, лекин таъби нозик, лафзи пок, ширин тил эди. Ғарибий тахаллуси билан туркий ва форсий шеърлар битган ва девон ҳам тузган.

Алишер Наовий унинг бир байтини келтириб, "Бу матлаъ даги яхши воқия бўлибтурким", дейди.

*Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,  
То тирикмен қилмоғимдур аҳду паймон ўзгача.*

МУҲАММАД ҲУСАЙН МИРЗО (1476 - 1503) - Ҳусайн Бойқаронинг еттинчи ўгли. 1476 йилда туғилган. Онаси Менглибий оқача бегим. Алишер Навоий унинг тўғрисида "халойиқ ани адолат, шижоат, салтанат ойинида кўп таъриф қилурлар" деб ёзган.

У ҳам илмга қизиққан, яхши газаллар битган. Ўшалардан бир матлаъа қуйидагичадир:

*Танангга гард тушди шикорга ишқибозлигингдан,  
Қуюқ терга ботдинг мафтункор дилга зорлигингдан.*

**ФАРИДУН ҲУСАЙН МИРЗО** (1478-1510) - Ҳусайн Бойқаронинг саккизинчи ўғли. 1478 йилда Ҳиротда туғилган.

У илми киши бўлиб, китоб мутолаасига меҳр қўйган, дурустгина газаллар ёзган, моҳир камонбоз саналган. Бобур Мирзо бу тўғрида "Камон гуруҳасин дерларким, қирқ ботмон экандур" деб ёзган.

Алишер Навоий ҳазратлари "Мажолис ун-нафоис" асарида унинг туркча матлаъсини тилга олган.

*Эй сабо, еткур манга сарви равонимдан хабар,  
Раҳм этиб бергил манга ороми жонимдан хабар.*

**СУЛТОН МАСЪУД МИРЗО** (1475-1506) Султон Масъуд Мирзо буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг бешинчи бўғин авлоди, ўғли Мироншоҳ Мирзонинг набираси бўлмиш Султон Абу Саййид Мирзонинг набирасидир.

Ўз даврида бу ошuftа кўнгил амалдор ва шоир шундай деб ёзган эди:

*Дўстлар, бизни унутмай нома бирла ёд этинг,  
Хотири ношодимизни гоҳ-гоҳи шод этинг.*

Руҳлари шод бўлсин, биз уни бутун ёд этаяпмиз.

Алишер Навоий ҳазратлари ҳам "Мажолис ун-нафоис" асарининг "Еттинчи мажлиси"да унинг тўғрисида жуда ҳилол сўзларни айтиб, эски ўзбек тилида ёзган бир байтини мисол келтирган.

*Ёр бориб жонга қўйди доғи фурқат, эй рафиқ,  
Кўнглаума қор этмасунму дарди гурбат, эй рафиқ?*

Бу байтлар темурийларнинг эски ўзбек тилига етарлича эътибор қаратиб, унинг нуфузини оширишда катта ҳисса қўшишганини кўрсатади.

**СУЛТОН АЛИ МИРЗО** (1483-1500) Султон Маҳмуднинг кичик ўғли. 1483 йилда туғилган.

Алишер Навоий унинг таъби назмга мойиллигини писанда қилиб, бу матлаъни унга нисбат берган:

*Васлида мағрур бўлдинг ҳажрида зор, эй кўнгул,  
Не анинг бирла, не онсиз тоқатинг бор, эй кўнгул.*

\*\*\*

Буюк темурий шаҳзодалардан, айниқса, **БОБУР МИРЗО** (1483-1530) фарзандлари ва авлодлари орасидан кўплаб ижодкорлар етишиб чиққан. Биз Ҳумоюн Мирзо, Гулбаданбегим, Аскарый Мирзо, Комрон Мирзо, Ҳиндол Мирзоларнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўлганмиз. Шахсан, Бобур Мирзонинг биргина назми одамни ҳаяжонга солмасдан қолмайди:

*Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб соғингайсан ўзумни.*

Дарвоқе, темурийзода буюк бобурийлар назмда ҳам, насрда ҳам ана шундай таъби нозик эди.

**ДОРО ШУКУҲ** (1616 - 1659) Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Шоҳжаҳон ва унинг гўзал аёли Мумтоз Маҳал бегимларнинг тўнгич фарзанди. У ёшлиқдан араб, форс, санскрит тилларини ўрганиб, ислом, буддизм, фалсафа назариясини



пухта эгаллайди. Йигирма олти ёшида тасаввуф тарихи ва назариясига оид "Сафинат ал-авлиё" тадқиқотини ёзиб, унда тўрт юздан ортиқ алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар қолдирди. Яна унинг бизга ислом дини ва тасаввуф назариясига оид 12 та асари маълум. "Ҳасанат ул-орифин" ("Орифлар ҳикмати"), "Тариқат ал-ҳақиқат" ("Ҳақиқат йўли"), "Рисолаи ҳақнома" ("Ҳақ ҳақида китоб"), "Муколимаи Бобо Лъал Дос" ("Бобо Лъал Дос билан мунозара"), "Мажмаъ ул-баҳрайн" ("Икки уммоннинг қўшилуви"), "Сирри Акбар" куллиёти ҳамда Фирдавсий "Шоҳнома"сининг беш дафтардан иборат насрий баёни шулар жумласидандир.

Дорошукуҳ "Қодирий" тахаллусини остида шеърлар битган.

**БАҲОДИР ШОҲ  
ИККИНЧИ (1775 - 1862)**

Ҳиндистондаги Бобурийлар

салтантининг сўнгги ҳукмдори. 20 йил ҳукмронлик қилди. 1857 йилнинг 21 сентябрида инглизлар уни ва фарзандларини асир олишади. Деҳлидан қочишга улгурмаганларни ёппасига қиргин қилишади. Бомбейнинг губернатори Лорд Элфинстон бу хунрезликларни кўриб: "Босқинчилик ва талончиликдан биз Нодиршоҳдан ҳам ўтиб кетдик", деб ёзган.

Баҳодиршоҳнинг асир олинган ўғиллари - Мўғул Мирзо (1796-1858), Хизр Султон Мирзо (1799 - 1858), Абу Бакр Мирзо (1821-1858)ларни инглиз зобити Ходсон томонидан отиб ўлдирилади. Узини эса, яқинлари билан 1862 йилда, 82 ёшда Рангунга (Бирма) бадарга қилишади, хусусан, рафиқаси - малика Зийнат Маҳал бегим, ўғиллари - шаҳзода Жамшид Бахт, Мирзо шоҳ Аббос қизлари - малика Равнақ Замони бегим, малика Гулсум Замони бегим, Жувон Бахтнинг устози Ҳофиз Муҳаммад Иброҳим Деҳлавий ҳамда подшоҳ

хонадонига яқинларидан Руқия Султонбегим қизи билан бирга, Мумтоз Дусхонбегим, Султоний, Раҳима Ишратбегим ва хизматкорлар бирга жўнатилади.

Баҳодиршоҳ улуғ бобокалони Бобур Мирзо сингари истеъдодли шоир ҳам эди. У "Абу Зафар" тахаллуси билан урду ва форс тилларида ажойиб газаллар ҳам битган. Тутқун шоҳ ўз ашъорларини гул ва булбул тилидан юксак маҳорат билан шунчалик чиройли ифода этганки, натижада бу газаллар рангунлик ҳофиз раққосалар орасида машҳур бўлиб кетган. Бундан ҳадиксираган Рангун ҳокимлари эса уларни куйлашни таъқиқлаб қўйишга мажбур бўлишган.

Баҳодиршоҳнинг нафис газаллари билан танишадиган пайтлар ҳам келди, деб ўйлайман. Яқин орада фидойи таржимонларимиз уларни ўқувчиларимизга етказди, деган умиддамиз.

*На кимнингдир кўз нуриман,  
На кимнингдир қалб қуриман,  
На нафим бор, на зиёним -  
Учиб юрган гард-губорман.*

*Рангу рўйим сомон бўлди,  
Дўсту ёр ҳам тамом бўлди,  
Чаманзорин қиров босган -  
Хазонрезги бир баҳорман.*

*На кимнингдир ҳабибиман,  
На кимнингдир рақибиман.*

*Вайрон бўлган қисматдирман,  
Бир кимсасиз бозорман.*

*Нечун қўл очсун биров,  
Нечун гул сочсин биров,  
Нечун шаъм ёқсун биров,  
Эгаси йўқ бозорман.*

*Хуши наво эмасдурман,  
"Тингла, мени" демасдирман.  
Мен жудолик тимсолиман,  
Мужассами озорман.*

*На кимнингдир кўз нуриман,  
На кимнингдир қалб қуриман.  
На нафим бор, на зиёним,  
Учиб юрган гард-губорман.*

Хайриддин Султон ҳамда  
Аҳмаджон Қосимовлар таржимаси.

Бобурийларнинг йирик вакилларида бири, жаҳонда таниқли, беназир шоира ЗЕБУННИСО (1639-1702) бегимдир.

Унинг қуйидаги сатрлари ўз пайтида ҳам халқ орасида жуда машҳур эди, хозир ҳам.

*Лайли зоти эрсамда, дилда Мажнунча ҳаво,  
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.*

Ҳаё, илм ва назм шайдоси бўлган Зебуннисо бегим ўзи айтганидек, шоҳ қизи бўлса-да, бир умр фақирлик йўлини тутди. Топганларини ҳам илм аҳилларига маош тариқасида тарқатган бу соҳибжамол шоира шу боис ҳам эъзозга лойиқдир.

Саройда етарлича тарбия кўрган Зебуннисо бегим таниқли шоира, етук олима, созанда; мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштирган, настаълиқ, насх, шикаста хатларини маҳорат билан ёза оладиган хаттот ҳам бўлиб етишади. Қуръони каримни ёддан билгани ва уни бир неча марта ҳуснихатда кўчиргани ҳам бизга маълум.

Унинг шеърий девонидан ташқари фалсафага оид "Мунис ул-арвоҳ", тафсирга оид "Заб ат-тавосир" ("Гўзал тафсирлар"), илоҳиётга оид "Зеб ан-нашаот", шунингдек, Ҳиндистон мусулмонлари орасида машҳур бўлган "Фатавойи Оламгирий" ("Шариат қонунлари мажмуаси") асарлари борлиги тилга олинади.

Зебуннисо бегим, қайд этганимиздек, умрининг охиригача турмушга чиқмади. Шоира 1702 йилда 63 ёшида вафот этди ва Деҳлидаги "Зарзари" қабристонидан иззат-икром билан дафн этилди.

Қуйида унинг М.Муинзода таржима этган "Зебуннисо аталган зотман" газалини тўлиқ келираммиз.

*Лайли зотидан эрсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,  
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.*

*Мендан ўрганди-ю бўлди гулга булбул ҳамнишин,  
Менгадур парвона ҳам шогирду, ишқимдир расо.*

*Зоҳиримдур гозаранг, аммо ниҳоним қон эрур.  
Ўз ичида сақлагандек қип-қизил рангни ҳино.*

*Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,  
Кийди мотам тўнини-ю, бўлди қадди ҳам дуто.*

*Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақир йўлин ихтиёр,  
Бас менга бу зебу зийнатким, отим Зебуннисо.*

**ЮҚОРИДА** кўриб ўтганимиздек, Темурий ижодкорларнинг бой адабий мерослари ҳеч бир қолипларга сикмайди. Уларни кенг тадқиқ этиш, ҳар бир темурий ижодкор ҳақида алоҳида китоблар битиш, бой ижодий меросидан халқимизни баҳраманд этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бизнинг бу тадқиқотимиз шу йўлдаги дебоча, холос.



# ДЭВИД ФОНДИ ВА КОЛЛЕКЦИЯЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД ДУРДОНАЛАР

Бугунги замон илм-фани Амир Темур ва Темурийлар даврини ҳақиқий Ренессанс – Уйғониш даври деб эътироф этмоқда. Мазкур даврга оид кўплаб санъат асарлари, осори-атиқалар, ёзма манбалар жаҳоннинг турли мамлакатларидаги музей, кутубхона ва шахсий коллекциялардан ўрин олган. Европанинг Темурийлар даврига оид дурдоналар сақланаётган йирик музейларидан бири, Даниянинг Копенгаген шаҳрида жойлашган – "Дэвид фонди ва коллекциялари" (C.L.David Foundation and Collection)дир.

Музей асосчиси Кристиан Людвиг Дэвид, 1878 йил 30 июлда Данияда зиёли оилада таваллуд топган. 1903 йилда Копенгаген университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлайди ва тез орада Даниянинг илгор компанияларида адвокатлик ва юристконсул вазифаларида ишлай бошлайди. Де Форенед Вагцельскабэ (De Forenede Vagtselskaber) каби йирик холдингларнинг акцияларини сотиб олган Дэвид, тез орада мамлакатнинг йирик ва нуфузли бойларидан бирига айланади.

1930 йилларнинг бошларида К.Л.Дэвид аҳоли учун эшиклари ҳамиша очиқ ва беупул музей ташкил этишни режалаштиради. Бунинг учун у 1917 йилда сотиб олинган "Kronprinsessegade, 30"да жойлашган уйини музей учун қайта мослаштиради ва мазкур музейга "К.Л.Дэвид Фонди ва коллекциялари" (C.L.David Foundation and Collection) номини беради. Бироқ бу музей Иккинчи жаҳон уруши туфайли тўлақонли фаолият кўрсата олмайди. Фақатгина 1948 йилга келиб музей яна аҳоли учун очилади.

К.Л. Дэвид умри давомида уйланмайди ва 1960 йилда вафот этади. Улими олдидан ўзидан, асосан кўчмас мулкдан иборат, мол-мулкни бир қисмини Дания ҳукумати ихтиёрига, қолган тарихий санъат асарлари ва осори атиқалардан иборат мулкларини "Дэвид Фонди"ни ривожлантириш учун васият қилиб кетади.

Дэвид коллекцияси Европа, Америка ва Мусулмон Шарқи маданияти тарихига оид минглаб санъат асарларига эга. Музейда "Ислом маданияти" ва "Шарқ миниатюралари" бўлимлари фаолият кўрсатади. "Мазкур мақолада биз Темурийлар даврига оид диққатга сазовор осори-атиқалар хусусида тўхталиб ўтаміз<sup>1</sup> (Иловалардаги расмларга қаранг).

<sup>1</sup> Материаллар <http://www.davidmus.dk> сайтдан олинди.- А.Ш.

1. Қуръони карим саҳифаси. Самарқанд. 1400-1405 йй. Ўлчами: 45x 98 см (саҳифа бўлаги). Инв.№ 20/1987.

Соҳибқироннинг китобатда катта ўлчамга қизиқишини тарихчи Қози Аҳмад Қумий ўзининг "Гулистони хунар" асарида таъкидлаб, ўша давр машҳур хаттоти Умар Ақто тўғрисида қуйидаги ҳикоятни келтиради. Хаттот жуда майда хатда Қуръони каримни шундай битиб китобат қилган эканки, уни инсон кафтига сифдириши мумкин эди. Умар Ақто китобни Соҳибқиронга ҳадя қилганида, Амир Темур: "Сен Аллоҳнинг сўзларини шундай майда ҳарфлар билан битишга қандай журъат этдинг", - деб танбеҳ беради. Шундан сўнг хаттот Қуръоннинг бошқа бир йирик нусхасини тайёрлайдики ва унинг ҳар бир ҳарфининг катталиги ярим газ келар экан. "Мусҳаф" тайёр бўлгач, хаттот уни катта аравага ортиб, Амир Темур ҳузурига равона бўлибти. Бундан хабар топган Соҳибқирон ўз аъёнлари билан хаттотга пешвоз чиқиб кутиб олиб, унга муносиб ҳадялар туҳфа этади<sup>1</sup>. Қози Аҳмад Қумий мазкур китобнинг бир варагини Мавлоно Малиқда кўрганини ҳам айтган.

Девид фондидаги Қуръон саҳифасини ҳам юқоридаги ривоятнинг ўзига хос тасдиғи дейиш мумкин. Саҳифа парчасидан маълум бўладикки, Қуръоннинг ҳақиқий ўлчами 222x155 см ни ташкил этган. Мазкур саҳифа бўлағида Қуръони каримнинг Рум сураси 30-ояти акс этган. Ёзув ҳар бир варақда етти сатрдан иборат бўлиб, муҳаққақ ёзувида, хаттот Умар Ақто томонидан Амир Темур учун унинг салтанати пойтахти - Самарқандда битилган. Афтидан бундай катта ёзувларни ёзишда, хаттот қаламининг учлари 1 см дан кам бўлмаган кўринадики, бундай иш хаттотдан юксак дид ва катта маҳоратни талаб қилганлиги шубҳасиздир.

Мазкур ҳашаматли китоб қоғози ўз даврида Самарқандда ишлаб чиқарилган дейишга асос бор. Зеро бундай катта ўлчамли қоғозларни технологик жиҳатдан Самарқандда ишлаб чиқариш мумкин эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"сида: "Дунёдаги энг яхши қоғоз Самарқанддан олинадик", - деб бежиз қайд этмаган эди.

2. Искандар Султон фармони. Исфаҳон. 816 / 1414 й. Ўлчами: 600x50 см. Инв.№ 211/2006.

Ҳужжат теурий шаҳзода, Шероз ҳукмдори Искандар Султоннинг сайидларни солиқлардан озод этиш тўғрисидаги фармон ҳисобланади. Фармоннинг умумий узунлиги 6 метрни ташкил этиб, 39 сатрдан иборат. Зарҳал билан безатилган ушбу фармон матни, тавқий ва таълиқ хатида форс тилида битилган.

Ёзма манбаларда, бундан-да улугвор фармон ва битиклар теурийлар салтанат девонининг расмий ҳужжатларида бўлгани қайд этилган. Жумладан, Шарафиддин Али Яздий, Амир Темур томонидан Мисрдан келган элчига қўшиб юборилган элчи мавлоно Абдуллоҳ Кеший орқали йўллагани ҳақида "йассилиги [эни] уч қари ва узунлиги етмиш қари (яъни 1,4 м ва узунлиги 34,5м), барча олтун суйи била мавлоно шайх Муҳаммад Хожа Ҳожий Муҳаммад Бандгирий Табризийким,

<sup>1</sup> Кази-Ахмед. Трактат о каллиграфгах и художниках (1005г.х./1596-7). Введ., пер. и коммент. Б.Н.Заходера.- М.-Л.: Искусство, 1947. - С. 71.

фазилати китобатда ва хуснихатда машҳури олам эрди, битди. Ва ул мактубни Мисрга йиборди"<sup>1</sup> - деб ёзди.

3. Нуҳ ва унинг нажот кемаси. Ҳофизи Абрунинг "Мажмаи таворих" асарига ишланган миниатюра. Ҳирот. 1425й. Ул :42.3x32.6 см. Инв.№ 8/2005.

Шоҳрух мирзо салтанатида ёзилган мазкур асар қўлёзмаси вараги ислом оламида "Иккинчи Одам Ато" номи билан машҳур бўлган Нуҳ пайгамбар қиссаси ҳақида хабар беради. Мазкур миниатюра расом томонидан кучли драматик ва фожиавий жанрда маҳорат билан чизилган. Марказда Нуҳ, унинг аҳли ҳамда турли ҳайвонларга тўла нажот кемаси тўқинлари тоғлардек баланд уммон узра сузмоқда. Қалин булутлар билан қопланган зулматли осмон остида Нуҳ кемадан ташқарида чорасиз қолган ўгли Капъонни чорламоқда. Бироқ итоатсиз ўғил золим қавм билан бирга нажотсиз гарқ этилиши ҳолати ўта таъсирли тасвирланган.

4. Шайх Санъон ва тарсо қизи. Фаридуудин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарига ишланган миниатюра. Эрон; 1400 й. Улчами: 16.5x11.2 см. Инв.№ 34/2006.

Фаридуудин Аттор ўз ижодига тасаввуфий маъноларни сингдира олган буюк маҳорат эгасидир. Унинг машҳур маснавийси - "Мантиқ ут-тайр" бир ҳикоят билан ҳошияланиб, орада яна кўп кичик ҳикоятлар келтирилади.

Асарнинг 37-варағига ишланган мазкур миниатюра хажм жиҳатдан кичик бўлсада, бироқ расом томонидан нозик дид ва маҳорат билан ишланган. Миниатюра "Мантиқ ут-тайр"даги Шайх Санъон ва тарсо қизи қиссасига бағишланган.

"Шайх Санъон ўз замонасининг пири муршиди эди. Илму ирфон, каромату кашфда ягона эди... Макканинг ўзида эллик йил шайхлик қилганди, тўрт юзта муриди бор эдики, ҳар бири тариқатда бир ёрқин сиймо эди...Шайх Санъон муридларини йигиб, Рум (Византия)га боришни ният қилади....Рум мамлакатига етиб келгач, бир шаҳар кўчасида, баланд айвонли ҳашаматли бир бинога кўзлари тушиб, унга яқинлашдилар. Баланд айвонда бир гўзал насроний қиз ўтирарди. Руҳоний қиёфали (монах қизи) бу насроний қиз ҳусну жамолда тенгсиз, нафосат оламининг қуёшидай порлаб турарди. Унинг жамолига қараганнинг кўзи қамашар, ақду-ҳуши шошар эди. Ҳалқа-ҳалқа зулфи ошиқлар доми, фатгон кўзлари, камон қошларидан юракларга синон ўқини отар, ёқутдай лаблари чўғ бўлиб дилни ўртар, оғзи оби ҳаётдай жонбахш эди. Сочларининг ҳар толаси минг мусулмонни куфрга йўллаб, белига зуннор боғлашга мажбур этарди. Оловдай ловуллаб турган юзининг ярмини бир даста сочлари беркитиб турар, гўё қуёш булут пардаси ортидан боққандай эди. Қизнинг бугун вужуди дилкаш ва малоҳатли, дилбар ва ҳаловатбахш эди. Нафосат ҳайкалидай муҳташам айвонда ўтирар, сочига тақилган бир дона гавҳар кундай порлар, юзига тортилган қора ҳарир тўр гоҳ-гоҳида шамолдан липиллаб, очилгандай бўларди.... Алқисса, Шайх Санъон тақдир тақозоси билан насроний Рум қизига ошиқ бўлиб қолади.... мусулмонликни тарк этади...бирок оҳир оқибат Аллоҳ қиз кўнглига ҳидоят нуруни сочгач, иймон келтириб, мусулмонликни қабул қилади. Икки ошиқ вафот этгач, уларни бир қабрга соладилар...<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома //Муҳаммад Али бин Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков.-Т: Шарқ. 1997. 262-бет.

<sup>2</sup> Фаридуудин Аттор. Мантиқ ут-тайр (насрий баён) // Масъул муҳаррирлар Ҳамидулло Болтабоев, Ваҳоб Раҳмон. -Т: Шарқ. 1994. 52-бет.



Мазкур ҳикматли ривоят миниатюрада ажойиб тасвирланади. Ундаги насроний қизга назар ташлар эканмиз, моҳир рассом томонидан худди ўрта аср Европа икона ва гравюраларида тасвирланган Биби Марям қиёфасига ўхшаш бир қиёфага дуч келамиз. У насронийлар черкови олдидаги муҳташам сарой ичида гавдаланади, қизнинг ёнидаги черков руҳонийси эса, Исосурат бир сиймода тасвирланади. Ошиқ Шайх Санъон ва

муридлари эса, шарқ миниатюраларида анъанавий тасвирланган сўфи-қаландар каби образларда чизилган.

5. "Рустамнинг уйқулигида, унга ҳамла қилаётган шернинг жасур от - Рахш томонидан ўлдирилиши". Фирдавсий "Шоҳнома"сига ишланган миниатюра. Шероз, Эрон, 1460-1480 йй. Ўлчами: 34.2x 21.3 см. Инв.№ 48/2006

XV аср бошларида Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си Шероз мусаввирлари орасида энг машҳури эди. Ундаги тасвирлаш учун танланган мавзулар инсоннинг маънавий ҳаётидаги долзарб мавзулар ёки кундалик реал ҳаётни ифодалаган.

Фирдавсий "Шоҳнома"сининг марказий қаҳрамони бўлмиш Рустам, шунчалик катта туғилган эдики, онаси Рӯдоба қоринни ёриб чақалоқни чиқариб олишга тўғри келади. Фақатгина унинг вафодор ва ҳамиша ҳамроҳ тулпори - Рахш бундай салобатли, алқомат қаҳрамонни кўтариб юришга қодир эди. Заковатли ва жасур от Рустамнинг машаққатли ва хавфли вазиятларда кўп мартаба қутқаради.

Мазкур миниатюрада Рустам доимий жанговар ҳолатда, ҳатто уйқусида ҳам йўлбарс терили чакмонда, бошидаги қоплон бошли дубулгасини ҳам ечмаган ҳолатда тасвирланган. Асар марказида рассом от билан шернинг қонли тўқнашуви орқали яхшиликнинг ёвузлик устидан ғалаба этиши каби эзгу гояни илгари суради.

6. Кайхусравнинг Макрон шоҳи билан жанги. Фирдавсий "Шоҳнома"сига ишланган миниатюра. Лоҳижон, Эрон.1494. Ўлчами: 34.5x 24.5 см. Инв.№ 22/1979.

Кўлёзма Гилон вилоятининг шаҳзодаси Каркия Мирзо Али буйруғи билан ёзилган. Миниатюрада тасвирланган жангчи отликлар Яздий "Зафарномаси"га



ишланган миниатюраларга ўхшаб кетади. Жанг тасвири ниҳоятда рангли ва жўшқин характерга эга.

Маҳорат билан ишланган бу лавҳада жанг анжомлари билан қуроланган оломон, ярқироқ қурол-аслаҳа тутган ва темир қалпоқ кийган чаваңдоз жангчилар тасвирланган. Шижоатли жангчилар қилич ва ханжарларини кўтариб, камонларини таранг тортиб олға интилмоқдалар.

Усталик билан яратилган композиция ва катта шакл улугворлик касб этиб, ўзига хос мушоҳада юритувчи моҳир рассомнинг истеъдодини яққол ифодалаб турибди.

**7. Ўрдак ови.** Эрон. 1420 й. Улчамлари: 11.4x 20.5 см. Инв.№ 20/2006.

Темурийлар салтанатида ов қилиш ўзига хос спорт санъати даражасига кўтарилган эди. Ёзма манбаларда ов ҳақида кўплаб маълумотлар бизгача етиб келган. Ов санъати тарихида "Мирзо Улугбекнинг лочин билан бог сайри" каби машҳур миниатюралар жаҳоннинг турли музейларини безатмоқда. Ушбу расм ҳам Дэвид коллекциясининг дурдонаси саналади.

Асарнинг диққат марказида чаваңдоз овчининг лочин билан қуш ва ўрдакларни овлаётган манзараси акс этган. Услугига кўра, расм Темурийлар даврининг дастлабки санъат асарлари намунаси сирасига киради.

**8. Икки ёввойи тўнғиз.** Ҳирот ёки Табриз. XV асрнинг иккинчи ярми. Улчамлари: 6.6x10.8 см. Инв.№ 20/1992.

Мазкур қўлёзма варағида икки тўнғиз жанги тасвирланган. Расм ижроси унинг тажрибали рассом мўйқаламига мансублигидан далолат беради.

Умуман, темурийлар даврида турли ҳайвонлар, афсонавий мавжудотларни чизиш одат тусига айланганди. Бу каби миниатюралар "Мантиқ ут-тайр", "Калила ва Димна", "Бобурнома" асарларида учрайди, улар қўлёзма саҳифаларини безатишга хизмат қилган. Бундай услубда темурийлар даврида Сийяри қалам тахаллуси билан машҳур бўлган рассомлар ижод қилганлар. Туркиядаги Тўпқопи сарой кутубхонаси ҳам ана шундай миниатюралар ўрин олган альбомларига эга.

**9. Ўн икки қиррали меъморий қоплама.** Эрон. 1440 й. Диаметри: 35 см. Инв.№ 27/1967.

Темурийлар замонида меъморий безаклар мисли кўрилмаган даражада шуҳрат қозонди. Амир Темур ҳукмронлик қилган давр биноларни безатишда, илгари мавжуд бўлган безак турлари билан биргаликда янгилари ҳам кенг қўламда жорий этилган.

Мазкур ўн икки қиррали меъморий қоплама шимоли-шарқий Эроннинг Харжирд шаҳридаги ўйёсия мадрасаси учун 1442 йилда ишланган. Темурийлар услубидаги бу ашё ўзининг нафис нақшлари ислимий безаклари билан сирланган бошқа меъморий қопламалардан фарқ қилади. Умуман олганда олти, саккиз ва ўн икки қиррали бундай безакли нақшлар Темурийларнинг кўплаб меъморий обидаларида учраб туради. Муҳташам сарой пештоқлари, тоқу равоқлари, деворлари зангори ва олтин ранг арабий нақшли бу каби кошинлар гулдор ўймакор парчинлар билан зийнатланган. Темурийларга хос мовий ранглар эса, мусаффолик, эзгу ниятли мақсадларни ифода этувчи ранг бўлиб хизмат қилган.

**10. Сирланган, кошинкор нақшли меъморий қоплама.** Исфаҳон, Эрон. XVI аср бошлари. Бўйи: 91.5; Эни: 145 см. Инв.№ 16/1972.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундалигида синчковлик билан ёзиб қолдирган таассуротлар Темурийлар даври меъморлик санъати ҳақида қимматли маълумотлар беради. Элчи Оқсарой ичкарасидаги зебу зийнатли безаклар ҳақида ҳайрат билан ёзади: "Бу эшик орқали чорси кўринишхонага кирамиз: деворлари олтин ва ложувард кошинлар билан безатилган, шифти бутунлай зарҳалланган. Бу ердан элчилар юқори қаватга олиб чиқилган. Хонақоҳнинг ҳамма тарафи зарҳал бўлгани учун, уларнинг бири ҳақида муфассал сўзлаб бериш кифоя".

Дарҳақиқат, Темурийлар меъморлигининг энг сара анъаналари негизда меъморликда бадий ижодиётнинг гўзал намуналари вужудга келди. Темурийлар, кейинчалик Бобурийлар ва Сафавийлар даврида Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг меъморий обидалари сирланган, кошинкор нақшли меъморий қопламалар билан безатилган. Рангларининг мафтункорлиги билан ажралиб турган бу каби мозаика қопламалар турли ислимий безаклар, Қуръон оятлари ва ҳадислар билан безатилган.

**11. Устурлоб. Эрон. 830 ҳ /1426-1427 й. Баландлиги (осма халқаси билан бирга): 33,5 см. Инв. № D 25/1986**

Устурлоб Мусулмон Шарқда кенг қўлланилган астрономик асбоб бўлиб, темурийлар замонасига келиб такомиллаштирилган. Улар вақтни (кун ва тун, аниқ сана, ой ва фасларни) ўлчашда айниқса кенг қўлланилган.

Мазкур устурлоб Жалол номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Умар ал-Устурлобий томонидан 830/1426-1427 йилда Мирзо Улугбек расадхонаси учун махсус ясалган. Устурлоб мис ва кумуш қоришмасидан ишланган бўлиб, айланаси бўйлаб турли даража ва дақиқаларга бўлинган. Осма ҳалқасининг тагида устурлобни ясаган устанинг номи битилган.

**12. Икки аждар бошли мойчироқ. Марказий Осиё; XV аср. Баландлиги: 25,5; Диаметри: 17 см. Инв.№ 38/1982.**



Аждарҳолар Марказий Осиёда афсонавий мавжудотлар сифатида кўпгина буюмларда, миниатюра ва бошқа санъат асарларида кенг учрайди. Уларнинг бирини Низомий "Хамса"сида "Баҳромнинг аждар билан тўқнашуви" миниатюра мисолида кўришимиз мумкин. Аждар бошли бундай буюмлар, Темурийлар (айниқса Мирзо Улугбек) даврида ишланган қилич-ханжар, кўза ва чойнак каби буюмларда дастаг сифатида ишланган.

Бронзадан ўймакорлик услубида ишланган мазкур мойчироқ ҳам бир-бирига чирмалашиб кетган икки аждар бошини эслатади. Мойчироқ ёқилган вақтда аждарлар оғзидан пуркаланган олов, кишига ўзига хос эстетик завқ бахш этган. Мойчироқнинг асоси ҳам илон терисига ўхшатиб, турли ислимий безаклар билан безатилган.

**13. Мойчироқ. Фарбий Эрон ёки Шарқий**

Туркия; 1470 й. Баланглиги: 101; Диаметри: 40 см. Инв.№ 45/1999.

Мазкур мойчиरोқ темурийлар даврининг ажойиб дурданаси ҳисобланади. Монументал кўринишга эга бу мойчиरोқ икки бўлақдан иборат. Пастки бўлаги одатдагидек мойчироқ, юқори қисми эса, ўзига хос сферасимон идиш бўлиб, мой томизиш вазифасини ўтаган.

Бронзадан ўймакорлик услубида бадий ишланган мазкур мойчироқ мис ва кумушдан ишланган, айланаси бўйлаб турли қуръон оятлари ва калималар билан безатилган. Ундаги ёзувлар эса, мазкур мойчироқнинг Анқарадаги шайх Сўфи ҳожи Байрам Валий мақбараси учун ишланганига ишора қилади.

Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси учун ясалган бу каби ҳашаматли мойчироқни Давлат Эрмидажи (Россия)да ҳам учратишимиз мумкин.

14. Қопқоқли кўзача. Ҳирот, Афғонистон. Жумодил охир 918 ҳ / 14 август 1512 й. Бўйи: 16.5 см. Инв.№ 34/1986

Бундай кўзалар Темурийлар даврида айниқса Эрон ва Афғонистонда кенг тарқалган эди.

Кумуш ва олтиндан ишланган, қопқоқли мазкур кўзача аждарҳо бошли дастакга эга. Ислимий нақшлар билан маҳоратли ишланган бу кўзачанинг асосида, унинг муаллифи исми ва ясалган санаси бор: "[Мазкур иш] фақиҳ ва хоксор Али ибн Муҳаммадали Шиҳоб ал-ўурий томонидан жумодил охир 918 (август 1512) йилда [ясалди]". Бундай услубдаги кўзачалар Сафавийлар ва Усмонийлар давридан ҳам, бироз ўзгача кўринишда сақланиб қолган.

15. Қақнус қуши тасвирланган лаган.

Табриз, Эрон. XV асрнинг охири. Бўйи: 6.4 см; диаметри: 38.7 см. Инв.№ 214/2006

Темурийлар даврига келиб кулолчилик маданиятида катта ўзгаришлар рўй берди, эски услубдан воз кечиш жараёни кеча борди. Бу жараён Мовароуннаҳрнинг бошқа мамлакатлар, ҳусусан Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларининг жонланиши билан белгиланади. Бу даврдаги маданиятлар аралашуви таъсирида кўплаб ранг баранг ва ўзига хос санъат асарлари яратилади. Шу билан бирга, янги услуб, шакл, рангларга ўтиш кенг кўламда жорий этилган. Шу кунгача сақланиб қолган мовий ранг Темурийлар давридан буён сеvimли рангга айланиб қолганки, у уй-рўзгор сопол буюмларида ҳануз ишлатилади.

Темурийлар давридан бери кенг кўламда фойдаланиб келинаётган буюмлардан бири лагандир. Лаган асосан қуюқ овқат учун ишлатилиб, оилада, тўй-маъракаларда жамоавий идиш вазифасини ўтаб келади.


Хитойнинг кўк ва оқ рангли чиниларига тақлид сифатида ишланган мазкур сопол лаган, нозик бадий дид билан ишланган. Унинг марказида булутлар ичра парвоз қилаётган афсонавий қақнус қуши, атрофларида тўққиз кабутар ва олти ўрдак тасвирланган.




16. Лаган кўринишига эга деворий безак. Нишопур, Эрон. XV асрнинг иккинчи ярми. Бўйи: 13 см; Диаметри: 26 см. Инв.№ IsI 13.

Темурийлар даврида сопол буюмларни ишлаб чиқариш ўзига хос санъат даражасига кўтарилган эдики, бу санъат тури ҳам ўз даврининг мураккаб ишланган хитой чинниларидан асло қолишмасди.

Мазкур лаган хитой чиннисига ўхшатиб, феруза ранглар билан нозик дид билан ишланган. Унинг марказида тўкин-сочинлик ва барака рамзи сифатида икки анор тасвири туширилган. Анорни, айни вақтда, серфарзандлик ва соғлом оила рамзи сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Лаган ўртасидаги кичик тешик, унинг сарой ва хонадон деворларини безатиш мақсадида ишлаб чиқарилганидан далолат беради. Бу каби лаганлар 1469-1495 йиллар оралигида Кавказнинг Кубачи шаҳарчасидан ҳам топилгани маълум.



17. Ёғочга ўйилган ёдгорлик (кенотафия). Эрон. XV аср. Балдлиги: 134 см. Инв.№ 40/1992.



Ёғоч ўймакорлик санъати ҳам XIV-XV асрларда ўз юқори чўққисига кўтарилган эди. Ўйма нақшли ёғоч - устун, эшик, ёндор, панжара ва бошқа ёғоч буюмлар қурилишда муҳим безак ҳисобланган.

Ёғочга ўйилган ёдгорлик (кенотафия)лар ҳам, қабртошлардан фарқли ўлароқ, одатда ёғочдан ишланган, унда ўймакорлик услубида Қуръон оятлари, ҳикматли сўзлар битилган бўлади. Уларда баъзан ҳатот-уста номи, ишланган вақти ёки қабрда ётган шахс номи, вафот этган саналари битилган. Ушбу турдаги ёдгорликлар ислом оламининг нуфузли шайхлари, пирлари, даврнинг ҳукмдор ва амалдорлари сағаналарида, мақбара, масжид ва ҳонақоҳларда Темурийлар даврида қўшимча безак сифатида қўлланилган. Насх хатида битилган ушбу ёдгорлик номаълум темурий шаҳзода қабрига ўрнатилган эди.



## «СОҲИБҚИРОН» ШЕЪРИЙ ДРАМАСИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

XX асрнинг иккинчи ярми - XXI аср бошлари ўзбек шеърияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган Абдулла Ориповнинг беш пардали "Соҳибқирон" драмаси "Буюк Темурнома" силсиласига янги боб бўлиб қўшилди.

"Биз ўзбекларни улуг, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этаяпмиз ва аслида ҳам шундай, - дейди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов. - ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганлигини, фан-маданиятта ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди. Тарих - халқ маънавиятининг асосидир. ... Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга мерос бўлаемиз". Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас.

Абдулла Орипов "Соҳибқирон" драмасида Амир Темур шахси ва фаолиятини ёритишни мақсад қилиб оларкан, донишманд давлат арбоби ва бунёдкор салтанат соҳиби, боқий гўзалликлар, маънавий-интеллектуал қадриятлар яратувчи шахс концепциясини асос қилиб олади.

Шоир Амир Темур шахси, ҳаёти ва фаолияти, яшаган даври, ижтимоий-сиёсий муҳит материаллига мурожаат этар экан, нафақат зукко, фасоҳатли ижодкор, шу билан баробар она тарихининг нуктадони, тарих фалсафасининг закий билимдони сифатида буй кўрсатади. Хусусан, нафақат Туронзамин, Туркистон тарихини, шунингдек Амир Темур салтанати билан иқтисодий, маданий, илмий савдо алоқаларини олиб борган мамлакатларнинг ҳам ўша олис даврдаги ўтмишини, турмуш тарзини, дунёқараши ва истак-майларини, ҳатто ички манфаатларини ҳам нозик фаҳм билан идрок этади. Олис тарихнинг тўрт фаслида эсан шабадаларнинг коса тагидаги ним коса тариқасида - қудратли адабиёт тилида англаб олинади.

Шоир халқимизнинг олис тарихидаги Амир Темур шахси ва фаолияти билан боғлиқ энг муҳим саҳифаларга мурожаат этиши бежиз эмас. Улкан салтанат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йуқ // Миллий тикланиш. - Т., 1998. 18 авг. 26-сон. 2-бет.

ҳудудларида адолатни қарор топдирган, халқнинг тинч-фаровон, бунёдкор ҳаёт тарзини таъминлаган буюк бобокалонимиздан имдод сўрайди. Руҳий мадад, куч-қувват олади. Негаки:

*Ҳамон ер юзида шайтон тугёни,  
Тилларда дуо-ю дилларда зарда.  
Кўриб бу ноқису нотинч дунёни,  
Қайта босардингиз балки, саркарда!*

Қарангки, ҳалиям ҳануз бирлик, иттифоқ, ҳамжиҳатлик туркий халқлар фарзандларига етишмаяпти. У анқонинг уруги сифатида камёб, ноёб бўлиб, ҳаётимиздан сийраклашиб кетди. Шу боисдан ҳам шоир драмада "ноаҳл авлод" деган иборага алоҳида ургу беради. Бу ҳолни шоир ёниб, куйиб, афсусланиб тилга олади. Зеро, кўҳна тарихдан маълумки, ноаҳилик ушбу халқларни парокандаликка олиб келган, душманларига емиш қилган, қўл-оёғини боғлаб мутеликка маҳкум этган ашаддий ёвуз иллатдир. Ўзбек халқи бошига асрлар оша кўланка ташлаб келаётган ёвузликларнинг илдизи ана шу ерда.

Абдулла Орипов талқинида буюк саркарда Амир Темур ўрта асрлар ислоҳотчиси, жамиятдаги озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассамлаштирган йўлбошчи, ҳалоскор, донишманд тимсолида гавдаланади.

*Шоир аҳли ғазалларни қоғозга ёзса,  
Мен шеъримни ўчмас қилиб шамширга ўйдим.  
У битикнинг мазмуни шул:*

*"Куч - адолатда!"*

*Ёш бошимдан қисмат менга қилич тутқазди.  
Чингизийлар мўр-малаҳдай босган бир пайтда.  
Неча-неча шер юракли барлос йигитлар,  
Ёвларига ем бўлганда боши бирикмай,  
Тоғу тошда санғиб юрган эркесварларни  
Ўз теграмга тўпладиму  
Ялов кўтардим. (10-бет)*

"Куч - адолатда" шиори Амир Темур салтанатининг чексиз ҳудудларида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган эди. Куч бирликка асосланган тақдирдагина адолат қарор топади, ҳақиқат юзага чиқади, деган ғоя асардаги бадиий талқинлардан сизиб кўринади. Шу маънода, у шоирнинг адабий-эстетик идеали негизини ҳам ташкил қилади.

Биринчи саҳнадаги Амир Темур, Мир Саид Барака, Амир Ҳусайн ўртасида кечган суҳбат ўзининг теран фалсафий мазмуни, ижтимоий моҳияти билан Куч-Бирлик-Адолат концепциясининг яна бир муҳим қиррасини кўрсатади. Илмда маълумки, Хожа Аҳмад Яссавий адолатни, инсоннинг ахлоқий покланиш ва комилликка эришиш ғояларини тарғиб этувчи сўфийликнинг "яссавий" тариқати асосчиси эди. Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийни ўзининг пири деб билар, динга кишиларни маънавий ва ахлоқий камолотга етакловчи, мамлакат куч-қудрати ва улугворлигини мустаҳкамловчи куч сифатида ёндашарди. Ана шу ғоя биринчи саҳнада кечган мазкур суҳбат мазмунидан балқиб туради.

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Соҳибқирон. Беш пардали шеърӣй драма. - Т: Адабиёт ва санъат, 1996. 7-бет. (Кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси матнда кўрсатилади).

Хусусан, исломий маданият Амир Темур шахсияти ва фаолиятини нурлантириб турган маънавий-ахлоқий принциплари асосини ташкил этади. Буюк соҳибқирон ахлоқий қарашларининг магзини белгилайди. ("Унутмагил, музаффарман ҳақлигим учун; Улуг бир зот яшаб ўтган бизнинг заминда. Туркистонлик авлиё у Аҳмад Яссавий. Тингла унинг бир ҳикматин, гоят ибратли. Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади. Термултириб халойиққа зор айлади", 22-бет). Амир Ҳусайн ўз нафсининг қурбонига айланганлиги учун ҳам ирода эркинлигини йўқотган. У шунчалик тубанликка, бойлик орттиришга муккасидан кетганки, сингиси Улжой Турконга совға қилган узугини ҳам қайтадан ўзлаштиришдан тап тортмайди ("Элга солган солигининг катта қисмини Улжой билан иккаламиз қоплаган эдик. Ўз синглинга ўзинг ҳада қилган зираклар ўз қўлингга қайтиб борса, олдинг, ноинсоф", 21-бет).

Амир Ҳусайн ўз эркини, кўнгил измини нафс деб аталган юҳо хоқон изнига топширгани боисидан ҳам муте. У мол-дунёга қул бўлганидан ҳам нафс бандиси бўлиб қолаяпти. У ирода эркинлигини бошқариш ҳаққи-ҳуқуқидан маҳрум. Одиллик Худонинг асосий сифатларидан бири. Шундай экан, у бандасининг ҳам кўнглига инсоф-диёнат туйғусини жойлаган. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, ўзгаларнинг ҳалол луқмасига кўз олайтирмасликдек холис ҳалоллик туйғулари билан кўнглини зийнатлаган. Лекин банда – ношукур ва унутувчи. Одиллик, ҳалоллик, покдомонлик сингари банданинг шахсини безовчи хислатларни кўнглидан қувиб, гуноҳи азимга ботадами?! Оллоҳ таолонинг йўриқлари ҳамиша адолатли. Гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти билан боғлиқ. Банда ирода ва фаолият эркинлигига эга эса-да, нафсининг қули бўлгани боис ўзлигини йўқотган. Шунинг учун ҳам у гуноҳ чоҳига тойиб йиқилаверади. Амир Ҳусайн кўргулиги бунинг тиниқ тасдиғи. Оллоҳнинг иродасига шак келтирган банданинг ёзуғи аламли, ачинарли, фожеалидир, деган фикр Амир Темурнинг қўйидаги эътирофидан балқиб туради.

*Мен ҳамиша шукур айтдим парвардигорга,*

*Қодир Оллоҳ ойдин қилди йўлимни доим.*

*Забт айласам қай бир замин,*

*Қай мамлакатни*

*Худойимнинг хоҳишига таяндим мудом.*

*Ҳатто йироқ юлдузларнинг феъли қандоқ деб,*

*Тинглаганман қуръачию мунажжимларни.*

*Турфа дину эътиқодга ибодат қилган*

*Неча-неча қавмларни ҳукмимга олдим.*

*Муҳаммаднинг яловини кўтардим баланд. (23-бет)*

Зеро, Амир Темур эътиқодига кўра, банданинг кўнглини исломий шуур ёғдулари билан нурлантириш покланишнинг энг муҳим белгиси. Бу, шубҳасиз, комилликка етишдаги ҳал қилувчи босқич. Тўғри, инсон табиати ва амалий фаолиятидаги қусурлар билан қадим-қадимдан курашиб келинади. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз фуқаролари кўнглини комиллик шуълалари билан ёритиш орқали жамиятни, демакки, мамлакатни тозартиришни исломий бурчи, Оллоҳ томонидан зиммасига юкланган олий масъулият, деб билади. Шу боисдан бандасини маънавий-ахлоқий қусурлардан фориг этиш масаласига салтанат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошади.

Агар ҳаёт пардасини кўтариб боқсанг  
Орасида икки ҳолат кўрингай рўй-рост:  
Бири Раҳмон қиёфаси,  
Униси - шайтон.

Бу галати жараёнда адолат борми?  
Яйраб юрар нега шайтон қорандалари?  
Нега кўздир найрангбозу каззоб кимсалар?  
Нега босган ер юзини бунча кўп иллат?

Мен заминни тозалашим керак улардан. (27-бет)

Бунинг учун эллару элатларни яхлит ва ягона давлатга бирлаштириш зарур. Бирлик, бирдамлик ва иттифоқ одамларни комилликка етказишда ғоят муҳим омил. Шу билан баробар, мамлакат ва жамиятни ҳам тозалаш учун олий мақом асос яратилади. Райят бошини бир маслак, ягона эътиқод атрофида қовуштиришнинг ижтимоий-ахлоқий асослари фақат эзгуликка хизмат қилади. Оллоҳ иродаси ер юзида пойдор этилгусидир. ("Давлат асло таваккалнинг меваси эмас. У райият, яъни халқнинг гуҳ иродаси. Унинг асос таянчидир ушбу уч жиҳат - ягона шоҳ, мўл хазина, енгилмас лашкар... Турли-туман одамларни бошқариш эса подшоҳларга буюрилган. Аллоҳ ҳукми шу... Магар бирор вилоятга нозир бўлсангиз энг аввало, пешволарга ҳурмат кўргазинг. Дарахт экинг, Гул ўтқазинг, Иморат қуринг. Кимки обод қилай деса ташландиқ ерни уч йил уни солиқлардан озод қилдик биз").

Абдулла Орипов маҳорати шундаки, Амир Темур образини жуда ҳаётӣ ва табиӣ тасвирлайди. Буни асарни талқин этган академик М.Қўшжонов ҳам таъкидлаб ўтади: "Абдулла Орипов талқинида Темур ўз қилмишларини ўзи назорат қила оладиган бир шахс. Ўз иқрорига қараганда, у онадан шамшир билан туғилган эмас, ёшлигида йилқи боққан, қир ва адирларда шодон яйраган. Юлдузларга қараб баъзан байтлар битган..."<sup>1</sup>.

"Соҳибқирон" драмасидаги Амир Темур шахсияти ва фаолиятдан ўқиладиган, ўқиладиган маънавий-ахлоқий ибрат сабоқлардан бирлик, одамлар руҳиятини поклантириш ҳамда жамиятни тозартириш ғоялари бадий тадқиқотчилик меҳварини ташкил этади. "Янги замон одамининг шаклланиши учун тарих ҳам улуг бир мактаб, - деб ёзади Абдулла Орипов "Ватан катта йўлга чиқди" номли мақоласида. - Эсланг, асрлар ўтди. Буюк соҳибқирон асос солган салтанат тарих ҳукми ва муайян вазиятлар туфайли XVI асрда танг вазиятларга юзма-юз келди. Албатта, бунинг турли сабаблари бор. Биз бутунги кунда Шайбоний ва Бобурни муҳокама қиламиз. Лекин уларнинг ажралиши - асл туркий Ўзбекистоннинг ажралиши эди. Бўлинганни бўри ер қабилида XVI асрдан сўнг бўлиниб нима топдик. Ҳаммага маълумки, уч хонликка бўлиндик. Ва бу майда хонлик ва бекликларни атрофдаги оч бўрилар осонлик билан ямлаб ютдилар"<sup>2</sup>.

Демак, янги замон одамлари - мустақиллик фуқаролари мустақиллик муҳитидан бу ибратли тарихий воқелиқдан сабоқ олишлари шубҳасиздир. Халқимиз - миллатимиз, туркий улус тарихи, буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдири, улар қолдирган маданий, илмий-маърифий, диний-ахлоқий мерос миллий мустақиллик

<sup>1</sup> Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. - Т: Маънавият, 2000. 120-бет.

<sup>2</sup> Абдулла Орипов. Ватан катта йўлга чиқди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - Т. 1996. 2 авг. 1-бет.

пойдеворини ташкил этгани боисидан ҳам биз учун ибрат, ҳикмат ва сабоқ бўлиб хизмат қилади. Бутунги янги замон одамларининг маънавий-ахлоқий, интеллектуал маданиятини шакллантиришда, тарих туйғуси руҳида тарбиялашда муҳим омил саналади. Абдулла Ориповнинг ўзи таъкидлаганидек, қудратли тарихга ворис бўлган, ўз ўтмишидан гурурланишга ҳақли ўғил-қизлар улугвор маънавий булоқлардан тафаккур чанқоқлигини қондириб, бутук қаҳрамонликлар сари юз буришади. Бундай камолотга етишган авлодларнинг эртанги куни ёрут, мамлакати, келажаги, албатта, бутук бўлади.

Ушбу гоёвий концепцияни адибнинг ўзи ҳам тасдиқлайди. "Халқимизнинг шонли тарихини ҳали юз-икки юз йилда ёзиб адо қилиш қийин", дейди Абдулла Орипов "Кўрган-билганларим" хотира эссесига - Лекин ёзувчининг оддий тарихнавис, йилномачидан фарқи бор. У кўпроқ ўз муайян гоёларига мос келувчи мавзуларни излайди. Шу маънода, асрлар бўйи камситилган, қаҳоратланган Амир Темур бобомизнинг образи менинг учун халқнинг обрў-эътиборини, қадрини белгиловчи образ бўлиб кўринди. "Соҳибқирон" асаримни ўтмишга боқиб, бутун учун ёзганман"<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, устознинг ўзи "Назаркарда юрт" мақоласида таъкидлагандек, «Боболар бизга муҳтож эмас, аксинча бизнинг ўзимиз боболар маънавиятига эҳтиёжмандмиз; уларнинг руҳан кўмағига, далдасига ҳамиша муҳтожлик сезамиз. Мафкураларнинг ўйинларини, сиёсатларнинг найранглари қарангки, шўро салтанати даврида шоирлар шахс сифатида ўз юрагини очолган эмас эди. Кейинги даврдаги муҳит шарофати билан бизнинг авлод шоирлари юракдаги дардларини аста-секин очиб беришди, - деб ёзади Абдулла Орипов, - бу дардлар халқнинг умумий дардига, халқнинг пинҳона кайфиятига бир қадар мос тушди. Аста-секинлик билан ёлгонни ёзишга умуман эҳтиёж қолмади. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигидан кейин кўпчилигимиз лайлак ҳайдаб юрганимиз маълум бўлиб қолди»<sup>2</sup>.

Адабиётшуносликдаги тарихийлик тамойили ўтмиш воқеа-ҳодисаларига холис ва адолатли баҳо беришни талаб қилади. Айни тамойилларга Абдулла Орипов ўз драмасида амал қилди. Драматург унда соҳибқирон Амир Темур шахсияти ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги адолатпешалик, инсонсеварлик, ватанпарварлик сингари нурли фазилатларга алоҳида урғу беради. Энг муҳими, бутук бобомизнинг ижтимоий яратувчилик фаолияти, оламгир бунёдкорлик ишлари бевосита дунёқараши, ҳаётга қараши, одамларни тушуниши билан боғлиқликда акс эттирилади.

*Игво, фитна, гараз тўла ёлгон дунёда  
Сабрим тугаб, гоҳо-гоҳо ўйлаб қоламан:  
Зарурмикан барчага тенг яхшилик қилмоқ?!  
Меҳр билан бирортасин бошин силасанг  
Ғаюр итдек қўлинг тишлар, талаб ташлайди.  
Худпарастдир қулдан тортиб шохларга қадар.  
Бундай ҳолнинг боиси не?  
Сабаби нима?*

<sup>1</sup> Абдулла Орипов. Кўрган-билганларим. Хотира-эссе // Ўзбекистон адабиёти ва санъати - Т, 2001. 23 февр. 3-бет.

<sup>2</sup> Абдулла Орипов. Кўрган-билганларим. Хотира-эссе // Ўзбекистон адабиёти ва санъати - Т, 2001. 23 февр. 3-бет.

*Мен билдимки, бу қурама Инсон зурёди  
Тахт таллашиб,  
Шон таллашиб,  
Бойлик таллашиб*

*Аллоҳ берган дил гавҳарин унутиб қўйган. (48-бет)*

Ҳар бир киши ўз даврида, ижтимоий-тарихий муҳитида маънавий-ахлоқий фазилатлари билан, интеллектуал салоҳияти билан ажралиб туради. Бошқа тарихий даврлардаги одамлар онги-дунёқарашидаги, шахсияти ва фаолиятидаги фарқли жиҳатлар ана шу маънавий-ахлоқий, интеллектуал қиёфаси билан белгиланади. Академик Алибек Рустамов "Амир Темур зафарларининг маънавий асослари" номли мақоласида ҳақли равишда таъкидланганидек, Амир Темур ва темурийлар авлодининг энг муҳим ёруғ фазилатлари-бу теран ва жаҳонгир нуктадонлигида, юксак маданият, илм-фан соҳибӣ эканлигидадир. Темур ва унинг зурриёдлари даврида фан, маориф, тарбият, иқтисод масалалари табиат ва жамият қонуниятлари билан гармоник уйғунлиқдаги фалсафий гоёларга асосланганлигидир.

Академик Алибек Рустамов Соҳибқирон Амир Темурнинг ишонч-эътиқоди ва ижтимоий фаолияти қуйидаги омилларга таянган эди, дея қўрсатиб ўтади. Хусусан, "Аллоҳ таоло инсон ақлан ҳамда маънан камолотга эришиши жараёнида Ҳаққа интилиши ва унинг адоқсиз гўзалликларидан баҳра олиши учун ўн саккиз минг оламни яратди. Бунинг учун инсон, энг аввало, нафс деб аталган юҳони энга олиши, нафс қулига айланмасдан ўз шахсиятини комиллик унсурлари ила зийнатлаши лозим, деб билади. Ушбу жараёнда инсон ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар фазилати ила ўзини янада гўзал ва комил этади". Кўринадики, қачонки, адолат, эзгулик устувор бўлган мамлакатда "юрт тинч бўлар, қон тўқимас, гадоӣ кўпаймас". ("Соҳибқирон", 52-бет). "Мен мусулмон амириман, Насабим туркий, адолат ва дини ислом посбонидирман", дейди Соҳибқирон Амир Темур. "Ҳар қандайин муҳораба олдидан доим Аллоҳимдан мадад сўраб, ёлбораман мен", дейди у.

Абдулла Орипов талқинидаги Амир Темур образида ҳаққонийлик устувор. Ушбу ҳаққоний-реалистик тасвир драмада тарихий ҳодисалар билан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига тегишли бўлган ривоятлар билан уйғунлашган ҳолда берлади.

Драмадаги бадиий-эстетик таҳлилда адолатпешалик, инсонсеварлик ва ватанпарварлик гоёлари Амир Темур шахсияти ва фаолиятини нурлантириб, асарнинг гуманистик-фалсафий йўналишини белгилайди.

*Яловимиз дини Ислом учун барқ уриб,  
Шамширимиз адолатни ҳимоя қилди. (100-бет)*

ёки:

*Эвоҳ мени авлодарим ким деб эслашур?  
Урушқоқ бир жаҳонгирми ё ҳақ посбони?  
Не бўлса ҳам яшадим мен чигал даврда,  
Ўлдирмасанг ўлдирурлар, тинчингга қўймас.  
Адолат деб умрим бўйи курашдим, бироқ  
Афсуски, у бўлмас экан жангу жадалсиз,*

<sup>1</sup> Рустамов А. Нравственные факторы успехов Амира Тимура. В сб.: "Тезисы международной научной конференции. Амир Тимур и его место в мировой истории". 23-26 октября 1996 г. - Т: Узбекистан, 1996. С.18.

*Бир ёгини тикласанг гар дунё деворин,  
Нураб кета бошлар экан иккинчи ёги. (118-бет)*

Драманинг охириг бешинчи сахнасида Соҳибқирон Амир Темурнинг аввал Дарвеш, сўнгра Ҳазрати Ҳизр тимсолидаги пири комил Аҳмад Яссавий билан суҳбати берилади. У Амир Темур сиймосини кўз ўнгимизда бор бўй-басти билан намоён этади. Амир Темур - Соҳибқирон, буюк саркарда, илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият ҳомийси, донишманд салтанат соҳиби, давлат миқёсидаги бунёдкорлик ишларининг мутафаккир раҳнамоси. Яратганнинг иродаю инояти-ла ер юзининг қоқ ярмини қўлга киритган жаҳонгир. Шавкатли тожу тахти, жаҳон аҳли кўриб кўзию диди қувнайдиган оиласи-хонадони, зурриёдлари, ҳадсиз-ҳисобсиз мол-мулки, давлати бор.

Лекин, Амир Темур ҳам Оллоҳнинг бандаси, хом сут эмган. Унинг ҳам волидаи муҳтарамаси бор. У ҳам ота-она меҳрининг буюк муждаси сифатида онадан тугилган. Дунёнинг неча-неча улуглари билан ҳамсуҳбат бўлган эса-да, умр бўйи - йиллар тўзони ичра қийнаб келган муаммоларини бир дардкаш Инсон билан суҳбат қуриб ҳал қилишни хоҳлайди. Йиллар бадалида кўнглида қават-қават тугилган муаммоларга жавоб топиш иштиёқида ёнади. Тирик жон-да, билиб-билмай қилган хатолари учун охиратда азобларга чўкиб кетишдан чўчийди ("Тинимсиз жангу жадал билан ўтди ҳаётим. Балки қанча умрларга зомин бўлганман. Охиратда этагимдан тутмасми улар", 125-бет). Пири комил Яссавий билан Амир Темур ўртасида кечган суҳбат тирикликнинг мазмуни - ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва зулм-залолат сингари азалий-абадий масалаларни қамраб олади.

Инсон босган қадами учун ҳамиша масъул. Ҳамиша Яратганнинг олдида жавоб беради. Виждон, бurch, қаноат, инсоф, нафс ва бошқа башарий қадриятлар эса ҳаққа етиш, Ҳақиқат мазмун-моҳиятини англаш, Адолат туйғусини аввало кўнгиларда пайдор этиш босқичларидир. Амир Темурнинг пири комил устози, ҳазрат Яссавий ер юзида адолатни қарор топдириш учун куч ишлатишга қарши. Жангу жадалларсиз ҳам эзгуликка асосланган жамиятлар, салтанатлар барпо этиш мумкин-ку, деб тушунади ("Улуг, эзгу ниятларнинг рўёби учун жангу жадал, қон тўкишлик шартмикан, Амир? Энг аввало ҳар бир банд нафсини тийсин. Бу дунёнинг неъматлари алдамчи, рўё, Охиратни ўйлаганлар комил бўлгайлар", 126-бет).


"А.Ориповнинг маҳорати шундаки, у тарихий ҳақиқатга асосланиб, Амир Темур образини зўрма-зўраки мадҳ этиш, уни кўкка кўтариш йўлидан бормай, образнинг бадиий жиҳатдан мукамал чиқишини таъминлашда бадиийликнинг муҳим мезонларидан бири - образнинг тарихан аниқ, моҳиятан тиниқ чиқишига катта эътибор қаратади"<sup>1</sup>.

Энг ёмон залолат, энг ёвуз зулм бу инсон ботинидаги юҳо куч - нафсдир. Ана шу тизгинсиз нафс қулига айланган кимсаларни кўз кўриб қулоқ эшитмаган кўргуликларга гирифторм этади. Ақл бовар қилмас тегирмон тошларини бошидан юргизади. Магар инсон ўз нафсини тия олмаса, интиҳосиз орзу ҳавасларини жиловлай билмаса, тизгинлаш чораси биргина қиличдир, дейди Амир Темур.

<sup>1</sup> Расулмуҳамедова Д. Истиқлол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муаммолари: Филология фанлари номзоди. Дисс. автореф. - Т, 2000. 13-бет.

Унинг бу фикрига ҳазрат Яссавий гуманистик - инсонпарварлик гоёлари билан суғорилган ўз қарашларини англади.

*Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,  
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон.  
Сендан кейин билганини қилар одамзод.  
Инсонларнинг шуурига муттасил, тинсиз  
Қаноат ва инсоф ҳиссин сингдирмоқ керак. (126-бет)*



Ҳазрат Яссавий ўз тириклик тарзи, эътиқодини адолатнинг устувор йўлларида бири сифатида англади. Сабрим билан мўминларга ибрат бўлолдим. Ҳикматларим ўлмай яшар, инсофга чорлаб, дейди у. Ва лекин, ҳайратангиз жумбоқлардан бири шундаки, фақат даъват билан инсон кўнглини маърифатли этиш амри-маҳол экан. Одамлар кўнглида яхшилик гулларини, эзгулик боғларини, адолат туйғуси-дарахтини барпо этилган тақдирдагина банди мўмин комиллик мақоми сари юксалиши мумкин экан. Амир Темурнинг ишонч-эътиқодига кўра инсон боласи ер юзида комил бўлолмайди. Боиси у нурдан яралган эмас.

Амир Темур васиятларида суронли ҳаётдан розилигини англади. Буюк давлат барпо қилдим, тангрига шукур. Золимларнинг тааррузли қўлларини мен Мазлумларнинг этагидан юлиб ташладим, дейди.

*Маслак ила тариқатни ҳимоя айлаб,  
Монеъ бўлдим имонсизлик, зўравонликка.  
Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,  
Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг. (138-бет)*

Демак, хулоса сифатида айтиш жоизки, **биринчидан**, "Соҳибқирон" драмасида буюк бобомиз Амир Темур шахсияти ва фаолиятидаги гуманистик - инсонсеварлик, миллатпарварлик хусусиятлари етакчилик қилади. "Куч-адолатда!" деган башарий қадрият буюк Соҳибқирон шахсияти ва фаолиятининг кўзгусига айланди. Ижтимоий адолатнинг ҳимоячиси сифатида бадий-эстетик тадқиқ этилади.

**Иккинчидан**, Амир Темур туркий улуснинг, халқнинг ирода-кучларини ўзида мужассам этган бунёдкорлик фаолиятининг тимсоли сифатида гавдаланади. Абдулла Орипов ўз эстетик концепциясининг поэтик талқинида Амир Темур ҳаётига оид ривоятлардан ҳам унумли фойдаланади.

**Учинчидан**, буюк Соҳибқирон бобомиз исломий эътиқод номи билан аталган, эзгулик ва адолатга асосланган умумбашарий қадриятлар ҳимоячиси ҳамда илм-фан, маданият, маърифат, адабиёт ва санъат, тарих, меъморчилик ва бошқалар ҳомийси, раҳнамози тариқасида талқин этилади. Бундай талқинни истиқлол даврининг ижодкорларга тақдим этган ижодий эркинлик сифатида англаш жоиздир. **Тўртинчидан**, драмада Амир Темур тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларнинг бошини қовуштириб бирлаштирган, ягона бир давлат тузишга эришган, бирлик - адолат - ҳамжиҳатликни ушбу салтанатнинг бош аъмолига айлантирган донишманд сиймо - давлат арбоби сифатида ёритилади. Аслида, бундай миллий бирлик умуминсоний моҳият касб этади.

**Бешинчидан**, драмадаги бадий-эстетик фикрлар талқини ўзининг ижтимоий-фалсафий мазмунига, умумлаштирувчи салоҳиятига кўра кенг кўламли эпик миқёсга эгаллиги ҳамда поэтик жиҳатдан теран тасвирлари билан ажралиб туради.



# ҚИДИҚ



Абду чаққон топиб келган гапдан қишлоқ аҳли бир қалқиб тушди. Нима эмишки, қишлоқлари тагида улкан ерости дарёси шовуллаб оқармишу, кўп эмас, атиги йигирма-ўттиз газ кавланса, бас, сув дегани ўз эпкиннида шарқираб чиқаверармиш.

У бу хабарни келтирганда, қуёш уфққа ёнбошлаган, қишлоқ чеккасидаги сайёхонликка йиғилган чоллар ярмисигача ерга ботган кўҳна машина рамасига тизилишган, нисбатан ёшроқлари эса шундоққина яланг ерга чордона қуришганди. Пода йиғиладиган майдондан беридаги кафтдек ялангликда ёш-яланглар тўп суришар, қайноқ дашт ели оёқ остидан кўтарилган тўзонни ўтирганлар оша тўғри қишлоқ томон ҳайдарди. Кундузги

жазирама офтобдан тўйиниб, эндиликда бамисоли қизиган тандирдек, ўзидан ҳовур таратаётган томлар, тупроқ кўчалар бу тўзонни ўзига сингдираверганиданми, жамики нарса тупроқ тусига кирган, симлари салқиган қатор симёгочлар бу фэйзсизликни янада бўрттириб, киши дилида нохуш кайфият уйготарди. Аммо теварак-атроф қанчалик бефайзлик касб этса, инсон туйғулари шу қадар ўтмаслашади деганларидай, давра аҳли бошларига ёғилаётган чангга бепарводек, теваракка ҳам шу хил муносабатда эди. Улар назарида, олам ва одам шу йўсинда яратилгану, шу созда қолмоғи лозимдек эди. Бир пайтлар қишлоқнинг корига яраб, эндиликда чолларнинг жўнгина ўриндоғига айланган юк машинаси ҳам шу кайфият қурбони эди. "Политорка" деб номланмиш бу машина бундан кўп йиллар муқаддам, серёмгир кунлардан бирида йўлнинг қоқ ўртасида сўнгги "нафас"ини олганча қолиб кетган. Қишлоқ

аҳли уни йўлдан четга суриб қўйиш ўрнига, даштда ер қаҳат эмас-да, айланиб ўтмоқни маъқул топган. Вақтлар ўтиши билан машина шип-шийдам қилиниб, эндиликда ундан фақат "устихон" қолган. Оқшом олди чоллар мавқеига қараб рамага жойлашиб олишади. Темири қолган ўриндиқ қишлоқ кайвониси Бегим оқсоқолники. У рул ўқиға ўнг елкасини тираб, мисоли шоҳлардек керилиб ўтириб олади-да, даврадаги бир пулга қиммат гурунглари бошқаради.

Бу хил гурунгларга тасодифан келиб қўшилган кимса умумий гала-говурда дастлаб ҳеч нарсани англаёлмай, бир муддат гангиса-да, кейин шуури тиниқлашиб, кўз ўнгида қандайдир бир тўйнинг шовқунли манзараси намоён бўлади: гуррос-гуррос меҳмонлар, қатор-қатор қозонлар, яшик-яшик ичимликлар, номи тилларда дoston хонандаларнинг хонишлари-ю, улоқдаги чавандозларнинг ҳайқириги, отлар дупури - ҳаммаси қоришиб, рангга-ранг тусда жилва касб эта бошлайди. Ҳаёт деганлари мана шу суронли манзарадан иборатдек, у бир муддатга тўзонли қайноқ ҳавони ҳам, файзсиз чўлни ҳам, чангга ботган қишлоқни ҳам унутади, ушбу шукуҳли манзарадан мириқиб завқланмоқ истади. Бироқ даврадаги кимсаларнинг эскиган, кирланган энгил-боши, ҳафтадирки, устара юзини кўрмаган, қуёшда қорайган афт-ангорлари бунга изн бермайди. Шунда у гурунг "қаҳрамон"ига ҳавас қилиш ўрнига, беихтиёр ачинади: "Оббо, тўй қиламан деб, бечоранинг роса ийиги чиқиб кетибди-ку..." Аммо ўзича мамнун бу қиёфа бунинг аксини айтади, натижада, ачиниш таассуф билан алмашилиб, дилда англари сиз бир гашликни тугдиради.

Даврага келиб қўшилган Абду чаққон айни пайтда ушбу кайфиятда эди. Бунгача у миниб келган мотоциклини бир четга суяб қўйиб, уст-бошини қоқиб-суқиб, ўзини тузатган ва ялангликни чангитиб тўп сураётган болалар томонга бир-икки норози қараб қўйишга ҳам улгурган. Энди у ҳафта бурун дабдабали тўй берган Маъруф чавандозга сабабсиз чимирилиб боқаркан, унинг бахтиёр ишшайиши ва нодон турқидан гаши келиб, ерга туфлаб қўяди. Боиси, доимо ниманидир бошлаб юрадиган бу тиниб-тинчимас йигитнинг ҳаётга нисбатан қарashi, тутуми ўзгача бўлиб, бошқалардан яққол ажралиб турар, овулдошлари наздида, у шаҳар кўрган олифта эди.

Ҳозир ҳам айримлар қатори ерга гуппа чўка қолмай, чоллар қаватига жойлашаркан, қизиган темир юзини киши билмас сийпалаб қўйди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ички бир дид балқиб турар, қиртишланган ияги, эгнидаги даштга мос қўйлаги-ю, уринган жинси шимидан бу хил турмуш тарзига зўрга кўникаётгани очик англашилари. Аслида бундай йигитлар ҳар бир қишлоқда учрайди. Аввалига улар ўзларича нимагадир уринган-суринган бўлишади-ю, сўнг бошқалар қатори тирикчилик тўзонига қоришиб кетишади. Кейинчалик ҳамқишлоқлари уларнинг одатдан ташқари феъл-атвори устидан анча вақтгача қулиб юришади.

Абду чаққоннинг томдан тараша тушган қабилида айтган хабаридан даврага сукунат чўмди. Мақтовларга кўмилиб ўтирган Маъруф чавандозгина, ошга пашша тушди, деган маънода унга ўқрайиб қараб қўйди. Бироқ йигит ҳаяжонда эди, унинг норози боқишига парво қилмади. У давра яқинига думалаб келган тўпни майдон сари тепаркан, сўнг қайта жойига чўкиб, ўтирганларга бир-бир кўз ташлаб чиқди.

Машина рамасидан сўппайиб чиқиб турган рул ўқиға елка тираб, савлат

тўқиб ўтирган Бегим оқсоқол томоқ қира-қира, истехзоли илжайди.

- Ишқилиб, ёнғоқ-понғоқнинг тагидан туриб келмаяпсанми? - деди сўнг нописандроқ оҳангда. - Ер тагида дайра нима қилади? Дайра дегани ер юзалаб оқади шекилли.

Абду чаққон чолнинг каттазанглигини хушламай, боши билан қишлоқ томонга ишора қилди.

- Қишлогингизда лоақал тиккайган тиканак йўғу, сиз ёнғоқни гапирасиз-а.

Давра аҳли беихтиёр қишлоқ томон юзланишди. Қишлоқ шип-шийдам, кечки дайди елдан кенг кўчанинг тупроғи тўзғиб ётар, магазин эшиги ёнида Саттор дўкончи ҳавасга эккан ёлғиз толгина тебраниб, мужрайиб турарди. Тол ярим қуриган, омон қолган яшил япроқли қисми эса овулнинг умумий сарғиш-қизғиш тусига



сингишолмай, мисли сарғиштоб либосга томган сиёҳдай яққол ажралиб турарди. Бу манзарага кўзлари тушиши билан ўтирганларнинг бирдан томоқлари қақраб, шу атрофда юрган болалардан бирини сувга юборишди. Кейин - сув келгунга қадар ва сўнг қўлтиллаиб, галма-гал сув ичиш давомида, ер ости дарёсининг бор-йўқлиги хусусида қизгин баҳс юритишди. Баҳсга Эшна муаллим яқун ясади, дедикки, ер остида нафақат дарёлар, балки бутун-бутун кўллар мавжуд. Унинг бу гапига кимдир ишонди, кимдир эса йўқ. Алами ичида қолган Маъруф чаваңдоз пайтдан фойдаланиб, йигитни чақиб олишга уринди.

- Шуни деб гурунгни белига тепиб ўтирибсанми ҳали! - деди ўдагайлаб. - Ўша дайрангдан нима фойда бизга, а?

- Айни шу масала юзасидан гаплашгани келдим-да, - деди Абду чаққон унинг замзамасига эътибор бермай. - Тагимиза дарё... Хўш, нечун биз ундан фойдаланиш ҳақида ўйламаслигимиз керак?

Даврага жимлик чўқди.

Чоллар, сиз нима дейсиз, деган маънода Бегим оқсоқолга қарашди.

Бегим оқсоқол узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, бу хил ташаббускорларнинг элдан бурун ховлиқишларини кўп кўрган эмасми, биргина нордон гап билан йигитнинг унини ўчирмоқчи бўлди-ю, сўнгги сонияда эндиликда эл қатори оддий одамлардан бири эканлиги эсига тушиб, базўр тилини тийди-да, ер остидаги дайрани юзага оқизиш осон экан-да сенга, дейиш билан чекланди.

- Нимаси қийин? - деди Абду чаққон кўзлари чақнаб. - Қудуқ қаздирамиз.

- Ким қазиб беради?

Абду чаққон кенг даштга зимдан кўз ташлаб, сирли кулимсиради.

- Агар ҳақини келишсак, қазиб берадиганлар бор.

Бегим оқсоқол унинг кулимсирашидан ҳадикланиб, ўша томон назар солди.

Кўзи узоқдан чанг кўтариб қайтаётган подадан ўзгасини илғамагач, тўнгилаб деди:

- Бу гапингни бориб, анову Холиқ элбошига айт.

- Бе-е, - деди чолардан бири ингичка овозда, - кўчага тош тўктиришга ярамаган Холиқ, сенга қудуқ қаздириб берармиди. Нурали мешни ули дейдилар уни. Қачон қарама, қўйнингни пуч ёнгоққа тўлдиришдан бошқасига ярамайди.

Бу гапдан сўнг давра қайта жонланиб, катта-кичик раҳбарларни гийбат қилишни бошлади. Бу ҳол бирор беш дақиқа давом этиб, гапинг нишоби Рўзиқул бодининг ўқишга киролмай, катта пулнинг бошига етиб келган ношуд ўгли томон бурилганда, Абду чаққон чидаб туролмади.

- Менга қаранг! - деди Бегим оқсоқолга юзланиб. - Ҳадеб раҳбарларга ёпишавермасдан, ўзимиз ҳам жиндек жон куйдирсак-чи бундай! Шахсан Холиққа қудуқнинг ҳеч кераги йўқ, қишлоғи Қўшсувдан сув ичади. Демак, ўз кумачимизга ўзимиз қўр тортишимиз керак...

Ўтирганлар чувиллаб кетишди.

- Э, раҳбар бўлгач, қибирсин-да!

- Талабингни уларга айт.

- Бизга қудуқ-пудуқнинг ҳеч кераги йўқ, худога шукр, ҳаммамизда ҳовуз бор.

- Қазиган билан сув чиқадими-йўқми ҳали.

- Шунга айт.

Абду чаққон гала-говур тинишини чидам билан кутаркан, бирдан Мамадали шофёр ҳаммадан кўра кўпроқ гавго кўтараётганини пайқаб қолди. Аввалига ажабланиб, сўнг масаланинг тагига етиб, жини қуришди. Негаки, агар қудуқ қазилса, Мамадали шофёр кундалик тушумдан маҳрум бўлади-да, сўнг биров, ҳовузимни тўлдириб бер, деб келмайди-да.

Аслини олганда, ҳовуз ҳам Абду чаққоннинг ташаббуси туфайли русум бўлган. Шаҳардан қайтиб, биринчи қилган иши ҳовлиси кунжагидан ҳовуз қаздириш бўлган. Ҳовуз деворларини бетонлаб, устида челақ сигарли қопқоқли тўйник қолдириб, укаларини қўш битон ортилган эшақда сув ташишдек азобдан халос этганидан кейин, бошқалар ҳам ўз ҳовлисида ҳовуз қаздиришни одат қилди. Оқибатда, бу иши учун у "Абду чаққон" деган лақабга эга бўлди.

- Мамадали ака! - деди у ич-ичидан хуруж қилиб келаётган газабини базўр жиловлаб, - Бу таклифим сизга ёқмаслиги табиий. Чунки сиз кундалик чой-чақадан қуруқ қоласиз-да. Аммо-лекин шахсий манфаатни умумникидан устун қўйиш яхши эмас-да, ака! Бу қадар худбин бўлмаг!

- И-ия, қачон мен шахсий манфаатимни устун қўйибман, а?!

Сарҳадсиз дашт офтобининг куйдирувчан ҳарорати остида ўсиб-улгайган бандасининг хулқи бирдан юзага тепчиб, Мамадали шофёр тўсатдан йигитга ҳезланиб қолди. Орага тушганлар бир амаллаб уларни тинчитишгач, чоллар бошларини сарак-сарак қилиб, сеvimли мавзулари - насиҳат қилмоққа тушдилар. Насиҳатнинг бир учи қизиқ устида тоғасининг пичоқлаб қўйган Башир бангига бориб тақалгач, Абду чаққоннинг тоқати тугаб, тагин портлади. Аввалига у худди ўчакишгандай алақаердан пайдо бўлиб, даврани чир айланганча, зумда ғойиб бўлган кичкина қуюннинг тинишини кутиб турди-да, сўнг ер тепиниб, бор овозда бақириб берди.

- Ҳўш, қудуқ қаздирамизми-йўқми?

Даврага яна жимлик чўкиб, ўтирганлар кўтарилган чангдан юзларини паналаб, бармоқлари орасидан йигитга тикилишди.

- Қачонгача қуюнларга ем бўламиз, а?!

Абду чаққон шу гапни айта-айта, ирғиб ўрнидан турди-да, қизишиб гапира кетди. У жўшқинлик билан сўзларкан, ўтирганларнинг кўз ўнгида қуйидаги манзара жонлана бошлади: бошда ер тубидан қайнаб чиқаётган бир тегирмон - балки уч-тўрт тегирмондир - сувдан ариқлар тўлиб-тошди, кейин сувсизликдан янтоқ босиб ётган томорқаларда ишқомлар қад ростлади, полиз экинларига чиройли-чиройли жўяклар тортилди. Томорқа тўридан мевали дарахтлар ўрин олди. Уларнинг бир қисми кўча ёқаларига ҳам чиқиб кетди. Натижада, яшил тусга кирган қишлоқдан гармсел чўчийдиган, бетизгин қуюнлар ариқ бўйларида қад ростлаган тераклар сафидан нарига ўтолмай, чўл ичкарисига жуфтак ростлайдиган бўлди. Буни қарангки, орадан ўн йил ўтиб-ўтмай, экилган тераклар кишилар корига яраб қолди. Янги иморат солмоқчимисан, марҳамат, бир бошдан кесиб, томга босавер.

Тераклар борасидаги гап давра аҳлига жуда ёқиб тушди. Лоқайд нигоҳлар жонланиб, гард босган идрокларда нималардир гимирлаб қолди. Кучаниб, тиришиб эътироз билдирмоққа тушган Мамадали шофёрнинг уни ўчирилиб, йигитнинг тераклар хусусидаги нутқи қизгин маъқулланди-да, сўнг гап ёғоч қаҳатлиги туфайли иморат солмоқ ишлари йилдан-йилган тобора қийинлашиб бораётгани тўғрисида борди. Кимдир акасида калтак боладай манқаланиб, етти дона оғочни отасининг баҳосида харид қилганидан шикоятланди-ю, гурунг дегани айни қиём пайтида қутурадиган қуюндай гупуриб кетди. Агар Абду чаққон бот бетоқат ер тепинмаганида эди, қудуқ масаласи бир четда қолиб, бу мавзу токи пода келгунга қадар сақичдай чайналиши тайин эди.

- Хўш, ўртага ташлаймизми? - деди у чўлнинг узоқ ичкарисига жонсарак кўз ташларкан, бармоқларини бир-бирига маънодор ишқалаб. - Бориб қудуқчилар билан гаплашаверайми?

Бегим оқсоқол узоқ кутдирмай, барчанинг номидан розилик билдирди-да, сўнг қаватида ўтирган Нортोजи чолнинг ҳассасини қўлидан олиб, ҳардамхаёл бир алфозда ер чўқилай-чўқилай сўради:

- Хай-й, қудуқни қаердан қаздирмоқчисан?

- Буни сизлар ҳал қиласизлар.

Бегим оқсоқол ердан илкис кўз узиб, йигитга сергак боқди. Кейин Абду чаққон инъом этадиган қимматли нарсани бошқа биров илиб кетишидан ҳадиклангандек, хиёл ҳовлиқиш билан деди:

- Агар буни биз ҳал этадиган бўлсак, ҳовлим қишлоқнинг қоқ киндиги... Эшигим ёнидан қаздирамиз.

Бу гап кўнгилар тубида сокин мудраб ётган худбинлик туйғусини қўзғаб, уйғотиб юборди. Даврада гала-говур қўпти. Ҳатто шилпиқ кўзлари сузилиб, гап-сўзларга қотинмай ўтирган Холдор чолга ҳам жон кирди. Қўртдек бошини бежо чайқаб, ажиб бир тарзда биғилламоқни бошладики, одам боласининг бу тарзда овоз чиқариши мумкинлигига кишининг сира ишонгиси келмасди. Бироқ гаройиб бу сасни эшитадиган қулоқ йўқ, давра аҳли қудуқ ўрнини талашиб, шу қадар жазавага тушишгандики, ким тинглаб, ким сўзляпти - ажрим этмоқ мушкул эди. Тўп кетидан югуриб келган болакай ҳам бу талотўпдан чўчиб,

коптогини қўлтиқлаганча ура қочиб қолди.

Гурунғ бошидан буён Бегим оқсоқолга лутф қилиб ўтирган Нортожи чол унинг қўлидан ҳассасини юлқиб олди-да, бўғиқ овозда ўдагайлаб қолди.

- Элбошиман деб, ҳамма нарсанинг сархилини еб, ширин томоқ бўп қолгансиз-да, а?! Энди қудуққаям эга чиқмоқчисиз! Ўзи сизда инсоф борми?! Гап шу, агар қудуқ эшигингиз ёнидан қазилар бўлса, у қудуққа ўт қўйиб юбораман мен!

- Қудуқ ёнмайди, гаранг! - Бегим оқсоқол унинг нодонлигидан ранжиб, қудуқнинг ёнмаслигини жон-жаҳди билан исбот этмоққа киришади. - Чўпмидики, ёнса у! Ер-сувнинг ёнганини ҳеч кўрганмисан? Э, соқолинг серкилламай, ўл!

Кечки ҳароратдан ҳансираётган замин ўз бағрида яширинган обу ҳаёт илнжида, кишилардан кўмак истаб, уларнинг газабдан бўғриққан афтларини майин шабадаси ила сийпаламоққа тушади. Бироқ давра аҳли ҳануз бир қарорга келолмай, шу қадар қутуриб бақиришар эди-ки, улар, шабада тугул, хурлиқонинг кишига жон ато этувчи илиқ кафтиниям сеза олишмасди. Охир-оқибат, бу хил жазавадан бирор натижа чиқишига кўзи етмади шекилли, замин туйқусдан қаҳрланиб, даштнинг жизганагини чиқариб юрган қайноқ гармселни қишлоқ томон йўллади. Қайноқ ел болалар копток тепаётган яланглиқда қуюн ҳосил қилиб, ўтирганлар устига шиддатла ташланди-да, уларни бошдан-оёқ чангга белаб ташлади. Аммо давра аҳли бунга парвоям қилмади. Бегим оқсоқол оғзига тўлган тупроқни туфлай-туфлай, тагин баҳсда давом этди. Маъруф чавандоз эса ўнг қаватида ўтирган улфатини бўралашиб сўкар, Хидир чол ортиқ овозига зўр берганиданми, ё бўғзига чанг тиқилдими, кўкарганча қув-қув йўталар, ориқ, чангак бармоқлари эса Эшна муаллимнинг енгида қотиб қолган, Эшна муаллим бўлса, унинг боши узра кимгадир ўшқирарган қўйи, ора-сира енгини тортиб-тортиб қўяр, аммо чол, мабода панжасини бўшатгудек бўлса, жони танидан "порт" этиб чиқиб кетадигандек, қўйворишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бандаларга чоғи етмаган қуюн алаמידан ёлғиз толга ташланди. Уни бир майдон силкиб, майштириб, япроқларини юлқилаб ўйнади. Кейин Тўра полвоннинг девори ёқалаб бориб, болалар копток сураётган майдонни кесиб ўтди-да, тагин чўл қўйнига сингиб кетди.

Абду чаққон қуюн изидан қараб қоларкан, кўзи даштнинг олис буржида тиккайиб турган қудуқ қазувчиларнинг "вишка"сига тушиб, тажангланиб қичқирди.

- Бориб нима дей? - деди ўша томонга бош ирғаб. - Бу оқшом улар ишини яқунлаб, эртан кетишади. Кейин ялиниб, туя сўйиб чақирсанг-да, келишмайди.

- Айтганча, хонадон бошига қанчадан тушаркан? - деди охири кимдир хушёр тортиб.

Абду чаққон тўловни айтганда, давра бирдан тинчланди. Газабдан тиришган-буришган чехралар асил ҳолига қайтиб, сағал кўпроқ эмасми, деган маънода бир-бирига боқишаркан, шу орада чоллар, сиз нима дейсиз, дея Бегим оқсоқолга юзланишди. Бироқ Абду чаққон унинг оғиз очмоғига йўл қўймади.

- Қисқаси, қудуқни мана шу атрофдан қаздирамиз, - деди кўзи билан қудуққа жой қидириб. - Бу ердан чор-тарафга сув бир текис оқади. Аммо айтиб қўйяй, тезроқ бир тўхтамга келмасак, қудуқсиз қоламиз...

- Яқинда тўйдан чиққан одаммиз, кўп эмасмикан?.. - деди табиатан қурумсоқ бўлган Маъруф чавандоз нимдош қўйлаги ичига қўл суқиб, кўксини қирт-қирт

қашларкан.

- Тўйга этаклаб тўккандан кўра, хайрли ишга бир чимдимгина сарфласангиз нима бўпти.

- Тўй энди... обрўй-да!

- Бу эса, ҳаёт! - деди унинг нодонлигидан Абду чаққоннинг энсаси қотиб. - Қачонгача сувга ташна яшаймиз?! Ахир умр бўйи чангга қоришиб яшаймиз, деб қасам ичмаганмиз-ку!

- Майли, сен айтганча бўлақолсин, - деди Бегим оқсоқол баҳс пайтида жиндек чатнаган аввалги нуфузини тиклаш умидида. - Бориб, овул аҳли рози, деявер. Айтган пулингни эртан эрталаб йигиб берамиз. Бизни шу ердан топасан.

Кўп ўтмай қишлоққа пода яқинлашиб, ўтирганлар бирин-кетин оёққа қалқиди. Сўнгра моли кетидан уй-уйларига тарқалишди. Қудуқ ва ерости дарёси ҳақидаги хабар қишлоқ хонадонларига улар билан кириб борди...

Бу вақтда Абду чаққон қудуқчилар даврасида, ер қаъридан қайнаб чиқаётган сув бўйида, тўкин дастурхон атрофида ўтирарди. Қудуқ эгаси иш якунида уларга қуюқ зиёфат бермоқда эди.

Эртаси эрталаб Абду чаққон сайхонликка мотоциклини елдириб келганида, одамлар деярли йигилиб бўлган. Бегим оқсоқол одатдаги жойида негадир хомушгоб ўтирарди.

Абду чаққон унинг авзойига эътибор бермай, белидаги қизгиш чорсини ерга ёзиб, чўнтагидан бир даста пул чиқарди-да, қани, тезроқ бўлақолинглар, деган йўсинда, уни чорси устига намойишкорона ташлади. Сўнг ўзи четга ўтиб турди.

Маъруф чавандознинг ўнг қўли чўнтагига ёпишиб қолгандай, негадир чиқиши жуда қийин бўлди. Охири бир ён қийшайиб, аста илгари жилди-да, ички бир зўриқиш билан кафтидаги пулни чорсига ташлади. Кейин шалвираган қоматини тиклаб, теваракка мағрур боқди. Шу боқишда кетига тисарилиб, Абду чаққонга бақамти келиб турди. Мақтов кутиб, йигитга бир-икки кўз ташлади. Ундан садо чиқмагач, томоқ қириб қўйди.

Даврадан учинчи одам - Эшна муаллим имиллаб чиққанида, Бегим оқсоқол бирдан тилга кирди.

- Кеча оқшом улар билан маслаҳатлашдик... - деди димоғли оҳангда. - Гапнинг пўсткаласи шу, қудуқ эшигим ёнидан қазилмас экан, бир тийин бериш йўқ. Чунки ҳовлим дўнгсалда, бу ерда қазилган қудуқдан мен бир чаксаям сув ичолмайман...

- Унақада менгаям кераги қудуқни, - деди Жалил бақироқ, кафтини дўшпайган чўнтагига уриб. - Сен айтган ўша боғ-роғсиз ҳам кунимиз ўтади. Ана, бозор тўла мева, егим келса, пулимга сотиб оламан.

Уларнинг тайсаллаши бошқаларга зўр баҳона бўлди. Сизларга керак эмас экан, бизга не даркор, дея тўрт-беш киши шу заҳотиёқ изига қайрилиб, ими-жимида жўнаб қолишди. Қолганлар эса, нима, сизнинг шохингиз борми, дея Бегим оқсоқолга ёпишиб кетишди. Бу энди кечаги самарасиз баҳснинг давоми эди.

Мамадали шофёр, бу ҳолдан ўзида йўқ қувониб, югургилаб бориб дўкондан икки шиша ароқ кўтариб чиқди-да, талабгарлар бўлса, келаверсин, дегандай тол тагига чўқди. Буни кўрган уч-тўрт улфат қудуқни унутганча, секин у томон

жилишди. Нортोजи чол Бегим оқсоқолнинг қайсарлигидан ўзича ўпқаланиб, ҳассасини дўқиллатганча, қишлоқ сари йўналди. Қолганлар унга "дум" бўлишди.

Абду чаққон, бир оёғи машина рамаси устида, ёлғиз ўзи ҳанг-манг туриб қолди. Аллақаердан пайдо бўлган майда қулон унинг атрофида чир айланиб, чорсида қолган пулларни чор-тарафга учириб, юзига тупроқ сочиб ўтди. У эрталабдан заптига ола бошлаган ҳавонинг қайноқ ҳароратини ўз вужудида ҳис этаркан, бўм-бўш кўчаларга, чангга беланган кулбаларга, дўкон эшиги ёнидаги ярим қуриган толга, Мамадали шофёрнинг қувончига шерик бўлаётган улфатларнинг бўғриққан афтларига, наридаги подаётққа бир-бир назар соларкан, кўзи узоқда ортидан енгил чанг кўтариб бораётган машиналар карвонига тушди. Олдинда "вишка"ли машина салобатла чайқалиб борар, изидан қолганлари эргашганди. Қудуқчилар уни субутсизга чиқариб, ўзга манзилни қора тортишганди.

Абду чаққон машиналар карвонига ҳасратла боқаркан, бу чанг-тўзонлар салтанатида минг йиллардан бери яшаб келаётгандек ва ҳадемай жисму жони ушбу тўзонга қоришиб, кўз илгамас зарралардан бирига айланиб кетадигандек ҳис этди ўзини.

Азалий сукунатни тол тагидаги улфатларнинг шовқунигина бузар, уларнинг бу қадар қувонишини боиси шунда эди-ки, Мамадали шофёр шу бугуноқ ҳар бирининг ҳовузига текинга сув қўйиб беришга ваъда берганди.





У ҳар сафар тугилган қишлоғидан тушкун ва эзгин бир кайфиятда қайтаркан, йўл бўйи нечунлигини англаёлмай баттар дилгир тортарди. Қизиқ, биров мушугини пишт дегани йўқ, синфдош жўралари, ўша-ўша керагидан зиёда даражада иззатини қилишди, боз устига, онаси меҳридан бас деганча баҳраманд бўлди.

Хўш, унда бу дилгирликнинг боиси нимада?

Нечун тириклик бу қадар маънос ва маъносиз?

Нечун олам бу қадар кўримсиз?

Йигит ўз уйида ҳам бу нохуш ўйлар исканжасидан халос тополмайди, келганидан бери атрофида парвона бўлаётган аёлининг майин табассуми ҳам уни чалғита олмайди. У дераза оша сершовқун шаҳар кўчаларига маънос термулади. Тиним билмас чумоли карвонидай гимирлаётган одамлар оқимиға ҳардамхаёл боқади. Кейин эса ўша оломонга қўшилиб, шаҳарнинг қоқ киндигидаги баланд иморатлардан бирининг энг юқори қаватидан ўрин олган устахонаси томон йўл олади.

Қўлидаги ясси калитни эшик қулфига солганда, юраги бир қалқийди, деворлари мойбўёқда ишланган турли ҳажмдаги суратлар ила "безалган" кенг хонага қадам қўйганда эса енгил тин олади, дераза қаршисига ўрнатилган мольберт қаршисига борганда, димоғида мойбўёқ ҳидини туйиб, шу дамгача ўзини азоблаб келаётган дилгирликни бутунлай унутади, ўзга олам, ўзга бир дунёга тушиб қолгандай, шуури тиниқлашиб, кўнгли орайиш топади. Хона пучмоғидаги китоб тўла жавонга бақамти жойлаштирилган кўҳна русумдаги чарм креслолардан бирига ястаниб, оёқларини чалиштириб, кўп эмас, атиги бир зумга нафас ростламоқни ҳарчанд истаса-да, негадир вақтини қизганиб, бундан ўзини тияди, мўйқаламлардан бирини қўлига тутиб, мольбертдаги битмаган суратга чалғийди. Аммо иш ва ижод билан бўлиб, вақти сурурли ўтаётганига қарамай, кунлардан бирида кутилмаганда тагин қишлоғини қўмсай бошлайди, шунда, онамни соғинибман шекилли, деган ўйга боради. Бироқ онаси ўзини соғинтириб қўядиган аёллардан эмас, ҳар икки-уч ойда бир ўғлиниқига келиб туради. Шунга қарамай, туйқусдан қўзголган соғинч ҳисси уни тарк этмайди.

Нечун?

Мазкур саволга жавоб топгунча бўлмай, мана, у яна қишлоғида.

Бу гал кўпдан бери дилига тутиб келаётган режасини амалга ошириш, яъни дарагини эшитиши билан дарров йўқлаб келадиган жўралари кўзини шамғалат қилиб, бийдек дашт адогида ястанган Ёмонқир томон жуфтакни ростлаш ниятида эди.

Афсуски, улгуролмади.

У эшик ёндорига суяб қўйилган чоққина мольбертга қўл узатгунча бўлмай, қия очик дарвозада аввалига жўрабоши Шавкат новчанинг озгин жуссаси кўланкалани, сўнг унинг изидан яна икки оғайниси кириб келди. Ана, девор ортидан яна бир-иккисининг овози қулоққа чалингандай бўлди. Ва ҳовлида, ҳар сафаргидек, хушнуд хитоб жаранглайди.

- Ия-ия, Баҳром жўрамиз кеп қоптилар-ку!

У мезбонлик одобига кўра, кулча юзини табассумга тўлдириб, ўз навбатида, уларни қаттиқ соғинганини ич-ичидан туйганча, қадрдон жўралари томон ошиқади. Одатдагидек, бирин-сирин ачомлашиб кўришаркан, беихтиёр тарзда, узоқдаги Ёмонқирга таассуфла кўз ташлаб қўяди ва зумда идрок этгани шу бўлдики, энди қирни тушида кўради - бор-йўги икки кунга, жуда нари борса, уч кунга чўзилиши эҳтимоли бўлган бу ташрифи ҳам доимгидек дўстлари "ардоғи"да кечади: жўралар даврасида мактабдан кейиноқ қатъий ва бузилмас қонун-қоидага айланиб улгурган кўникмага кўра, унинг қишлоққа келиш шарафига, шу бутуноқ ота ҳовлисида қанотланиши шарт ва лозим бўлган улфатчилик сўнг, навбати билан, жўралари хонадонида бир-бир қўниб ўтади.

Бу одатга ҳеч бир ҳолат ва шунингдек, Баҳромнинг, гоҳ-гоҳида, кўп эмас, андаккина тутиб қоладиган, ижодкорларга хос инжиқ феъли ҳам раҳна солмайди. Зеро, Баҳром эсли йигит, "инжиқ"лик борасида доимо меъёрдан ошмасликка уринади, жўрачилик ҳақ-ҳурмати, андиша жиловини маҳкам тутайди. Биладики, мабодо хиёлгина қуюшқондан чиқар бўлса ёхуд, билиб-билмай, уларнинг иззат-нафсига тегиб қўйса, орадаги дўстлик араз ва гина-қудрат тўзонига чулганиб, пировардида адоватга қоришиб кетиши мумкин. Боиси, ўзига хос тушунча доирасига эга бўлган бу давра аҳли анчайин кекчи ва иззатталаб йигитлар - аввало аразлашмасин, аразлашдими, тамом - сўнг қайтиб отингни тутмайди. Шунинг учун Баҳром қадимда ўтган донишлардан бирининг қуйидаги пурмаъно ўтитини ҳамиша ёдида сақлайди: "Меҳр ва адоват бир-бирига зид тушунча эрса-да, аммо улар ҳамиша бақамти ва ўртадаги нозик парда кузги тумандек гоятда омонатдир".

У хушҳол қиёфада йигитларни ҳовли адогидан ўтган ариқча бўйидаги сўри томон бошлайди. Сўнг хонтахтани тевараклаб, эзмаланиб узоқ ҳол-аҳвол сўрашади. Бу орада у тагин узоқдаги қирга зимдан назар ташлайди, шунда, бутунги ўтиришни қирга кўчирсак қандай бўларкан, деган ўй хаёлидан лип этиб ўтади-да, шу ўй ва илинжда қошидаги йигитларга бир-бир боқади. Сўнг бу таклифи уларга маъқул келмаслигини тезда идрок этиб, чеккасини гамгин қашлайди. Дўстларига олисдаги қирнинг зигирча қизиги, тариқча қадри йўқ, шу иссиқда пишириб қўйибдими, ё аждарҳога ем бўлмоқчимисан, дейишлари аниқ.

Аждарҳо - бир ривоят.

Аммо, Омон отлиг бир чўпон ва яна икки-уч киши қир оралигида харидек йўгон илонга дуч келгани рост. Ушбу воқеа сабаб қир "Ёмонқир" деган номга

эга бўлган. Ушандан кейин бу афсонавий жонзотга ҳеч ким дуч келмаган эса-да, бироқ у ҳақдаги турли-туман ривоятлар ҳали-ҳануз эл оғзида чайналиб келади ва аксарият кишилар, жумладан, жўралари ҳам қирга ҳадик билан қарашади, Ёмонқирдан олисроқ юрган маъқул, дейишади. Бильакс, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, улардан бирортаси ҳам Баҳром каби Ёмонқирнинг ваҳимали ўнгуруларини бирма-бир кезиб чиқмаган, айиқ сигарли тош уяларни, нелиги ноаён бўлган тошкавакларни, гаройиб тошкапаларни, турли тус ҳамда шакл-шамойилдаги қоятошларни, қалин чакалакзорларни, қатор булоқ кўзларини, қисқаси, Баҳромнинг таъбири билан айтганда, кишини эсдан оғдирувчи чин ёввойи табиат тароватини ўз кўзлари билан кўрмаган ва ўз навбатида, бунга тариқча ҳам хоҳиш-истаклари йўқ. Ахир бекордан-бекорга заҳмат чекиб, аввалига юксаклиги ўртача тоғдан сал бери бўлган қир яғринига кўтарилиш ва сўнг қияликда тошларга қоқилиб-суқилиб, сирғалиб, қуйига - икки қир оралигида яшил тасмадек базўр кўзга ташланиб турган чоққина водийга - "аждаҳо макони"га энишга кимда тоқат, кимда юрак бор дейсиз.

Агар ўшанда қандайдир доривор ўт илинжида бўлган Собир мерган кўрдан-қўймай бошлаб чиқмаганида, эндигина олийгоҳни тугатган ва Ёмонқир ҳақидаги тасавури жўралариникидан пеш бўлмаган Баҳром икки дунёда ҳам у томонга қадам босмаган бўларди. Уша куни Собир мерган тимирскиланиб ўт қидирган, у эса, мусаввир эмасми, одам боласи томонидан даҳл қилинмаган ёввойи табиат қаршисида лол қолганча, қогоз-қаламсиз, қуруқ қўл билан чиққанидан жуда-жуда ўкинган. Кейинчалик эса хотираси ҳамда тасаввурига таянган ҳолда кўрган-кечирганларини аввал қаламда, сўнг мойбўёқда акс эттирган. Бу суратлар ҳозиргача устахонаси тўрида қатор осиглиқ турибди.

Баҳром шуларни хаёлидан ўтказаркан, дафъатан миясига келган ўйдан сергак тортди. Шошма, ҳар сафар қишлоғига нисбатан кўнглида туйқусдан тугиладиган соғинч ҳисси ўша суратлар туфайли эмасмикан? У соқий узатган пиёлани қўлига оларкан, манглайи тиришганча, ўйга чўмади: суратларга сал зиёдроқ тикилиб қолган кезларида юрагида англарсиз туйгулар кўзголиб, сўнг у давомли соғинч ҳиссига айланиб кетишини секин-аста идрок этаркан, натижада, шуни англаб етдики, бу ҳиссий жараён пайтида бутун фикр-ёди волидаси томон оққангандек эса-да, аслида кўз ўнгида Ёмонқир фонида мўъжазгина кўриниш касб этган она қишлоғидан ўзгаси гавдаланмас ва бунинг акси ўлароқ, манову қадрдон жўралари ҳатто унинг эсига ҳам келмасди. Ёмонқирнинг чўнг салобати қаршисида қишлоғи ушоққина, ҳамқишлоқлари эса мисли заррадек, кўзга илганмасди.

Кутилмаган бу ҳиссий эътирофдан Баҳром ҳаяжонга тушади, ўта муҳим бир сирнинг тагига етгандай, ўтирган ерида у ён-бу ён бетоқат тебранади. Қани энди, шу тобда адоқсиз фикрлар уммонига чўмсанг, рангин туйгулар сеҳрига маҳлиё бўлганча, шавққа тўлиб, кимгадир юрагингни тўксанг!

Аммо кимга?

Умрида илк бор жўралари рафторига малолланиб боқди. Миясидан, йўқ, буни англашга қодир эмас улар, деган оғриқли ўй ўтди. Чунончи, дастлабки икки қадаҳданоқ баданлари қизиб, бир-бирига гап бермай, бор овозда вагиллашни хуш кўрадиган дўстларига, жўра сифатида, унинг ўзи азиз, шавқли туйгулари ва тугёнлари эса, худди ижоди каби тушунарсиз, демак, бефойда. Ахир кўнгли

учунгина, йўлига, қачон бизнинг расмимизни чизасан, дўст, дейишдан нарига ўтмайдиган бу шўрликлардан яна ниманиям кутиш мумкин.

Кейинги пайтда дам-бадам калласида айланиб қоладиган бу каби нохуш ўйларга ортиқ изн бермаслик важдан у теваракка алаҳсиди ва шуида кўзи сўрининг кунчиқиш тарафида бўйланиб турган ёлғиз гулхайри бандида ўрмалаб бораётган бир жуфт хонқизига тушди. Қизиқсиниб кузата бошлади. Ана, олдинда илгарилаб бораётган жонзотлардан бири ўртадаги шалалоқдай япроққа етганда, тўхтади-да, аввалига япроқ сиртида обдон тараддуланди, сўнг қора холли қизғиш қанотларини икки ёнга керганча учишга ҳозирланди. Бироқ парвозни эплаёлмади, қуйига шўнгиди, кетди. Иккинчи хонқизи эса хийла қатъятли экан, ўрмалашда давом этиб, тепадаги гул бандигача етиб борди. Баҳром бу ҳолатга ўзича маъно берган киши бўлди.

-Гўзалликка, э, йўқ, юксакликка интилаяпти у! - деди ўзи сезмаган ҳолда, беихтиёр тарзда.

Сўнг туйгуга эрк берганидан ўнғайсизланиб, давра аҳлига хижолатомуз кўз ташлади. Ҳайтовур, жўралари баҳсга овора бўлиб, унга ҳеч ким эътибор бермади. Шунга кўра, бу сафар йигитларга жиддий ва синчков боқди. Шавкат новча ҳафтадирки устара юзини кўрмаган иягини олдинга чўзганча, ўзича ниманидир исбот қилмоқчи бўлар, сумбат жиҳатдан унинг гирт акси бўлган Боир пакана деганлари, оғзидан тупук сачратиб, тинмай уни инкор этар, қолганлар эса узуқ-юлуқ гап-сўзлар билан баҳсга пишанг берар ва орада-орада қадаҳ уриштириб ҳам қўйишарди.

Уларнинг вагир-вуғуридан толиққан Баҳромда ўша таниш бир истак - ариқчадаги сувнинг шўхчан шилдираши-ю дарахтдаги қушлар овозини, аниқроғи, тинчлик ва сокинлик шовурини тинглаш хоҳиши хуруж қила бошлади. Бироқ, жўраларининг шовқули гурунги бунга монелик қилавергач, у тагин гулхайри томон юзланди. "Юксаклик"ка интилаётган хонқизи энди катта гул япроғида гимирлаб юрар, ярим очилган ёндаги гул эса кенг оқиш қанотлари қора доғлар билан зийнатланган йирик капалак томонидан банд этилган ва боя парвозни эплаёлмай қуйига шўнгиган "ношуд" хонқизи эса тагин юқорига интилмоқда эди.

Баҳром тўсатдан бир қалқиб тушди. Йўқ, у "ношуд" хонқизининг тиришқоқлигидан эмас, аввалига сезмай, сўнг туйқусдан иллаган антиқа бир манзарадан қалқиди. Унинг бу қадар энтикишига сабаб бўлган мўъжазгина манзара шундоққина гулхайри ортида яшнаб турарди. У мусаввирларга хос ҳассослик билан манзара асосини ташкил этган "детал"ларга - ариқ бўйидаги якка қирмизи атиргулга, худди унинг ёлғиз қолишини истамагандек, уни тевараклаб ўсган бўлиқ отқулоқларга, улар ортидан шўхчан мўралаб турган сиёҳранг митти чечакларга, гўё аразлагандай, ариқдаги сувга бош эгиб турган оқиштоб, қуйи қисми эса қорамтир тусдаги жажжи гуллар шодасига ва бошқа турдаги ёввойи ўт-ўланларга ҳамда улар бошида парвона бўлаётган ари ва капалакларга бирма-бир боқаркан, уларда қудратли ҳаёт нафасини, ёввойи табиат тароватини теран ҳис этди. Сал наридаги кенг ва саранжом-сариншта полиздан айро тушган, қуёш нуридан ранго-ранг тусда товланаётган кафтдек ердаги бу манзара зумда унинг ақл-ҳушини ўғирлаб қўйди. Бунда нур ва соя бўртиб, ажиб

бир тусда балқирди, яшарди ва яшнарди. У зумга кўзларини юмиб, енгил хўрсинганча, қайта очаркан яна бир ажойиб ҳолатни идрок этди: бу томондан туриб қаралганда, капалак ва хонқизини "кафт"ларида тутиб, оҳиста эркалаётган гулхайри ушбу манзара марказида акс этиб, яхлитлик, бир бутунликни ташкил этарди.

Баҳром одатига хос яна тафаккур қилди: "Бунда вақт яшаяпти!" Аммо тилида бутунлай ўзга хитоб жаранглади:

- Ажойиб композиция!

Даврадагилар ялт этиб аввал унга, сўнг у жиддий тикилиб турган томонга қарашди. Табиий, ҳеч нарсани илғашмади.

- Бир нима дегандай бўлдингми, дўст? - деди Шавкат новча.

- Дўст фикр қилаяпти, - дея ҳиринглади Боир бақалоқ.

- И-и, нима, шаҳарда фикр қип чарчамадингми, жўра, маза қип, айшингни сўрсанг-чи, дўст, - Шавкат новча унинг елкасига дўстона қоқиб, соқийга, қуй, дея имо қилди. Сўнг афтига донолик тусини бериб деди: - Дунёга бир келамиз, икки эмас... - Бунга ҳам қаноат этмай, кўрсаткич бармоғини унинг тумшугига нуқида. - Бир... тушундингми?

Баҳром улфатчилик таомилига амал қилиб, ҳамма қатори ичди, газак қилди. Сўнг гурунга қулоқ тутди. Гап кимнингдир яқинда бўладиган тўйи ҳақида борарди. Тўй эгасининг қўли очиқлиги, сахийлиги, мардлиги таъриф-тавсиф этилиб, ҳалитдан танглайлари тақилаб, ҳузурланиб, этга тоза тўйиб, роса ароққа чўмилишларини башорат қилишарди. Шу орада дастурхонга қовурдоқ тортилиб, яна қадаҳларга "жон" киради. Баҳром, мезбон эмасми, қани, олинглар, дея бир бўлак этни оғзига соларкан, биродорларига зимдан кўз ташлайди, уларнинг бу қадар иштаҳаси зўрлигидан ажабланади. Ўзининг чимхўрлигидан гаши келгандай, лагандан қўл тортади ва тагин қошидаги манзарага боқади, назарида, лаззатли таомга қўшиб, қимматли вақтини чайнаб ютаётгандек, дилгир тортади, сўнг яна ўзича тафаккур қилади: "Вақт кетаяпти, вақт ёнаяпти, ёниб кул бўлаяпти у!" Агар шу созда ялпайиб ўтираверса, ҳадемай қуёш нури нари силжиб, манову мўъжаз манзарадан асар ҳам қолмайди, ўзга тус олади у.

Балки эртага худди шу вақтда?..

Йўқ, эртага айни шу пайтда бугунги тўкин зиёфат Шавкат новчаникида давом этади. Ана, бир эмас, иккита курка сўяман, хотинди нимаси кўп, куркаси кўп, керак бўлса, тўрттасини қозонга тиқаман, дея ҳалитдан оғиз кўпиртирмоқда. Аммо димланган курка этига оғзи тегишдан аввал у мақтанчоқ дўстининг камсуқум аёлига рўбарў бўлиши ва унинг дардини эшитишига тўтри келади. Аёл доимгидек кейинги пайтда эрининг меҳнатга ҳеч ҳуши йўқлигидан нолийди, ҳамма иш мен ва болаларимга қолиб кетаяпти, дея шикоят қилади, журангизни шу-у биргина урушиб қўйинг ўзингиз, дея унга умид кўзларини тикади. У эртанги машмашани ўйлаб, кўз қирида Шавкат новчага разм солади. У сўзлана-сўзлана, берилиб суяк кемирмоқда эди.

Йўқ, у суякни эмас, гафлат оғушида вақтни кемирмоқда!

Шу ўй миясига чақмоқ янглиг урилиши ҳамон Баҳром илкис ўрнидан кўзголди. Илдам бориб, эшик ёндоридаги мольбертни олиб, изига қайтди. Ва жўраларининг лолу ҳайрон нигоҳлари остида уни сўри ёнига ўрнатди. Сўнг унга мато тортилган рамкани маҳкамлади.

- Нима қилаяпсан? - деди охири сабри чидамай Шавкат новча.
- Ортиқча изоҳ беришни истамаган Баҳромнинг оғзига келгани шу бўлди:

- Суратларингни чизмоқчиман, эсдаликка,

У шундай дейиши биланоқ йигитлар, худди фотоаппарат қаршисида тургандай, дарров сергак тортишди, сўнг, беихтиёр, тараддудга тушиб қолишди: бири ёқасини тўтрилаган, кимдир лаб-лунжини обдон артган- суртган, бошқа бири дўшписини қоқиб-суқиб, қайта бошига қўндирган, баҳузур ёнбошлаб ётганлар ошиғич қаддини тиклаган, Боир бақалоққа ўхшаганлар эса эгнидаги ранги униққан кўйлагига, киши билмас, норози боққан ва ичида аёлини буралаб сўккан, мольбертга тескари ўтириб қолганлар, нари силжиб, унга юзланган. Хуллас, шаҳарлик мусаввир жўраларининг кутилмаган бу хатти-ҳаракати уларни шошириб қўйган эса-да, бироқ бу ишга ҳамма ҳам хайрихоҳ деб бўлмасди.

- Тасаввур қилинглarki, мен йўқман, - деди Баҳром, даврани совутаяпсан, деган маънода ўзига норози боқиб турган Шавкат новчага эътибор бермасликка уриниб, - яъни мени йўқ санаб, бемалол гурунгда давом этаверинглар. Чунки бу... зумда битадиган иш эмас, вақт ва сабр даркор. Агар менга имкон берсаларинг, маълум муддатга мени унутсаларинг, хайрлашув зиёфати, мана, мендан!

- Ия, қанақасига сени унутайлик! - деди Шавкат новча ошкора гижиниб. - Ахир манову дастмоянгни нақ тумшукқа тираб қўйибсан-ку, яна қанақасига сени унутайлик. Яхшиси, йигиштир бу ишингни! Эмасам, биз кетамиз!

Баҳромнинг бахтига даврада суратини чиздириш истагида бўлганлар кўпчилик экан, тезда жўрабошининг попугини пасайтириб қўйишди, ёқмаса, кўзингни юмиб ўтир, дейишди, иззатингни билиб, теккина ўтир, дейишди, агар кетгинг келаётган бўлса, ҳеч ким сени тутиб тургани йўқ, ана, катта кўча, дейишди.

- Хай, мана, биз оғизга кишан урдик, - нафаси ичига тушган Шавкат новча кўкрак чўнтагидан уринган қарта дастани чиқариб, ўртага ташларкан, барибир, жўрабоши сифатида, оддан тушсада, эгардан тушгиси келмай, Баҳромга юзланиб деди: - Балки эртанга қолдирарсан шу ишингни, а, жўражон?

- Йўқ, бу бутуннинг иши! - деди Баҳром бу сафар жиддий. - Чунки вақт ёнаяпти!

- Ҳа, кун ёнаяпти, - деди Боир бақалоқ елпинган киши бўлиб.

- Ҳа энди, ёзди куни шу-да, - деди кимдир бепарво.

- Қани, шунинг учун яна юзтадан олайлик, - деди бошқа бири.

- Унда мениям яхшилаб чиз! - деди охири муросага келмоқдан ўзга чораси қолмаган Шавкат новча.

- Мениям, - деди Боир бақалоқ, ўзи билмаган ҳолда қайта ёқасини тўтрилаб.

- Ҳаммангни чизаман, фақат менга фурсат беринглар, - дея ёзгирди Баҳром ишга тутиниб. - Аммо олдин...

Бир муддатдан сўнг емак-ичмоқдан нафси қонган жўралар, чинданда Баҳромни унутиб, қарта ўйинига муккасидан кетишди. Қарта ўтиришнинг зўр бир эрмаги, агар қўйиб берса, тонггача ундан бош кўтаришмайди.

Айни шу ҳолат Баҳромга жуда қўл келди. У ўз устахонасида ёлғиздек ёхуда

кимсасиз кенгликда танҳодек, фавқулудда илҳом ва шиддат билан ишлай бошлади. Қўлидаги мўйқалам худди сеҳрлангандай, унинг амри ва шуурига итоат этар, хаёлини ўғирлаб, уни қаттиқ ҳаяжонга солган мўъжаз манзара полотно юзига жуда енгил кўчар ва бунга сари йигитнинг илҳоми ва ғайрати жўшганидан-жўшиб борарди.

У суратни ўзи кутгандан кўра вақтлироқ тутатиб, роҳатланиб, енгил нафас олди-да, кўпда ҳаялламай яна ишга тутинди. Бу сафар мольбертга мато тортилган каттароқ рамкани маҳкамлаб, қўлига мўйқалам ўрнига, қалам олди. Бир ондан сўнг қалам сирғалиб, махсус ишлав бериб оқартирилган мато юзида, дастлаб, Шавкат новчанинг иркит юзи, гижим ёқаси, ўртадаги қарта устига камондек эгилган ориқ жуссаси акс этиб, салдан сўнг уни қаватида Боир бақалоқнинг яқовлиги ва қатъятсизлиги аниқ сезилиб турган этдор афти жонланиб, бир оздан кейин тиззалари устига тўкилиб турган катта қорни намоён бўлди. Қисқаси, сўридаги жўралар қай алфозда ўтирган бўлса, худди шу ҳолатда бирин-сирин оппоқ мато юзига кўча бошлади. Баҳромнинг нигоҳидан тўкин дастурхондаги, унинг таъбири билан айтганда, майда-чуйда "детал"лар ҳам четда қолмади, бари маълум бир маънода суратга муҳрланди.

Аммо орқа фонда, яъни кенглик адогида ястаниб турган Ёмонқирнинг тасвирига келганда, аввалига унинг эласгина шаклини бермоқчи бўлди. Сўнг бу фикридан воз кечиб, нелиги ноаён бўлган бўшлиқни тасвирлашга жазм қилди. Унинг режаси бўйича, суратда жўралари келбати ушбу маъносиз бўшлиқда маънисиз қўланкалар сифатида гавдаланиб, бўшлиқнинг туб қаъридан кўкка интилаётган уюрма - ғайритабиий бир ўкирик тимсоли акс этмоғи лозим эди.

Бу - беҳуда куйиб кул бўлаётган вақт фарёди эди.

Оқшом олди суратни тевараклаган жўралар унда ўз аксиларини кўриб, ўзларича шодланишди. Мени, йўқ, сени эмас, мени ўхшатиб чизибди, дея ёш болалардай бир майдон тортишишди, кейин эса Шавкат новчанинг ориқ жағи, Боир бақалоқнинг катта қорни устидан обдон кулишди ва Баҳромни тонг қолдириб, сурат қатига сингдирилган асосий маънони бирортаси илғамади ва илғашга ҳам уринишмади.

Сўнг бир четга авайлабгина суяб қўйилган манзарага уларнинг берган баҳоси шу бўлди.

- Ия, манову расмга ўхшатиб, нега бизни бўёқда чизмадинг?
- Йў-ўқ, қаламда чизганинг бизга ўтмайди.
- Ҳа, эртан бизни бўёқда чизмасанг бўлмайди...

Эртаси ҳамма йигилса-да, Баҳромдан дарак бўлавермагач, Шавкат новчанинг ўзи дарвоза қоқиб келди. Ва унинг тонг саҳарда сирли равишда гойиб бўлганини эшитиб, лол туриб қолди. Сўнг совуқдан-совуқ бу хабарни тезроқ етказиш ўйида жўралари ҳузурига ошиқди.

Бу вақтда елкасига мольберт осган Баҳром оёқ остидаги тошларга сирғала-сирғала Ёмонқир бағрига энмоқда эди.



# КРЕЙЦЕР СОНАТАСИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

14

-Ана шундай ярамас тўнғиздек яшадим мен, - аввалги оҳангда давом этди у. - Ҳаммасидан ёмони шу эдики, мен шунақа манфур тарзда яшаб туриб, ўзимни оқлар, бошқа аёлларни қийнамаётганимдан таскин олар, ҳалол оилавий муҳитда яшаяпман, деб овунар, ўзимни поқдомон одам деб ҳисоблар, шулардан келиб чиқиб, ўзимни фаришта санар, агар бизнинг ўртамизда жанжаллар рўй бераётган бўлса, айбни унга ағдарар, айбни унинг феъл-атвориға тўнқардим.

Айбдор эса, илсоф билан айтганда, у эмасди. У ҳамма, кўпчилик қавм қандай бўлса, шундай эди. У бизнинг жамиятимизда аёлларнинг мавқеи қандай бўлса, шундан келиб чиқиб, ўзига тўқ оилалар қизларини айнан қандай тарбияласа ва шундан ўзгачароқ тарбиялай олмаса, шундай даражада тарбияланганди. Аёлларға хос қандайдир янги маърифат ҳақида гаплар хаёлға келади. Буларнинг ҳаммаси чўпчак: хотинларнинг маърифати орзу қилинган ўзга жамиятга эмас, балки аёлларға нисбатан ҳозир амалда бўлган ҳақиқий умумжамият қарашларига мос.

Яна аёлларнинг ўқимишлилик даражаси доимо уларға эркакларнинг муносабатига боғлиқ бўлади. Сир эмас, биз ҳаммамиз биламиз, эркаклар аёлға қандай қарайди: "Wein, Weiber und Gesand" (Шароб, аёл ва қўшиқ - немисча) ва шоирлар ҳам шеърларида шуни васф этадилар. Жами шеърятни, ранг-тасвирни, ҳайкалтарошликни олиб кўринг, ишқий ўланлардан тортиб яланғоч Венера ва Фрин\* (эротика тимсоллари) ларгача аёл лаззат қуроли сифатида талқин қилинганини кўрасиз; унга муносабат Труба, Грачевка (исловатхоналар жойлашган кўчалар)да, сарой базмларида шундай. Шайтоннинг айёрлигига эътибор беринг: лаззат, ҳузур қилишни шундай тушуниш керакки, қачонки, аёл ширин луқма бўлгандагина ҳузур қилинади. Йўқ, дастлаб рицарлар аёлларни худо даражасида кўришларига ишонтирдилар (худо ўрнида, барибир уларға ҳузурланиш манбаи сифатида қарадилар). Энди эса аёлларни ҳурмат қилишларига ишонтирмоқдалар. Бири унга жой бўшатади, рўмолларини кўтариб қўяди; бошқалари унинг барча раҳбарлик ўринларини эгаллашга, бошқарувда иштирок этишда ҳуқуқи борлигини ва бошқаларини тан олади. Ҳаммалари шундай йўл тутишади, бироқ унга муносабат ўша-ўша. У лаззат қуроли. Унинг бадани лаззатланиш воситаси. Бунини ўзи ҳам билади. Фақат қуларча қабул қилади.

Қуллик - бир кишининг мажбурий меҳнатидан кўпчиликнинг баҳра олишидан бошқа нарса эмас. Қуллик йўқ бўлиши одамлар тобеларнинг меҳнатидан фойдаланишни истамаслари, буни гўёки уят, деб ҳисоблашлари лозим. Устига-устак, қулликнинг ташқи кўринишини бекор қилишга уринадилар, савдогарларга энди қуллардан фойдаланмасликни жорий этадилар, шу билан ўзларини қуллик йўқолганига ишонтирадилар, бироқ қуллик давом этаётганини кўрмайдилар, кўришни хоҳламайдилар ҳам, негаки, одамлар ҳам худди шунингдек бошқаларнинг меҳнатидан фойдаланишни яхши ва адолатли деб биладилар. Бу юмушнинг яхшилигига шунинг учун ҳам ишонадиларки, ҳар доим бу вазифани ўринлата оладиган айёр ва кучли одамлар топилади. Аёллар эмансипацияси масаласида ҳам худди шундай ҳолат. Аёллар қуллиги шунинг учун керакки, одамлар улардан лаззат қуроли сифатида жуда яхши фойдаланишни хоҳлайдилар ва шундай ҳисоблайдилар. Майли, аёлларни озод қиладилар, уларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берадилар, аммо унга яна лаззат қуроли сифатида қарашда давом этадилар, уни болагиданоқ худди шу руҳда тарбиялайдилар, жамоатчилик фикрини шакллантирадилар. Шундай қилиб у яна хўрланган, йўлдан озган чўри, эркак эса доимгидек йўлдан озган қулдор.

Аёлни курслардан, маҳкамалардан озод қилишади, бироқ унга барибир лаззат манбаи сифатида қарашади. Бизда, амалда бўлганидек, ўзига қарор топган мезонлар билан қарашни ўргатишади ва тубан махлуқ бўлиб қолаверади. Ёки улар туғиб қўйишдан қўрқитилган ярамас дўхтирлар таъсирида фақат ҳайвондангина эмас, ҳамма нарсадан ҳам қуйи турувчи соф фоҳишаларга ёки кўп ҳолатларда учраётганидек, маънавий юксалишдан маҳрум бўлган руҳий касал, тутқаноқ, бахтсиз тасқарага айланади.

Гимназия ва бошқа курслар буни ўзгартиролмайди. Буни фақат эркакларнинг аёлларга қарашни ёки аёлларнинг ўзига қарашни ўзгартира олади. Бу ҳол қачонки қиз ўзининг бокиралигини, бокиралик ҳолатини юксак ҳисобласа, ҳозир қарор топганидек эмас, балки одамнинг бойлигини уят ва шармандалик деб билса, ўшанда ўзгаради. Бундай ҳол - ҳар қандай қизнинг юксак орзуси ҳар куни тўшагини алмаштирадиган бузуқ эркаклар эмас, маърифат бўлмас экан, ўзгармай қолаверади.

Бирининг математикани кўпроқ билиши, бошқасининг арфани яхши чалиши - буларнинг биронтаси вазиятни ўзгартира олмайди. Аёл қачон бахтли ва ўзи хоҳлаган нарсага эриша олади, қачонки, у ўзига эркакни мафтун қила олса. Шундай экан, аёлнинг асосий вазифаси - эркакни мафтун қилишни ўрганишдир. Шундай бўлган, шундай бўлиб қолади. Бу ҳол бизнинг дунёмизда қизлик ҳаётида ҳам, турмушга чиққанидан кейин ҳам шундай давом этади. Қизлик даврида бу танлаганига эришиш учун асқатса, турмушга чиққач эса эркакнинг бурнидан ип ўтказиб олишга керак бўлади.

Бу ҳолни тўхтатиб ёки қисиб қўядиган ҳолат, бу - болалар. Қолаверса, она ўзини соғлом ҳисоблаб, ўзи эмиза бошласа, тагин муаммолар туғилади. Яна-тагин дўхтирларга иш тушади.

Хотиним ҳам кетма-кет беш фарзандни ўзи эмизишга аҳд қилди ва буни эплади ҳам, фақат биринчи бола туғилганда бошқачароқ кечди. Дўхтирлар аёлимни уятсизларча ечинтириб ва ҳамма жойини пайпаслаб, ажабки, мен

уларнинг бу хизматига миннатдорчилик билдиришим ва етарлича пул тўлашим ҳам керак эди, бу жонажон дўхтирлар топишдики, аёлим болани эмизиши, ҳолбуки, бу унинг таннозланишига чек қўядиган ягона восита эди, мумкин эмас деб топишди. Болани энага эмизди, яъни биз аёлнинг қашшоқлиги, муҳтожлиги ва жоҳиллигидан фойдаландик, энаганинг меҳрини чақалогидан ўзимизнинг гўдагимизга оғдирдик, эвазига энаганинг ўзига хос заррин жиякли бош қийимини гўдагимизнинг бошига қўндирдик. Аммо гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, аёлимнинг ҳомиладорликдан ва изидан болани эмизишдан қутулиши билан унинг вужудида мудраб ётган сатанглик ўзгача куч билан бош кўтарди. Менда эса шу ҳолат билан бақамти худди шундай куч билан эр-хотинлик ҳаётимнинг бошдан-охиригача эзаётган, айнан мендек, хотини билан ахлоқий меъёрларсиз яшаб келган эркакларда учрайдиган рашк уйғонди ва унинг азоби қийнай бошлади.

## 15

-Мен эр-хотинлик ҳаётимнинг бир лаҳзасини-да рашк азобини ҳис қилмасдан ўтказганим йўқ. Шундай вақтлар бўлдики, мен бу ҳолатдан жуда қаттиқ изтироб чеқдим. Шундай ҳолатлардан бири дўхтирлар биринчи боладан кейин эмизишни тақиқлаб қўйганида бўлганди. Бу даврда рашк қилишимнинг асосий сабабларидан, биринчидан, шунинг учунки, аёлим оналарга хос безовталиқни бошдан кечирар эдики, бу одатдаги ҳаёт тарзининг сабабсиз бузилишига олиб келарди; иккинчидан, унинг оналикнинг маънавий мажбуриятини осонгина орқага ташлаганини кўриб, мен ҳақи равишда, гарчи беихтиёр бўлса-да, шундай хулосага келдимки, у эр-хотинлик муносабатларидан ҳам шундай осон воз кеча олади, боз устига, у бутунлай соғлом эди ва қадрли дўхтирларнинг тақиқлашига қарамай, қолган болаларини ўзи эмизди, ҳатто тўйдириб эмизди.

-Ҳойнаҳой, сиз дўхтирларни яхши кўрмайсиз, - дедим мен ҳар сафар уларни эслаганда овозида акс этиб турган даргазаб оҳангга ургу бериб.

-Бу ерда гап яхши-ёмон кўришда эмас. Улар минглаб, ўн минглаб одамлар каби менинг ҳаётимни барбод қилдиларки, бу кўргуликнинг оқибати билан бир сабабини улай олмаяпман. Мен тушунаман, улар ҳам адвокатлар, бошқалар каби пул топишни хоҳлайдилар, мен уларга қийналмай даромадимнинг тенг ярмини берардим, агар ҳамма улар нима қилаётганини тушуниб етса, улар сизнинг оилавий ҳаётингизга аралашмаслиги, бутунлай яқин келмаслиги учун уларга топганимнинг ярмини багишлашга тайёр эдим. Мен қандайдир маълумотлар тўплаш билан шугулланмаганман, уларнинг ёвузликларидан дарак берувчи ўнлаб ҳодисаларни биламан, гоҳида онанинг туголмаслигини важ қилиб, курсогидаги ҳомилани ўлдирганларини, она кейинчалик қийналмай фарзанд кўра олганини, гоҳида турли операциялар боис аёлларнинг бевақт дунёни тарк этишига олиб келганларини эшитганман. Бундай қотилликлар худди инквизация (католик черковининг асоратига қариши кишиларни тақиб ва суд қилиш учун XIII-XIX асрларда таъсис этилган суд-полиция ташкилоти) давридаги қотилликлар каби жиноят ҳисобланмайди, сабаби булар инсоният фаровонлиги йўлида қилиняпти, деб улуғланади. Улар томонидан амалга оширилган қотилликларни санаб адо қилиб бўлмайди. Аммо бу жиноятларнинг ҳаммаси материализмнинг

айнан аёллар орқали дунёга таратаётган ахлоқий бузуқилиги олдида ҳеч нарса эмас. Қўйинг-чи, агар уларнинг кўрсатмаси бўйича иш қилинса, ҳамма жойдаги ва ҳаммадаги мараз туфайли одамлар бирлашиш сари эмас, ажралишга боришлари лозим: ҳамма, уларнинг таълимоти бўйича, алоҳида ўтириши ва оғзига пуркагичдан карбол кислотаси (дезинфекция учун ишлатиладиган ўткир ҳидли ичимлик)ни қабул қилмаслиги керак (маълум бўладики, очиб кўрсалар, кислота ҳеч вақога ярамайди). Лекин бу ҳам ҳеч нарса эмас. Асосийси - заҳар одамларни, айниқса, аёлларни бузишга мўлжалланган.

Шундан кейин "Сен аҳмоқона яшаяпсан, яхшироқ яша", деб айтиб бўлмайди, на ўзингга, на бошқаларга айтиб бўлмайди. Агар аҳмоқона яшаётган бўлсанг, сабаби руҳий озуканинг ёмонлигидан ва бошқалар. Шундай пайтда нажот уларнинг олдига чопиб борасиз ва улар эса сизга аптекадан олишга ўттиз беш тийинлик дори ёзиб беришади ва сиз ичасиз. Сиз баттар бўласиз, шунда яна дори, яна дўхтир. Ажойиб ўйин!

Гап бу ҳақда ҳам эмас. Ҳозиргина айтганимдек, аёлим болаларни ўзи кўнгилдагидек эмизди ва болалар билан овора бўлгани, ўзи боққани мени рашк азобидан қутқазди. Агар шу бўлмаганда, ҳаммаси олдинроқ рўй берарди. Болалар мени ва уни қутқазди. Саккиз йил давомида у беш фарзандга оналик қилди. Ва ҳаммасини ўзи эмизди.

- Улар, сизнинг болаларингиз ҳозир қаерда? - деб сўрадим мен.

- Болалар? - чўчиб қайта сўради у.

- Мени маъзур тутасиз, балки эслаш сизга ноқулайдир?

- Йўқ, ҳечқиси йўқ. Болаларимни қайнсинглим ва хотинимнинг акаси олиб кетишган. Уларни менга беришмади. Мен уларга боримни бердим, улар эса болаларимни менга беришмади. Мен гўё ақлдан озганман. Ҳозир ўшаларнинг ҳузуридан келаяпман. Мен уларни кўрдим, холос, уларни менга беришмайди. Уларни шундай тарбиялар эдимки, ота-оналарига асло ўхшамаган бўлишарди. Айнан ўхшамаган бўлишарди. Ҳа, нима қиласан! Тушунарли, уларни менга беришмайди, негаки, ишонишмайди. Билмадим, уларни тарбиялашга куч топа олармидим. Менимча - йўқ. Мен - вайронаман, мажруҳман. Менда фақат бир нарса бор. Мен ўзим биламан. Ҳа, бу аниқ, мен нимани билишимни эса одамлар яқин орада билолмайди.

Ҳа, болалар ҳаёт ва атрофларидаги каби ёввойи бўлиб вояга етадилар. Мен уларни кўрдим, уч марта кўрдим. Мен улар учун ҳеч нарса қилиб беролмайман. Ҳеч нарса. Энди жанубга, маконимга кетяпман. У ёқда менинг уйим ва богчам бор.

Ҳа, мен биладиган нарсани одамлар ҳали-вери билишмайди. Куёшда, юлдузларда темир, бошқа металллар кўпми - буни яқинда билиш мумкин; бироқ бизнинг разиллигимизни фош қилиш қийин, ўта даражада қийин.

Сиз мени тинглаяпсиз, ҳеч қурса шунинг учун ҳам сиздан миннатдорман.

- Мана, сиз менга болаларимни эслатиб қўйдингиз. Ҳозиргача болалар ҳақида қандай уйдирмалар мавжуд. Болалар - Раббимнинг инояти, болалар - шодлик. Буларнинг ҳаммаси бориб турган ёлгон. Бир пайтлар шундай бўлгандир, бироқ ҳозир бундай эмас. Болалар - азоб, бундан бошқа нарса эмас. Кўплаб оналар

бевосита шундай ҳис қиладилар ва гоҳида беихтиёр шундай гапириб юборадилар. Бизнинг атрофимиздаги ўзига тўқ оилалардаги оналардан сўранг, улар сизга болалари касалланиши, нобуд бўлишидан қўрқишларини айтишади, улар фарзандли бўлишни хоҳлашмайди, боқишни хоҳлашмайди, туғиб қўйган бўлсалар, меҳр қўймаслик, азоб чекмасликка интиладилар. Уларга ҳузур бағишлайдиган гўдакнинг муносилиги, қўлчалари, оёқчалари, момиқ вужуди – ҳаммаси касаллик ёки гўдакдан ажралиб қолишдангина эмас, касаллик ёки ўлим эҳтимолидан келиб чиқадиган ваҳимадан ҳам кучсиз. Қулай ва ноқулай жиҳатларини тарозига қўйиб, шундай хулосага келинадики, ноқулай томонлар кўп, шунинг учун фарзандли бўлиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу фикрни улар болаларга бўлган чуқур муҳаббатларидан пайдо бўлган матлаб ҳамда мақтовга лойиқ туйғу сифатида тортинмай ва чўчимай маълум қиладилар. Улар бу хулосалари билан меҳр-муҳаббатини тўғридан-тўғри рад этаётганларини, фақат ўз худбинликларини тасдиқлаётганларини сезмайдилар. Улар учун гўдакнинг ёқимтоғлигидан ҳузурланиш ундан пайдо бўладиган қўрқувдан кўра азобли, шунинг учун уларга севимли бўлиб қоладиган гўдак, умуман, гўдак керак эмас. Улар ўзларини севимли қадриятга қурбон қилмайдилар, балки ўзларига севимли бўлишга лойиқ қадриятни қурбон қиладилар.

Аниқки, бу севги эмас, худбинлик. Аммо тўқ оилалардаги оналарни улар бизнинг шоҳона ҳаётимиздаги ўша дўхтирлар туфайли болаларининг соғлигидан ошиғич азоб чекаётганларини ўйлаганингда – бунда ўша худбинлик – қўлини кўтармайди, ёзгириб бўлмайди. Ҳатто ҳозир дастлабки пайтларда аёлимнинг ҳаёти, қачонки болалар уч-тўрт нафар бўлганда, улар билан бутунлай ўралашиб қолган пайтларини эсласам, даҳшатли манзара юзага келади. Ҳаётимиз ўзимизга татимаган эди. Бу қандайдир бартараф этиб бўлмайдиган хавф, ундан қутулишга интилиш, яна бир хавф ва яна таранг кайфият ва яна қутулиш – худди ҳалокатга юз тутган кемадагига ўхшаш вазият. Баъзан булар болалар билан бошдан-охир ўралашиб, ийиги чиқиб кетган хотиним томонидан мени бутунлай мағлуб қилиб олиш учун ўйлаб топилган ҳийлалардек туюларди. Бу барча масалаларни унинг фойдасига ҳал қилинишига олиб келган илгак эди. Гоҳида бундай вазиятларда у нима қилган ёки гапирган бўлса, жўрттага қилган ва айтгандек туюларди. Бу унинг учун ҳам, мен учун ҳам азоб эди. Бундан унинг ўзи ҳам қийналмаслиги мумкин эмас эди. Болаларга сорсиниши, махлуқлардек эмизиши, эркалаши, ҳимоя қилиши – худди кўплаб хотинларда бўлганидек эди, аммо ҳайвонлар феълида бўлмаган тасаввур ва идрок йўқ эди. Товуқ жўжалари билан нима рўй беришидан қўрқмайди, уларни нобуд қилиши мумкин бўлган касалликларни, одамлар томонидан ўйлаб топилган, касаллик ва ўлимдан сақлаб қолувчи дорилар борлигини билмайди. Шунинг учун товуққа болалари азоб эмас. У жўжалари учун ўзига ёқимли ва қувончли амалларни адо этади; болалари унинг учун қувонч. Қачонки жўжаси оғриб қолса, унинг қиладиган ишлари жуда аниқ: қаноти остига олиб иситади, оғзига ош туттади. Шу амалларни бажарар экан, шундай қилиш зарурат эканини билади. Жўжанинг нафаси узилса, у ўзидан нега ўлди, кейин қаерга кетди, деб сўрамайди, бир ҳурпайиб қўяди, кейин тўхтайдиган ва олдингидек яшайверади. Афсуски, бизнинг бахтсиз аёлларимиз, жумладан, менинг хотиним учун бундай эмас. Касалликлар, уларни қандай даволашни айтмай қўя қолай, қандай тарбиялаш, ўстириш юзасидан у ҳар томондан бутунлай

турли-туман ва ўзгариб турувчи туганмас қоидаларни ўқиди ва эшитди. Мана бундай овқатлантириш керак, йўқ, мана бундай; йўқ, ундоқмас, бундоқ, э, мана мундоқ; кийинтириш, сув ичириш, чўмилтириш, уйқуга ётқизиш, сайрга олиб чиқиш – буларнинг ҳаммасига биз, айниқса у, ҳар ҳафта янги қоидаларни жорий этардик. Худди кечагина бола тугаётгандек. Барибир ўшандоқ боқсак ҳам, чўмилтирсак ҳам, гўдак касалланар, бунга эса у айбдор, юмушларни айтилганидек бажармаган.

Бола соғлом бўлса, байрам. Барибир ўша азоб. Агар оғриб қолса, ҳаммаси тамом. Худди дўзахнинг ўзи. Тавсия қилинадик, касалликни даволаса бўлади, шундай фан ҳам бор, шундай одамлар ҳам – дўхтирлар, улар билади. Ҳаммаси эмас, энг яхшилари билади. Мана, гўдак касал, ўша энг яхшисига учраш лозим, у даволайди, шунда бола соғайиб кетади; мабодо шунақасига дуч келмасанг ёки шундай дўхтир яшайдиган жойда турмасанг, бола нобуд бўлади. Бу бир аёлнигинга мутлақ эътиқоди эмас, балки унинг атрофидагилар шундай ишончда: Екатерина Семёновнанинг икки фарзанди нобуд бўлди, негаки Иван Захарични вақтида чақирмаганлар, ахир Иван Захарич Марья Ивановнанинг катта қизини сақлаб қолган эди; мана Петровлар дўхтирнинг маслаҳати билан меҳмонхоналарга тарқаб кетдилар ва омон қолдилар, тарқалмаганларида болалари нобуд бўларди. Анавининг чақалоғи касалманд эди, дўхтирнинг айтганини қилиб жойларини ўзгартирдилар, жанубга кетдилар – боласини сақлаб қолишди. Агар она қўшоқланган молдек боғланиб қолган болаларининг ҳаёти, у ҳаммасини олдиндан билганидек доимо тўғри чиқадиган Иван Захаричга бир умр боғлиқлигини сезгач, бундан қийналмай ва ҳаяжонланмай бўладими? Иван Захарич нима дейишини ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам билмайди, негаки, у ҳеч нарсани билмаслигини ва тариқча ёрдам беролмаслигини жуда яхши билади, у эса ниманидир билишига ишонччи йўқотмаслик учун нишонни таваккалга пойлайди. Агар хотиним ҳайвон бўлганда, бунчалик қийналмасди; агар у чинакам инсон бўлганда, унинг Яратганга эътиқоди бўларди, шунда у эътиқодли хотинлар сингари: "Ўзи бериб, Ўзи олди, Худодан қочиб қутулолмайсан" тарзида ўйлаган ва сўйлаган бўларди. У барча инсон қавми каби унинг болалари учун ҳам тириклик ва ўлим одамлар ихтиёридан ташқарида, ҳаммаси фақат Раббининг иродаси билан бўлишини ўйлаганда, болаларининг касаллиги ва ўлимининг олдини олишгагина қурби етишини, бироқ бу қўлидан келмаганини тушуниб, бунчалик қийналмаган бўларди. Унинг эса дийдиёси бундоқ эди: унга (мен туфайли) ушқоқдеккина, беҳисоб дарду балоларга мойил, энг нимжон рамақижонлар ато этилган. Ана шу рамақижонларга қўшоқланган молдек боғланиб қолган. Бундан ташқари, бу тирик жонлар унга топширилган, шу билан бирга уни қандай воситалар билан сақлаб қолиш сирлари бизга мавҳум, бироқ нима юмуш ёки маслаҳат лозим экан, ҳар доим ҳам топилавермайдиган катта пул эвазига бутунлай бегона одамлардан билиб олса бўлади.

Бутун умр болалар хотиним учун ҳам, шу сабабли мен учун ҳам қувонч бўлмади, азоб бўлди. Қандай қилиб қийналмаслик мумкин? У ҳам доим қийноқда эди. Шундай бўлардики, қандайдир рашк саҳналарида ёки хашаки жанжаллар асносида тинчланардик, шу лаҳзаларда тирикчилик, мутолаа, хаёл суриш ҳақида ўйлардик; бир нарсага энди овунганинда бирдан Васянинг қайт қилаётгани ёки Машанинг бурни қонагани ёки Андрюшада қичима пайдо бўлганининг хабари

келарди, бундай бўлгач, албатта, ҳаёт тўхтайди. Қайга бошингни урасан, қайси дўхтирнинг ортидан чопасан, қаерга бекинасан? Ҳуқна қилиш, ваража, дори ичириш ва дўхтирлар... бошланади. Буларнинг бири охирига етмай, кейингиси бошланиб туради. Росмана, қатъий оилавий ҳаёт бўлмаган. Бўлгани, мен сизга айтдим, хаёлга келадиган ёки чиндан рўй берадиган хавфдан халос бўлиш. Ҳолбуки, бундай ҳолат ҳозир кўплаб оилаларга хос. Менинг оиламда жуда кескин бўлган. Хотиним болажон ва соддадил аёл эди.

Шундай қилиб, болаларнинг пайдо бўлиши бизнинг ҳаётимизни безамади, балки заҳарлади. Бундан ташқари, болалар жанжалларимизга янги баҳона эди. Болалар туғилиши, вояга етиб бориши билан айнан болаларнинг ўзи жанжалларнинг сабабчиси ва айбдорига айлана бошладилар. Улар фақат жанжалларнинг воситаси эмас, қуролига ҳам айландилар; гўё биз бири-биримиз билан болалар воситасида олишар эдик. Ҳар биримизнинг ўз суюкли боламиз - жангда ишлатадиган қуролимиз бор эди. Мен кўпроқ тўнғичимиз Васяни танлардим, у эса Лизани. Бундан ташқари, болалар улғайиб, характери аниқ бўла бошлагач, бизнинг тарафимизда туриб уришганлар яқинлашиб кетдилар, ўзаро иттифоқ тузиб олдилар. Бечора болажонлар ўзлари ҳақида ўйлашга вақт қолдирмаётган бизнинг ўзаро доимий урушларимиздан безиб қолдилар. Қизалоқлар менинг тарафимда эди, ўзига ўхшаб кетадиган катта ўғил, хотинимнинг арзандаси менга нафрат билан қарарди.

## 17

-Ҳа-я, шундай яшадик. Муносабатлар баттарлашиб, баттарлашиб бораверди. Ниҳоят, шунга бориб етдики, ихтилоф душманликка эмас, душманлик ихтилофга олиб келди: у ҳали оғзини очмасдан, олдиндан фикрини рад этадиган бўлдим, у ҳам шундай эди.

Турмушимизнинг тўртинчи йили ўз-ўзидан икки томон ҳам бир-биримизни тушуниш, бир-биримиз билан келишиш мумкин эмаслигини англаб етдик. Биз энди гапни охиригача олиб боришдан, мураса излашдан тўхтадик. Энг оддий нарсалар, айнан болалар ҳақида ҳар биримиз ўз фикримизда ўзгармай қолдик. Энди ўйлаб қарасам, мен қаттиқ ушлаб олган ва ён беришни хоҳламаган масалалар унча муҳим эмас экан; аммо у ҳам қарши фикрда бўларди, ён бериш, унингча, таслим бўлиш эди. Бунга чидай олмасдим. У ҳам. У, назаримда, ҳар доим ўзини менинг олдимда ҳақ деб ҳисобларди, мен эса ўзимни қарийб авлиё деб билардим. Иккимиз ёлғиз қолганда суҳбатимиз сукунатга маҳкум этилганди ёки - ишонаман, ҳайвонларгина ўзаро шу тақлид муомала қилиши мумкин - бир-икки сўздан ортмасди: "Соат неччи? Ухлаш вақти бўлибди. Бугун тушлиқда нима? Қаерга борилади? Газетага нима ёзишибди? Дўхтир чақириш керак. Машининг томоғи оғрибди". Бирор нохушлик ёки жанжал чиқмаслиги учун вазият соч толасига осилиб тургандек эди. Кофе, дастурхон, аравача, винт (қарта ўйинининг бир тури) ўйини - ҳаммасидан ҳеч кимга керак бўлмаган ва ҳеч ким хоҳламаган тарзда асабларни қақшатадиган тўқнашув ва бешафқат қарғишлар келиб чиқарди. Менда, ҳар қандай шароитда, унга нисбатан даҳшатли нафрат қўзғаларди! Унинг чой қуйиши, оёгининг қимирлатиши ёки қошиқнинг оғзига олиб бориши, овқатни хўриллатиб ичишига баъзан кўзим тушиб қолса, буларни энг манфур қилиқлар сингари қабул қилиб, нафратим қўзғаларди. Газабланган пайтларим

бир вақтлар севги деб аталмиш даврда рўй берган ҳолатлар тескари равишда, тўғри ва тенг миқдорда намоён бўлаётганини у пайтда сезмас эдим. Севги даври - адоват даври; севгининг қизгин даври - адоватнинг узун даври, севгининг нисбатан сусайган даври - адоватнинг қисқа даври. Ушанда биз севги ва адоват (кек) ҳайвоний туйғу эканини, фақат ниҳояси ҳар хиллигини тушуниб етмаганмиз. Агар ўзимизнинг ҳолатимизни тушуниб етганимизда яшаш даҳшатли бўларди; аммо биз тушунмаганмиз ва чамалай олмаганмиз. Нажот ва ҳалокат шунда, одам боласи нотўғри яшаркан, ўзининг қашшоқлигини кўрмаслик учун уни муҳитни ғуборлаштиради. Биз ҳам шундай қилдик. Аёлим хўжаликнинг майда-чуйда ташвишлари билан овора бўлиб, ўзининг юмушлари, болаларни йўлга солиш, кийинтириш, ўқиши, саломатлиги билан овуниб, босимни юмшатишга ҳаракат қиларди. Менинг ўз жиннилим бор эди - хизмат, ов, қарта. Иккимиз ҳам доимо банд бўлардик. Иккимиз ҳам биз ўзимизча қанча банд бўлсак, бир-биримизга нафратимиз шунча ошиб боришини ҳам билардик. "Сенга юзингни буриштириш ёқади, - уйлардим у ҳақда, - тун бўйи актрисалик қилиб, менга азоб бердинг, менинг эса мажлисим бор". "Сенга яхши, - шундай деб нафақат ўйларди, гапирарди ҳам у, - мен эса гўдак билан тун бўйи ухламадим".

Биз ана шундай, қаерда турганимизни доимий туман ичида кўролмаб яшадик. Ана шулар рўй бермаганда, қариб қолгунимча шу ҳолда яшардим, яна ўйлайманки, жон бераётиб, бошқаларга ўхшаб аҳмоқона эмас, жуда яхши кун кўрганимни тан олган бўлардим; ўзим қулаб тушган ва типирчилаб ётган бахтсизлигим кўламини ва қабиҳ ёлгонларни тушунмаган бўлардим.

Биз бир занжирга боғланган ва бир умр бир-бирининг ҳаётини заҳарлашга маҳкум этилган ҳамда қилаётган ишини кўрмасликка интиладиган маҳбусларга ўхшардик. Ҳали мен ушанда 99 фоиз эр-хотинлар мен ҳозир яшаётган ва бундан бошқача бўлиши мумкин бўлмаган дўзахда яшашини билмасдим. Мен ҳали бунақасини бошқалар ҳақида ҳам, ўзим ҳақимда ҳам билмас эдим.

Ҳайрон қоласиз, ҳаётнинг қандай мос келиб қолгани ҳам тўғри ва ҳатто нотўғри! Айнан ота-оналар турмуш чидаб бўлмас даражага келиб қолгач, болалар тарбияси учун шаҳар шароитини яратиб беришади. Ва шаҳарга кўчиб ўтиш заруратга айланади.

Ҳамсуҳбатим жим бўлди ва икки марта ўзига хос ёқимсиз овозини янгради, бу гал у бўғилиб қолган йиғига ўхшади. Биз станцияга яқинлашдик.

-Соат неча? - деб сўради у.

Соатимга назар ташладим, икки бўлибди.

-Чарчамадингизми? -деб сўради у.

-Йўқ, сиз-чи?

-Бўғилиб кетаяпман. Маъзур тутасиз, ўтиб кетай, сув ичмоқчиман.

У тебранганча вагон бўйлаб кетди. Мен унинг айтганларини мулоҳаза қилиб, ёлғиз қолдим, чуқур хаёлга чўмиб кетганимдан унинг бошқа эшиқдан қайтиб кирганини сезмай қолибман.

-Ҳа, мен қизишиб кетдим, - деб гап бошлади у. - Кўп ўйладим, кўп нарсага бошқача назар билан қарадим, охири ҳаммасини айтишга қарор қилдим. Шундай қилиб, шаҳарда яшай бошладик. Шаҳарда бахтсиз одамлар учун яшаш қулай. Одам шаҳарда юз йил яшаш мумкин, бироқ унинг аллақачон ўлиб, чириб

кетганини ҳеч ким билмайди. Бунақа нарсалар билан ҳисоб-китоб қилиб ўтиришга вақт йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Иш, жамоат топшириқлари, саломатлик, санъат, болалар соғлиги, уларнинг тарбияси. Баъзан уни ёки бошқаларни қабул қилиш, кимникигадир бориш керак; ниманидир кўриш ёки эшитиш лозим. Шуниси эътиборлики, ҳар қандай шароитда ҳам шаҳарда бир, баъзан икки, уч муҳим нарса борки, буларни қанда қилиб бўлмайди. Баъзан ўзингни ёки уни, буни, баъзан ўқитувчини, репетиторни, гувернантка (Уй мураббияси)ни даволатиш лозим, ҳаёт эса қуруқдан қуруқ ўтиб кетаверади. Ҳа, биз шаҳарда шу тақдир яшадик ва ёстиқдошликнинг азобларини камроқ ҳис қилдик. Бундан ташқари, дастлабки пайтларда қизиқарли машгулотлар ҳам кўп эди: янги шаҳарда ўрнашиш, янги хонадон, яна шаҳардан қишлоққа, қишлоқдан шаҳарга бориб келишлар.

Бир қишни ўтказдик, кейинги қишда ҳеч ким сезмаган, ташқи томондан аҳамиятсиздек туюлган, бироқ жиддий асорат қолдирган бир воқеа содир бўлди. Аёлим касалманд эди ва пасткашлар туғишга изн бермай, усул ўргатишибди. Бу менга жуда ёмон таъсир қилди. Мен бунга қарши чиқдим, у эса ўзига хос енгилтақларча ўжарлик билан билганидан қолмади ва мен бўйсундим; махлуқона ҳаётнинг сўнгги илнжи - бола - инкор этилди ва ҳаёт яна ҳам қабиҳлашди.

Эркакка, қиролга, гарчи боқишга қийналса ҳам, бола керак, ҳа, унга керак, негаки, унинг эр-хотинлик муносабати буни оқлайди. Бизга, алақачон боласи бор одамларга, яна бола керак эмас, улар - ортиқча ташвиш, харажат, мерос талашувчилар, улар оғир юк бўлиб қолгандилар. Энди биз учун махлуқона ҳаётни безайдиган ҳеч нарса қолмаганди. Ёки сунъий равишда болалардан қутуламиз ёки эҳтиётсизлик оқибатида юзага келган бахтсизлик сифатида қараймиз. Оқлов йўқ. Биз шунчалик маънавий тубанлашдикки, ўзимизни оқлашга эҳтиёж ҳам йўқ. Ҳозирги маърифатли дунё виждони заррача қийналмай ана шу бузуқчиликка рўжу қўймоқда.

Қийналадиган нарсанинг ўзи йўқ, негаки, агар шундай аташ мумкин бўлса, жамоатчилик фикри ва жиноят қонунчилигидан уялишдан ташқари бизнинг турмушимизда ҳеч қандай виждон йўқ. Бунда эса у ҳам, бу ҳам бузилмайди: жамият олдида уялиш ҳеч нарса: ҳаммасини ўзлари - Мария Павловна ва Иван Захарич бажаради. Қашшоқларни боқиш ёки жамоат ҳаётидаги ўз имкониятидан воз кечиш нима бўлибди? Жиноят қонунларидан уялиш ёки ундан кўрқиш ҳам ҳеч нарса эмас. Анави адабсиз қизалоқлар ва аскарчалар болаларни ҳовуларга, қудуқларга иргитишади; уларни, аниқки, турмага тиқиш керак, бизда эса ҳаммасини вақтида ва тоза бажаришади.

Шу ҳолда биз яна икки йил яшадик. Ярамасларнинг усули, кутилганидек, ишини қила бошлади; аёлим худди ёзнинг сўнгги малоҳати сингари тўлишди ва ҳусни очилди. У ўзгаришларни сезди ва ўзига эътиборли бўлди. Унда кўрган кўзни куйдирувчи пинҳоний бир гўзаллик зоҳир бўлди. У таровати билан бола кўтармаган, эмизмаган ва кўнгилларга гулу солувчи ўтгиз ёшли аёл талъатига эга бўлди. Унинг кўриниши безовталиқ уйғотарди. Эркаклар қаторидан ўтса, ҳаммаси маҳлиё бўлиб, тикилиб қоларди. У байловда бўлган ва яхшилаб боқилган, бирдан жиловидан бўшалган байталга ўхшарди. Аммо унда бизнинг 99 фоиз аёлларимизда бўлгани каби ҳеч қандай юган бўлмаган экан. Мен буни сездим ва бу мен учун кўрқинчли эди.

У бирдан ўрнидан турди ва деразага яқин жойда ўтирди.

-Мени маъзур тутасиз, - гўлдиради у ва кўзини деразага қадаганча уч дақиқача жим ўтирди. Кейин у огир нафас олди ва яна менинг қаршимга чўкди. Юзи бутунлай бошқа қиёфага кирган, кўзлари жовдирар, лабларида маҳзун бир табассум қотиб қолганди. - Мен бир оз толиқдим, аммо ҳикояни давом эттираман. Ҳали вақт кўп, тонг оқармади ҳам. Ҳа-я, - бошлади у яна папиросини тутатиб. - У туғишни бас қилгач, тўлишиб борди, касаллик - болалар ҳақидаги узлуксиз хавотир ҳам ўтиб кетди; шунчаки ўтиб кетмади, у худди мастликдан ўзига келгандек бўлди, ўтаётган кунларини ёдига туширди ва кўрдик, атрофида илоҳий олам, у эсидан чиқариб юборган, яшашни билмаган, у бутунлай тушунмаган илоҳий олам бутун шодликлари билан намоён бўлиб турибди. "Фурсатни қўлдан берма! Умр ўткинчи, қайтиб келмайди!" Менга у бирданига шундай ўйлагандек ёки ҳис қилгандек туюлди, ҳа, у бошқача ўйлаши ва ҳис қилиши мумкин эмасди: уни дунёда фақат битта қадрли туйғу бор, у ҳам бўлса, севги деган руҳда тарбиялашган эди. У эрга тегди, ўша севгидан нимадир олди, лекин олгани унга ваъда қилинган, у кутган нарсадан бутунлай йироқ, аксинча, ҳафсалани пир қиладиган, зор қақшатадиган, бунинг устига - болалар, кутилмаган азоб эди! Бу азоб уни бутунлай ҳолдан тойдирди. Фақат илтифотли дўхтирларнинг марҳамати билан фарзандсиз ҳам яшаш мумкинлигини тушунди. У бундан мамнун бўлди, шуни ҳис қилди ва яна бир нарса учун - ўзи яхши билган севги учун ҳаётга қайтди. Аммо севги эрининг қийноқлари, беҳуда рашки ва ёвузликлари исканжасида бошқачароқ тус олди. У барибир бошқачароқ, тозароқ, оҳорлироқ севгини тасаввур қиларди, мен у ҳақда шундай ўйлардим. Ва, ниҳоят, у атрофига худди қидирган нарсасини топадигандек аланглай бошлади. Мен уни шу аллозда кўрдим ва бу мени безовта қилмаслиги мумкин эмасди. Яли ва изма-из шундай рўй бера бошладик, у худди ҳар доим бўлганидек, бошқалар орқали мен билан сўзлашар, яъни бегоналар билан гаплашгандек бўлиб, аммо сўзини менга қаратиб, дадил, бир соат олдин бутунлай тескари нарсани гапириб турганига қарамай, ярим жиддий, ярим ҳазил билан она меҳри алдов, болалар ҳаётини бағишлашга арзимаёйди, ёшлигингда даврини суриб қол, сингари эътирофларини баён этарди. У болаларга ҳафсаласиз бўлиб қолди, олдингидек бутун борлиги билан эмас, номига муомала қиладиган бўлди, бунинг ўрнига гарчи буларни хуфиёна тутса ҳам, ўзининг ташқи кўриниши, ўз кўнгилхушлиги, ҳатто, ўзини тарбиялаш билан кўпроқ шугуллана бошлади. У яна бутунлай ташлаб қўйган, ҳатто эсидан чиқиб кетган фортепиано билан машгул бўла бошлади. Ва ана шундан ҳаммаси бошланди.

Ҳамроҳим яна ҳоргин боқувчи кўзлари билан деразага ўтирилди, аммо шу лаҳзада, менимча, ўзида куч топиб, давом этди:

-Ҳа-я, ўша одам пайдо бўлди. - У каловланиб қолди ва бурнидан икки марта ўзининг хос шовқинини чиқарди.

Мен унга бу зотнинг исмини аташ, уни эслаш, у ҳақида гапириш азоб эканини кўриб турардим. Аммо у шундай куч топдики, ўзига халақит бераётган нохушликни бартараф этди ва қатъий давом этди:

-Назаримда, менинг баҳоим билан у пачава одам эди. У ҳаётимда қандай аҳамият касб этганидан эмас, ҳақиқатан шундай нусха эди. Худди шундай,

унинг қанчалик кўзга илинмаслигига хотинимнинг бутунлай менсимагани ҳам далил. У эмас, бошқаларга ҳам шундай эди. - У яна жим қолди. - Ҳм-м, у муסיқачи, скрипкачи эди; маълумотли, моҳир муסיқачи эмас, чала маҳоратли, чала одам эди.

Унинг отаси - заминдор, отамнинг қўшниси. У - отаси - ажрашган, уч нафар боласи ҳам ўрнини топган; фақат бири, кенжатоийни Париждаги чўқинтирган онасига берган. У ёқда болани консерваторияга топширишган, иқтидори бўлган-да, кейин скрипкачи бўлиб етишган, концертларда қатнашган. У шундай одам эдики...- Ҳар ҳолда у ҳақида бемаза гап айтишни хоҳлади-ю, тийилди ва тез гапирди: - Хуллас, у ёқда қандай яшаганини билмайман, билганим шуки, ўша йил у Россияда пайдо бўлди ва менга дуч келди.

Бодомсимон шилиқ кўзлар, кулиб турадиган қизил лаблар, қўнғиз мўйловча, сочлар сўнгги русумда таралган, юзлар, аёллар айтмоқчи - истарали, таранг, қомати заиф бўлса-да, бесўнақай эмас, айниқса, думбалари худди аёлларникидек, айтишларича, готтентотларникидек дўмпайган эди. Бу ҳам мусиқабоб эмиш. Қўйиб қўйилган, аммо жиндай эътирозда ҳам тўхтатиш мумкин бўлган, ташқи жимжимадорлигини сақлаган бетакалуфлик ҳамда Париж услубидаги тутмачали ботинкалар, ёрқин рангли галстуг, чет элликларга сингиб кетган ўзига хос сирлилик ва янгилик ҳар доим аёлларга таъсир қилади. Сохта қилиқлар, ясама хушнудлик. Қилиқлар, биласизми, ҳамма нарса ҳақида киноя ва масхара билан гапирди, гўёки уларни сиз ҳам биласиз ва янгилари билан тўлдиришингиз мумкин.

Нафсиларини айтганда, у ўзининг мусиқаси билан ҳаммасига сабабчи бўлди. Судда иш шундай талқин қилиндики, ҳаммаси рашк туфайли рўй берган. Жиндай нарса рўй бермаганда, яъни ўша бўлмаганда, ҳеч нарса бўлмасди, афсуски, шундай бўлиб қолди. Судда шундай ҳал қилишди: мен алданган эр ва ўзимнинг таҳқирланган номусимни (уларча, бу шундай аталаркан) ҳимоя қиламан, деб хотинимни ўлдирганман. Шу билан мени оқлашди. Мен судда ишнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилдим, аммо улар буни хотинимнинг шаънини оқлашга интилиш, деб тушундилар.

Аёлимнинг мусиқачига муносабати, у қандай ҳолда бўлмасин, мен учун ҳеч қандай маънога эга эмас, хотиним учун ҳам худди шундай. Маънога эга бўлган нарса, сизга айтдим, менинг тўнғизлигим. Ҳаммаси шундан рўй берди, бизнинг ўртамизда шундай фалокат гирдоби бор эдики, сизга айтдим, бу ўзаро муносабатда жиндай туртки билан инқироз бошланишига олиб келадиган бири-бирига нисбатан даҳшатли нафратнинг шиддати эди. Орамиздаги жанжаллар кейинги пайтларда ҳайвоний эҳтиросларнинг бўйсунмас қудрати тазйиқи остида шафқатсиз тус ола бошлаганди.

Агар у бўлмаганда, бошқаси пайдо бўларди. Агар рашк қутқуси бўлмаганда, бошқаси бўларди. Маслаҳат берган бўлардимки, мен каби яшаган жами эрлар ё бузилиб кетиши, ё ажралиши ёки ўзини ўлдириши ёхуд мен сингари хотинини ўлдириши шарт. Ким шундай йўл тутмаган бўлса, бу камдан-кам учрайдиган нодир ҳодиса. Мен ҳаммасига ўзим амалга оширганимдек нуқта қўйишдан олдин бир неча марта ўзимни ўлдириш даражасигача борганман, аёлим ҳам огуланганди.

- Ҳа, ўша нарса рўй беришидан олдинроқ аҳвол шундай эди.

Биз мурасага келиб яшаётгандек ва уни бузишга ҳеч қандай сабаб йўқдек эди; иттифоқо, бир итнинг кўргазмада медаль олгани ҳақида гап бўлди, буни мен бошладим. Аёлим эса шундай деди: "Медаль эмас, фахрий ёрлиқ". Тортишув юзага келди. Нарсаларни у ёқдан-бу ёққа иргитиш, маломат қилиш бошланди: "Ҳа, бу алақачон маълум, ҳамма вақт шундай: сен нима десанг..." - "Йўқ, мен айтмадим". - "Демоқчисанки, мен ёлгон гапирдим!"... Сезиб турасанки, мана-мана ўша даҳшатли жанжал бошланаяпти, оқибатида ё ўзингни ўлдиришни хоҳлайсан, ё хотинингни. Биласан, ҳозир бошланади ва оловдан кўрққандек кўрқасан, шунинг учун ўзингни ушлашга интиласан, бироқ газаб бутун борлигингни қамраб олган. У ҳам шундай, балки бундан ҳам баттар вазиятда, атайлаб сўзларингга нотўғри маъно юклаб, уларни бузиб талқин қилади; унинг ҳар бир сўзига заҳар сингдирилган; қайси жойимга тегса оғришини билиб, ўша ерни баттар чўқилайди. Борган сари баттарлашаверди. Мен "Жим бўл!" деб ёки шунга ўхшашроқ бақираман. У хонадан отилиб чиқади-да, болалар бўлмасига ўзини уради. Мен мурасага келиш ва исботлаш учун тутмоқчи бўлиб, қўлидан ушлайман. У билаги оғриганини баҳона қилади ва қичқиради: "Болалар, оталаринг мени ураяпти!" Мен: "Ёлгон гапирма!" деб бақираман. - "Бу биринчи марта эмас-ку" ёки шунга ўхшаш чинқиради. Болалар уни қучоқлаб олишади. У болаларни тинчлантиради. Мен айтаман: "Муғомбирлик қилма!" Аёлим айтади: "Сенингча, ҳаммаси муғомбирлик; сен одамни ўлдириб қўясан ва муғомбирлик қилаяпти, деб тураверасан. Энди мен сени тушундим. Сен шуни хоҳлайсан!" - "Э, қанийди ҳаром ўлсанг!" - деб бақираман мен. Эсимда, бу даҳшатли сўзлар мени қандай кўрқувга солди. Мен шундай кўрқинчли, қўпол сўзларни айта оламан, деб ўйламагандим, уларнинг оғзимдан чиқиб кетганига ҳайрон қолдим. Мен бу даҳшатли сўзларни қичқириб айтаман, хона бўйлаб югураман, ўтираман ва чекаман. Эшитиб турибман, у олдинги эшиқдан даҳлизга кирди ва кетишга чоғланыпти. Қаергалигини сўрайман. У жавоб бермайди. "Хўп, жин урсин уни" - дейман ўзимга, хонага қайтаман, яна ётаман ва чекаман. Ундан қандай ўч олиш, қандай қутулиш, аҳволни ҳеч нарса бўлмагандек ўнглаш, вазиятни изига солиш юзасидан минглаб турли режалар калламга келади. Буларнинг ҳаммасини ўйлайман, чекавераман, чекавераман, чекавераман. Ундан қочиб кетишни, яширинишни, Америкага кетиб қолишни хаёл қиламан. Шунгача бориб етаманки, ундан қутулишим қандай ажойиб бўларди, бошқа биттасини, ундан чиройли, бндан бошқачароқ янгисини топардим, деб орзу қилардим. У ўлса ёки ажрашсам (қандай ажрашаман?) шунда қутуламан. Кўриб турибман, мен хато нарсаларни ўйлаяпман, уни кўрмаслик учун нима зарур, ўйламаслик учун нима қилиш лозим, билмайман, шунинг учун чекаман.

Уйда эса ҳаёт давом этаверарди. Гувернантка келади ва: "Хоним қаерда? Қачон келади?" деб сўрайди. Хизматчи чой таклиф қилади. Ошхонага ўтаман; болалар, айниқса, каттаси Лиза ҳаммасини тушунади, савол назари ва норозилик билан менга қарайди. Сукут сақлаб, чой ичамиз. Барибир аёлим йўқ. Оқшом ўтади, у йўқ ва кўнгилда икки туйғу бир-бири билан алмашади: ўзининг йўқлиги билан, у барибир келади, мени ҳамда болаларни қийнаётгани учун газаб ва унинг келмай қолиши, ўзини бир бало қилишидан кўрқув. Мен уни излаган

бўлардим. Аммо қаердан излаш керак? Опасиникиданми? Аммо бориб ундан сўраш ахмоқлик. Борсин-э, худога солдим; қийнашни хоҳлаётган экан, ўзи баттар қийналсин. Ўзи ҳам шуни хоҳлаётгандир. Келаси сафар бундан ҳам баттар бўлади. Нима бўлибди, агар у опасиникида бўлмаса, ўзини бир бало қилган ёки қиладими?.. Тунги соат ўн бир, ўн икки, бир. Ётоқхонага кирмайман, бир ўзим у ерда ётишим ва кутишим ахмоқлик ва шу ерда таппа ташлаб ётаман. Нима биландир машгул бўлишни хоҳлайман, хат ёзиш, ўқиш; ҳеч нарса қилолмайман. Кабинетда бир ўзим ўтириб қийналаман, жаҳлланаман ва қулоқ соламан. Соат уч, тўрт - барибир у йўқ. Тонгга яқин ухлаб қоламан. Уйғонаман, у йўқ.

Уйда барчаси олдингидек давом этади, аммо ҳамма аросатда ва буларнинг барига мен сабабчидек, сўроқ назари ва гижиниш билан қарашади. Менда ҳам шундай кураш - аёлим мени қийнаётганидан орттирган азобим ва ундан хавотирланишим ўртасида кураш кетарди.

Ўн бирга яқин опаси ундан элчи бўлиб келади ва одатдагича бошлайди: "У оғир аҳволда. Бу қанақаси!" - "Қўйсангиз-чи, ҳеч нарса бўлгани йўқ". Мен унинг чидаб бўлмас даражада инжиқлигини айтаман ва ўзимнинг ҳеч нарса қилмаганимни билдираман.

-Барибир буни шу ҳолда қолдириб бўлмайди, - дейди опаси.

-Ҳаммаси унга боғлиқ, менга эмас, - дейман. - Мен биринчи қадамни қўймайман. Тўғри келмадими, ажрашиш бўлса, ажрашавераман-да.

Қайнсинглим бир иш чиқаролмай кетади. Гарчи биринчи қадам қўймаслигимни унга дадил айтган бўлсам-да, кетгач, болаларни аянчли, қўрққан ҳолда кўриб, биринчи қадамни қўйишга тайёр бўламан. Шундай қилишдан хурсанд эдим, бироқ уни қандай амалга оширишни билмасдим. Яна юраман, чекаман, нонушта маҳали шароб ва ароқ ичаман ва беихтиёр хоҳлаётганимга эришаман: ўз аҳволимнинг ахмоқона ва қабиҳлигидан нафратланаман.

Учга яқин хотиним келади. Менга дуч келганда ҳеч нарса демайди. Ярашибди, деб ўйлайман ва унинг гина-кудуратларидан тўйиб кетганимни айта бошлайман. У ҳам худди шундай жиддий ва жуда азобланган қиёфада тушунтириш беришга эмас, болаларни олиб кетишга келганини, бирга яшай олмаслигимизни маълум қилади. Мен айбдор эмаслигимни, унинг ўзи мени ўзидан безитганини айта бошлайман. У менга жиддий, тантанавор қарайди ва кейин:

-Ортиқча гапирма, кейин афсусланасан, - дейди.

Мен майнавозчиликка чидай олмаслигимни айтаман. Шунда нимадир деб чинқиради, мен тушунмайман ва у ўз бўлмасига чиқиб кетади. Изидан калит шиқирлайди: у яшириниб олади. Эшикни итараман, жавоб йўқ ва алам билан ортимга қайтаман. Ярим соатдан кейин Лиза кўзида ёш билан чопиб келади.

-Нима? Бирор нарса қилдингларми?

-Ойим тинчиб қолди.

Борамиз. Бор кучим билан эшикни итараман. Зулфин яхши ёпилмаган ва иккала табақа ҳам очилиб кетади. Каравотга яқинлашаман. У юбкада ва пошnasi баланд туфлида беўшшов ҳолда ҳушсиз ётарди. Стол устида афюндан бўшаган кичкина шиша идиш. Ҳушига келтирамиз. Тагин кўз ёшлари ва ниҳоят, ярашиш. Ярашиш ҳам эмас: ҳар кимнинг кўнглида ўша нафрат, фақат яна ҳозирги бир-бирига етказган азоб учун устама қўшилган тарзда муносабатларнинг

баттарлашини. Аммо буларнинг барисини шима қилиб бўлса - да тугатин керак эди, афсуски, ҳаёт оддингидек давом этарди. Жанжаллар, баъзан ҳафтада бир, баъзан ойда бир, баъзан кунда тўхтовсиз баттар авж оларди. Ҳаммаси ўша-ўша, бир хил. Бир сафар чет эл паспортини ҳам олдим - жанжал мутғасил икки кун давом этгани, - яна ярим ялинишлар, ярим муроа - хуллас, кетмадим, қолдим.

## 21

-Муносабатларимиз ана шундай кўринишда бўлган паллада ўша одам пайдо бўлди. Ўша одам Москвага келди - унишг фамилияси Трухачевский - ва менга дуч келди. Бу эрталаб бўлгани. Мен уни қабул қилдим. Бир пайтлар сенсираб гаплашганимиз. У сенсирашга мойил "сиз" билан "сен" ўртасини танлади, бироқ мен бирдан "сиз"га ургу бердим ва у ҳам бунга кўна қолди. У биринчи кўришимданоқ менга умуман ёқмади. Лекин ажабланарлиси - галати, машғум бир куч мени ундан қочмасликка, ажралмасликка, аксинча, яқинлашишга ундарди. У билан совуққон муомалада бўлиш, хотиним билан таништирмай, хайрлашишдан осони йўқ эди. Аммо атайлаб қилганидек, унишг ижролари ҳақида гаплашдим, дедимки, менга айтишларича, у скрипкадан воз кечибди. У айтдики, аксинча, ҳозир олдингидан ҳам кўп чалади. У мени ҳам илгари чалишимни эслаб кетди. Мен бошқа чалмаслигимни, аммо хотиним яхши чалишини айтиб ўтдим.

Ҳайратланарли ҳолат! Унга муносабатим биринчи кунда, дастлабки соатда кейинчалик қандай бўлса, шундай бўлди. Менишг у билан муносабатимда қандайдир кескинлик бор эди: у ёки ўзим айтган ҳар бир сўз, ибораларни эслаб қолардим ва муҳим аҳамият берардим.

Уни хотинимга таништирадим. Шу дамда мусиқа ҳақида гап кетиб қолди ва у хотинимга бирга чалиш таклифини билдирди. Хотиним кейинги пайтларда ҳар доим бўладиганидек, ўзига оро берган ва мафтункор, кишини бепарво қолдирмайдиган даражада гўзал эди. У, менимча, биринчи нигоҳданоқ хотинимга маъқул тушди. Бундан ташқари, аёлим скрипка чалишдан завқланишини, бу машғулот унга ёқишини, шунинг учун театрдан скрипкачи ёлаганларини эслаб яйраб кетди ва юзида мамнунлик нишонаси барқ урди. Аммо менга кўзи тушгач, шу лаҳзада ҳолатимни тушунди ва кўринишини ўзгартирди ҳамда ўзаро бир-бирини алдаш ўйини бошлади. Мен ёқимли табассум қилиб, гўё мамнунлигимни билдириб қўйдим. У хотинимга жами бузуқилар чиройли аёлларга қандоқ тикилса, шундай назар ташлаб, ўзини фақат суҳбатнинг мавзуси қизиқтиришини - аслида айнан шу нарса уни тариқча ҳам қизиқтираётгани йўқ эди - таъкидлаб ўтди. Аёлим бепарво бўлишга интилди, бироқ унга таниш менишг сохта табассумли рашкчи назарим ва мусиқачининг ҳирсли нигоҳи, шубҳасиз, уни кўзгатди. Кўриб турардимки, биринчи учрашувданоқ аёлимнинг кўзларида шуъла ўйнади ва, эҳтимол, менишг рашкимнинг оқибати ўлароқ, у ва эркак ўртасида бир хил ифода кўзгайдиган, кўз қарашлари ва табассумларни уйғунлаштириб турадиган электр токи пайдо бўлди-ёв. Аёлим қизаргани, у ҳам, аёлим кулгани у ҳам кулди. Мусиқа ҳақида, Париж ҳақида, ҳар хил кераксиз нарсалар ҳақида гаплашдилар. Скрипкачи кетиш учун қўзғалди ва кулиб, титраётган сонига шляпасини қапиштирганча, гоҳ хотинимга, гоҳ менга қараб, биздан имдод кутганидек турарди. Бу дақиқаларни аниқ эслайманки, айни шу дамда уни қайта таклиф қилмаслигим мумкин эди ва шунда ҳеч нарса содир бўлмасди. Лекин

мен унга ва аёлимга қарадим. "Сен асло мени рашк қилди, деб ўйлама" - дедим хаёлан хотинимга, - "мендан қўрқди, деб ўйлама" - дедим хаёлан эркакка ва ундан кечкурун қандай бўлмасин, хотиним билан жўрликда чалиш учун скрипкасини олиб келишини сўрадим. Аёлим ҳайрон бўлиб менга тикилди, қизариб кетди, худди қўрқиб кетгандек, ўзини етарли даражада яхши чалолмаслигини таъкидлаб, рад эта бошлади. Унинг бу рад этиши мени баттар ўчакиштирди ва янада қаттиқроқ илтимос қила бошладим. Унинг елкасига тушган, қора, икки томонга таралган сочларини ажратиб турган оппоқ бўйнига боқарканман, галати ҳис туйганимни эслайман, у ликиллаган, қушларникига ўхшаш ҳаракати билан биздан четланди. Мен тан олмасдан иложим йўқ, бу одамнинг ташрифи менга азоб бўлди. "Ҳаммаси ўзимга боғлиқ, - деб ўйладим, - шундай қилиш керакки, уни бошқа кўрмай". Аммо бундай йўл тутишим ундан қўрқишимни тан олиш бўларди. Йўқ, мен ундан қўрқмайман! Бу ўта даражада ҳақоратомуз бўлади, сўзладим ўзимга. Худди шу пайт, даҳлизда хотиним мени эшитишини билиб, мен туриб олдимки, бугун оқшом скрипкаси билан бизникига ташриф буюради. У менга ваъда берди ва кетди.

Оқшом скрипкаси билан келди ва иккаласи куй чалди. Аммо машгулот узоқ давом этмади, уларга керакли нота (нота белгилари билан ёзилган мусиқа асари назарда тутилмоқда) йўқ экан, борларини эса хотиним тайёргарликсиз чала олмаскан. Мен мусиқани жуда севардим ва уларнинг ижросига хаҳрихоҳлик билдириб, унга пюпитр (нота қўядиган қия курси) ўрнатиб бердим, варақларни ағдариб турдим. Қанақадир қўшиқсиз куйни, Моцартнинг бир сонатасини чалишди. У маҳорат билан чалди, унда оҳанг деганлари юқори даражада эди. Бундан ташқари, унинг феъл-атвориغا тўғри келмайдиган нозик, латиф диди бор эди.

Сирасини айтганда, унинг маҳорати хотинимнидан кучли эди, хотинимга ёрдам бериб турди, боз устига, унинг ижросини ўз вақтида мақтаб ҳам қўйди. У ўзини жуда яхши тутди. Хотинимнинг фақат мусиқага шоён қизиқиши кўзга ташланар, бошқа ҳеч нарса зоҳир бўлмаган, ҳаммаси содда ва табиий кўринарди. Мен ҳам гўё бутун вужудим билан мусиқага маҳлиё бўлгандек эдим, аслида эса рашк азоби оқшом бўйи ич-этимни еди.

У хотиним билан нигоҳлари тўқнашиб қолган биринчи дақиқаданоқ, кўриб турардимки, уларнинг ботинида ўрнашиб олган махлуқ: "Майлими?" - деб сўради ва "Бўлмасам-чи", жавобини олди. Кўриб турардимки, у менинг хотиним тимсолида, москвалик аёл тимсолида бундай жозибани кутмаганди ва учратганидан жуда мамнун эди. Негаки, аёлимнинг ризолигини сезиб турар, бунга заррача шубҳаси йўқ эди. Ҳамма дарди бало - унинг суқмақошиқ эри халақит бермаса бўлди. Агар мен ҳалол бўлмаганимда, буни тушунмасдим, аммо мен кўплар қатори ҳали уйланмаган вақтимда аёллар ҳақида гайрича ўйлардим, шу боис скрипкачининг кўнглини қозғоғда ёзилгандек ўқий олдим. Шунинг учун ҳам баттар эзилдимки, келишган қадди-қомати ва жозибаси, биргалиқда ижро этгандаги яқинликни таъминлаган иқтидори, мусиқа, асосан, скрипка наволари остида пайдо бўлган оҳанрабо табиати билан хотинимни мафтун қилгани шубҳасиз, бироқ менга нисбатан фақат баъзан бўлиниб турадиган одатдаги ҳиссиётларидан, аччиқланишдан ташқари бошқа

муносабатда бўлмаган аёл нотаниш эркакка заррача иккиланмай ўзини топшириб қўйдики, у энди голиб бўлиши, айлантириб олиши, арқонини истаган усулда эшиши, мижгилаши, хуллас, нима ҳоҳласа, шуни қилиши мумкин эди. Бунақасини кўришим - чидашим мумкин эмас эди ва мен шунинг учун даҳшатли тарзда қийналдим. Бироқ шунга қарамай ёки шунинг тазйиқидан бир куч иродамга қарши чиқиб, мени яна ҳам унга нисбатан фақат назокатлигина эмас, меҳрибон бўлишга ҳам мажбур қиларди. Хотиним учунми ёки унга ундан қўрқмаслигимни кўрсатиш учунми ёки ўз-ўзимни алдаш учун - ўзим учунми - билмайман, биринчи муомаламдаёқ шундай гўл бўлишни ихтиёр этдим. Ҳозир уни ўлдириш кайфиятим борлигини сездирмаслик учун унга лутф қилишни хоҳладим. У билан қиммат вино ичиб, кечкилик қилдим, ижросидан завқландим ва алоҳида мулоийм табассум билан сўзлаб, кейинги якшанба тушликка келиб, хотиним мусиқа чалишини илтимос қилдим. Унинг ижросидан баҳраманд бўлиш учун мусиқа ихлосманди бўлган танишларимни ҳам таклиф қилишимни билдирдим.

Позднишев кучли ҳаяжон билан ҳолатини ўзгартирди ва ўзининг ёқимсиз хос овозини чиқарди.

- Бу одамнинг пайдо бўлиши мен учун кўргулик бўлди, - одатдагидек яна осойишта бўлишга интилиб гапини бошлади. - Уч ёки тўрт кундан кейин кўрғазмадан қайтиб, даҳлизга чиқдим-да, бирдан тошдай огир бир нарса юрагимга ботаётганини сездим, бу ҳолатни тушунишга ожиз эдим. Таассуфки, даҳлизгага ўта туриб, негадир, уни эслагувчи бир шарпа кўзимга эласлагандек бўлди. Фақат кабинетимда ўзимга келдим, нима бўлаётганини тушунишга интилдим ва даҳлизга қайтиб, ўзимни текшириб кўрмоқчи бўлдим. Ҳа, ҳақиқатан, адашмагандим: у ерда ўшанинг шинели осиглиқ турарди. Биласизми, сўнгги русумдаги шинель. (Нима нарса, унга тегишли бўлса, гарчи ўзимга мажбурият олмаган эсам-да, гайритабиий хушёрлик билан эслаб қолганман). Сўрайман, худди кутилганидек, у шу ерда. Меҳмонхона орқали эмас, катта хонадан залга ўтаман. Лиза, қизим, китоб ўқиб ўтирибди, энага қичкинаман билан қандайдир қопқоқни столда айлантираяпти. Залнинг эшиги маҳкамланган, ичкаридан сидирга *aggressio* янграйди, унинг ва хотинимнинг овози эшитилади. Эшитяпман-у, сўзларини ажратолмаяпман. Атайлаб фортепиано товушини ўзларининг овозларини, балки ўпишишларини эшиттирмаслик учун кўтариб қўйганга ўхшайди. Ё тавба! Ичимда бир нарса портлади! Қачон тийнатимда бекиниб олган махлуқ ҳақида ўйласам, даҳшат қоплаб олади. Юрагим қисилди, тўхтаб қолди, кейин эса болгадек ура бошлади.

У тўхтаб олди ва бир неча марта кетма-кет ўз овозини созлади. Гапирмоқчи бўлди, лекин бурни пишиллаб кетди, яна тўхташди.

- Улар Бетховеннинг Крейцер сонатасини ижро этишди. Биринчи престосини биласизми? Биласизми?! - қичқирди у. - О! Бу соната даҳшатли асар. Айнан шу қисми. Умуман мусиқа даҳшатли жоду. Нима учун бундай? Мен тушунмайман. Мусиқанинг ўзи нима? У нимага қодир? Нима учун у ўша қиладиган ишини қилади? Дейдиларки, мусиқа тимсоллар орқали қалбни юксакка кўтаради, - сафсата, ёлгон! У, таъсир қилади, даҳшатли таъсир қилади, мен ўзим ҳақимда гапираяпман, аммо тимсоллар орқали қалбни юксакка кўтариб эмас. У қалбни юксакка кўтарадиган тимсоллар орқали ҳам эмас, пастга туширадиган тимсоллар

орқали ҳам эмас, қалбни титратадиган, исёнга келтирадиган тимсоллар билан таъсир қилади. Сизга нима десам бўлади? Мусиқа менинг ўзимни, ҳақиқий ҳолатимни унутишга мажбур қилади, у менга ўзимнинг эмас, ўзга бир ҳолатни туҳфа қилади: мен мусиқа таъсири остида тушунмаганимни тушуниб етаман, қила олмаганимни қила оламан. Мен буни шунинг учун изоҳлаяпман, мусиқа худди эснаш ёки кулгидек таъсир қилади: менинг уйқум келмаяпти, бироқ эснаётган одамни кўриб, эснайман, кулишга сабаб йўқ, лекин кулаётган одамни эшитиб, куламан.

У бирданига, бевосита ўзида мужассам бўлган уни ёзган одамнинг руҳий ҳолатини менга кўчиради. Мен ўша билан қалбдан туташаман ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтаман, лекин нимага бундай қиламан, ўзим ҳам тушунмайман. Мана қаранг, Крейцер сонатасини ким ёзган, – Бетховен, у ҳойнаҳой нима учун шундай ҳолатга тушганини ўзи билади, – бу ҳолат уни жиддий ҳаракатлар қилишга олиб келган ва шу боисдан бу ҳолат унинг учун мазмунга эга, мен учун эса ҳеч нарса эмас. Шунинг учун мусиқа фақат қитиқлайди, аммо тугатмайди. Бироқ марш ҳарбийча ижро этилади, солдатлар марш садолари остида ўтадилар ва мусиқа ҳам етказди; рақсбоп мусиқа чаладилар, мен рақсга тушаман, мусиқа етказган ҳисобланади; ўлан куйлайдилар, мен жўр бўламан, бунга ҳам мусиқа етказган, лекин фақат қитиқлаш бўлса, бу қўзғалишни нима қилиш керак, – билмайман. Ана шунақа мусиқалар ҳам баъзан шундай қўрқинчли, шундай даҳшатли таъсир қилади. Хитойда мусиқа давлат даражасидаги юмуш. Бу айнан шундай бўлиши лозим. Ахир ҳар қандай одам, ким хоҳласа, бир-бирини ва кейинчалик ҳаммани гипноз қилишига ва сўнгра улар билан билган ишини бажаришига йўл қўйиб бўлмайди. Асосийси яна ўша гипноз қилувчи одамга биринчи бўлиб ахлоқсиз одам дуч келиб қолмаслигида.

Аммо ана шундай қўрқинчли восита ким тўғри келса ўшанинг қўлига тушиб қолган. Масалан, ўша Крейцер сонатаси, биринчи престо. Меҳмонхонада чуқур ўйма ёқали куйлак – декольт кийган аёллар даврасида шу престони ижро этиб бўладими? Ижро этиш, кейин қарсақлар, ундан сўнг музқаймоқ тановул қилиш ва ҳар хил янги гийбатлардан сўзлаш. Бу нарсани фақат машҳур, муҳим, аҳамиятли давраларда ижро этиш жоиз, шунда бу мусиқага мос таниқли, арзийдиган вазиятни таъминлаш мумкин бўлади. Бу асар нимага аталган бўлса, шундай ижро этиш ва қабул қилиш керак. Бироқ талабга жавоб бермайдиган жойда, энергия, туйғу қўзғатишга таъсир қилмайдиган вақтда ижро этилган мусиқа вайронкор таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Менга, ҳар қандай шароитда, бу даҳшатли таъсир этди; менда бутунлай янги (ўзимга шундай туюлди) туйғулар, ҳозиргача сезилмаган янги имкониятлар очилди. Қандай қилиб дейсизми – ҳеч олдинга ўхшамаган, олдин яшаганим, ўйлаганимдан ўзгача, худди дил амри билан айтилгандек ҳолат юзага келди. Менда пайдо бўлган янгиликни ўзим ҳам тушунтириб беролмасдим, бироқ бундай янги ҳолатимдан қувончимнинг чеки йўқ эди. Ҳаммаси ўша чехралар, ўшанча миқдорда, хотиним ва у, ҳаммаси бошқа дунёдек тасаввур уйготарди.

(Охири келгуси сонда)

Рус тилидан Ҳақим Сатторий таржимаси.

## ҲАЙНРИХ БЁЛЛ ВА РЕАЛИЗМ



Олмон ёзувчиси ва романнависи, суҳандон ва драматург Ҳайнрих Теодор Бёлл 1917 йилнинг 21 декабрида Кёльн шаҳрида ҳунарманд-косиб оиласида туғилган. У оилада 8-фарзанд, ўғиллар ичида учинчиси бўлиб, унинг отаси Виктор Бёлл таниқли ҳайкалтарош ва дурадгор эди. Ҳайнрих Бёллнинг болалик ва ўсмирлик йилларида оиласи Кёльннинг турли ҳудудларида истиқомат қилганлиги туфайли, уларнинг хонадони тез-тез кўчишга мажбур бўлган. Шунинг учун ҳам ёш Ҳ.Бёлл Кёльндаги барча ҳудудлар тарихини, анъаналарини жуда яхши билган. Унинг асарлари орқали Кёльн манзаралари кўз ўнгимизда аниқ – тиниқ гавдаланади.

Ҳайнрих ёшлик йиллариданоқ жуда кўп мутолаа қиларди. Айниқса, у XIX аср жаҳон адабиётидан О.

Бальзак, Ч. Диккенс ва Ф. Достоевскийларнинг романларини, немис адабиётидан эса Ф. Кафка, Клайст Ҳёлдирлин каби ёзувчиларнинг асарларини бериб ўқийди. Ҳайнрих 1924–1928 йилларда халқ мактабида, кейин қирол Вилгелм давлат гимназиясида таҳсил олгач, Бонда китоб савдосини ўрганди. 1938 йилда у давлат хизматига киради. 1939-йилнинг ёз ойида Кёльнда германистика ва муштор филология йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинади, лекин афсуски, у сентябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилади ва урушда 1945-йилгача қолиб кетади. Фронтида у барча қийинчиликларни бошидан кечиради ва урушга нисбатан унда кучли нафрат туйғуси пайдо бўлади. Ҳ. Бёлл 1942-йилда, ҳарбий таъинлари чоғида ўзи анчадан буён билган ва ёқтирган Аннемария Чехга уйланади. Белларнинг биринчи ўғиллари 1945 йили дунёга келган ва шу йиллик вафот этган. Раймонд, Рене ва Випсент Бёллар 1947, 1948, 1950 йилларда дунёга келганлар. Уруш йиллари Ҳ. Бёлл, асосан, яқинларига хатлар ёзиб, урушдан кейинги йилларда улар асосида беллетристик асарлар битди.

1945 йилнинг ноябрь ойида Ҳ. Бёлл урушдан қайтади. Урушдан кейин у яна университетда ўқишни давом эттирди. Ҳайнрих Бёлл университетда ўқиш билан бир пайтда кўпгина ҳикояларни журналлар саҳифаларига эълон қилади. Ҳайнрих урушга бўлган нафратини ўзи ёзган асарларида ифодалайди. У урушдан қолган вайроналарни, табиатнинг таъриф-муҳитнинг ночор ҳолга туширилганлиги одамларни руҳан ва маънан эриштириши, озиқ-овқат танқислиги каби ҳолатларни ўз кўзи билан кўрган ва ўзининг "Поезд ўз вақтида келди" ("Der Zug war p?ntlich") илк ҳикоялар тўпламини 1949-йилда ёзувчига сабаб бўлди. 1950-йилда эълон қилинган "Саёқ Спадад келаётирсанми?" ("Wanderer, kommst du nach Spa") сара ҳикоялар мажмуасида уруш ва уруш келтирилган оқибатларнинг реал манзасара

раси жонли тарзда баён этилган бўлиб, бу китоб муаллифга катта шухрат келтирди. Шу даврдан кейинги йиллар Ҳайнрих Бёлл ҳаётида ижодий кўтарилиш, парвоз йиллари бўлди.

"Пичоқли одам" ("Der Mann mit den Messern", 1948), "Қаерда эдинг, Адам?" ("Wo warst du, Adam", 1951), "Бир аскар тўрвасининг тарихи" ("Abenteuer eines Brotbeutels", 1953), "Почта откриткаси" ("Die Postkarte", 1953), "Доктор Муркенинг сукути" ("Doktor Murkes gesammeltes Schweigen", 1955), "Ёмон романлардагидек" ("Wie in schlechten Romanen", 1956), "Ирланд кундалиги" ("Irisches Tagebuch", 1957), "Тутқич бермаслар" ("Die Spurlosen", 1957), "Тўққиз яримдаги билиард" ("Billiard um halbzehn", 1959), каби турли жанрларда ёзилган машҳур асарлари фикримизнинг далилидир. Ёзувчининг асарлари худди Борхертнинг асарлари каби қисқа, лекин мазмундор. Ҳайнрих Бёлл қалами ўткир ёзувчи бўлганлиги боис ҳам уни радиого ишга таклиф қилишган. Ёзувчининг радио мухлислари жуда кўп эди.

Унинг асарларида уруш танқид қилиниб, унинг вайроналари реалистик тарзда тасвирлаб берилган. Бу асарларда уруш фақтгина ваҳшийлик эмас, балки мақсадсиз бир ҳаракат эканлиги ифодаланган.

1953-йилда Ҳайнрих Бёлл ёзган "Бир сўз демади" ("Und sagte kein einziges Wort") романида Богнер жуда ҳам камбағалликдан тўйган, лекин яхши яшаш учун курашишга ҳам иштиёқи йўқ одам сифатида тасвирланади. Шунинг учун ҳам у уйини, оиласини ташлаб кетиб қолади. У кетгандан сўнг рафиқаси барча қийинчиликларни ўз бўйнига олиб, рўзгор тебратиш ва болалар тарбияси билан ёлғиз ўзи шугулланишга мажбур бўлади.

Ёзувчи ўзининг "Эгасиз уй" ("Haus ohne H?ter", 1954) романида ҳам уруш даври воқеаларини қаламга олган. Унда асар қаҳрамони бўлган қуйи табақага мансуб одамларнинг ҳаётга бўлган лоқайд қарашлари ифодаланган. Бундан ташқари яна иккита отасиз боланинг тақдири ҳақида ҳам ҳикоя қилинган.

50-йилларнинг ўрталарига келиб Ҳайнрих Бёлл асарлари бутун дунё бўйлаб тарқала бошлади. 1951-йил 1-майда халқаро анжуманда у ўзининг 1949-йилда ёзилган "Die schwarzen Scharfen" ("Қора тўда ёхуд яширин ҳарбий отряд") номли хикоясини ўқиб беради ва бу уни машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлади. У мазкур хикояси учун "47-йиллар гуруҳи" мукофотига сазовор бўлди.

Ҳ. Бёлл 1970-йилда Германия ёзувчилар РЕИ кулуби президенти сифатида фаолият кўрсатган.

1972-йилда "Хоним билан тушилган гуруҳ портрети" ("Gruppenbild mit Dame", 1972) романи учун Нобель мукофотига сазовор бўлди.

1974-йилда Ҳ.Бёллнинг ҳозирги кунда ҳам ўз машҳурлиги ва долзарблигини йўқотмаган Катарина Блум ҳақидаги асари 30 дан ортиқ тилларга таржима қилинган. Шунингдек, 2007-йилгача фақат Германиянинг ўзида 6 миллион китобхон мазкур китобни харид қилган. "Аёллар дарё манзаралари олдида" ("Frauen vor Flusslandschaft", 1985) адибнинг китобхонларга манзур бўлган сўнги асаридир.

Ҳайнрих Бёллнинг ҳар бир асари ўзига хос, бадиий тасвирга бой ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Китобхон қаҳрамонлар руҳиятига осонгина кириб боради, ўй-фикрлари, эйтишларини чуқур ҳис қилади. Ўқувчи диққатини ҳикоя сўнгигача топқирлик билан танланган сўзлар, раёвон жумлалар орқали ушлаб туришидан адибнинг вай даражада маҳоратли эканлигини англаш мумкин.

# ЭЛЧИ

Уша мўъжазгина, кичкина, бироз ифлосроқ жойни, поездлар билан тўла жиҳозланган станция, бир жуфт пастқам уйлар узра чексиз ва деярли вайрон бўлиб кўзга яққол ташланиб турган фабрика, атрофда ҳосилсизликдан лаънатланган далаларни биласизми? Бирор дарахт ёки минорани кўрмаганликлари сабабли маъюслиklarини ҳис қиладиларми ё ниҳоят, ниҳоят, яна поездда жўнаб кетишга рухсат олган қизил шапкали киши баландпарвоз сўзлар ёзилган лавҳа остидан ғойиб бўлди. Ҳеч ким ишлов бермаган поёнсиз далалар узра шафақ таралиб кетганди.

Поезддан тушган ёлғиз мен эмас эдим, катта жигарранг пакет билан ёнимдаги купега чиққан кекса хоним кимдан йўлни сўрашни билмай бир лаҳза атрофга маҳзун разм солиб кичкина бетартиб вокзалдан чиқаётганимда у ерга беҳол чўкканини кўрдим. Ҳеч ким яшамаётган сукунат ҳукмрон деразали гиштин уйлар ва сарғиш маҳзун пардалар ҳамда нураётган қопқора деворлар бўйлаб бурилиб кетган кўча кўринарди. Мен зим-зиё девор бўйлаб борарканман ўликдек сукунатли уйларни тақиллатишга кўрқардим. Сўнгра бурчакка буридим ва аранг ўқиладиган "Хўжалик" лавҳаси олдидаги ҳаворанг соясида оппоқ ҳарфлар билан аниқ, тушунарли қилиб ёзилган "Марказий кўча" сўзларини ўқидим. Бинонинг қийшиқ томонидаги бир жуфт деворларнинг оҳаклари кўчган уйлар ва

рўпарасида ёлғизликдан зерикаётган қирол қасрини тўсиб қўйгандек узун, деразасиз, зим - зиё фабрика девори қад ростлаганди. Қалб амрига кўра чап томонга қараб юрдим, аммо бирдан йўл тутаб қолди. Чамаси ўн метрлардан сўнг яна девор бошланарди, сўнгра яшилликнинг сўнги шўъласи милтилаб турган, қайсибир бир бурчагида уфқ чўкиб бораётган текис, қорамтир дала бошланиб кетганди ва мен дунёнинг сўнги ери тубсиз жарлик олдида тургандек кўрқинчли туйғуни ҳис қилдим.

Чап томонда гўё ишчилар иш соати сўнгида қурганларидек кичкина, пастқам уйча турарди; бироз чайқалиб, тебраниб уйчага яқинлашдим. Қимирлаб қолган, анчагина эскирган эшикни секин очганимда, гул ва барглари тўкилган атиргул бутасини кўриб, номерига қараб бу ўнг томондаги уй эканлигини билдим.

Бўялган яшил ранглари алақачон ўчиб кетган дўконлар худди клейлангандек маҳкам қулфланган эди. Тарновларига бемалол қўлим етадиган томига занглаган симлар чирмаб ташланган эди. Олис манзилларнинг чеккалари узра соат сайин оҳиста тушиб бораётган шом зим - зиёси бениҳоя сукунатни қамраб олган эди. Мен бир лаҳза эшик олдида ҳозироқ шу дунёни тарк этсайдим, деб орзу қилиб нафас олишга жазм эта олмай туриб қолдим, шунда, бу ерда туриш ўрнига, ичкарига кириш учун, эшикни тақиллатиш учун қўлимни кутарганимда, ичкаридан шўх

аёл кулгусини эшитдим. Бу жозибадор сирли кулгу кайфиятимни кўтарди ҳамда юрагимни ўзига қамраб олди. Ҳар ҳолда кулаётган аёл ёлғиз эмас ўйлади ва кенг далалар узра чўжиб бораётган оқшом шафагининг заъфарон нури каби энг сўнги кучимни тўплаб ўзига жалб этаётган эшикни зўр иштиёқ билан яна қоқдим.

Аввал жимлик, сўнгра пичирлаш – яна шиппакнинг секин, оҳиста судралиши эшитилди, эшик очилгач, сариқ сочли, ёноқлари қизил аёлни кўрдим ва у менда сониялар ичида ожиз чироқ нурида маъюс акс этаётган Рембрандининг суратидаги маъсума аёлдек таассурот қолдирди. Олтинранг ложувард жусса чироқ нурида менинг олдимда абадий ҳорғинликнинг тимсоли мисол гавдаланди.

Солдат шапкамини қўлимга олиб ҳаста овозда "Ҳайрли оқшом" деганимда титраётган қўллари билан эшикни ушлаб кўрқиб бироз орқага чекинди, чеҳрасидаги кўрқувни енгмоқчи бўлгандек, дарҳол ўзини қўлга олди ва бироз жилмайиб "Ҳайрли оқшом" деди. Кичкина даҳлизнинг қоронғулигида алақандай бир эркак кўриниб дарҳол гойиб бўлди.

- Менга Бринк хоним керак эди, - дедим секингина.

- Хўш, - деди маъсума овоз эшикни асабий очиб. Эркак қоронғуликда гойиб бўлганди. Эски мебеллар билан жиҳозланган овқат ва сигарета қолдиқларининг ҳиди уфуриб турган тор хонага кирдим. Чироқ нурида у янаям ҳаяжонланаётганида оппоқ қўллари билан дераза ромини пайпаслади, рангпар чеҳраси сўлгин, фақат қизгиш жилоланаётган сочлари нам ва чиройли эди. Тугмаларини ўтказганига қарамасдан, титраётган қўллари билан кўкраги устидаги қип-қизил кўйлагининг тугмаларини янаям маҳкамроқ

қадарди. Сўнги ҳукми эшитиш учун суд олдида тургандек унинг нигоҳида ва мовий кўзларида даҳшатли кўрқинч ҳамда талваса зоҳир эди.

- Кўрқманг, - дедим лабларимни тишлаб ва шу лаҳзада гапиришни бошлаш ниҳоятда оғирлигини ҳис қилиб нимадан бошлашни билмай турганимда уни ўзи хотиржам деди:

- Мен ҳаммасини биламан, у ўлган ... ўлган шундайми?

Мен фақат бошимни силкита олдим. Унинг сўнги қадрли нарсаларини унга топшириш учун сумкамни очдим, аммо шу лаҳзада даҳлиздан йўғон бир овоз:

- Гитта! - деб чақирди.

У менга бироз шубҳаланиб қаради, сўнгра эшикни ёпиб бақириб деди:

- Жин урсин, беш дақиқа кут, - дея аёл эшикни ёпаётганда, киши кўрқиб печка ортига яширинганига кўзим тушди. Аёлнинг кўзларида тантанавор, голибона газабни кўрдим.

Барча хотираларни акс эттирувчи суратли солдат ён дафтари ҳамда соатни оҳиста яшил дастурхон устига қўйдим. Шунда у бирдан титраб, ўқсиб ҳўнграб йиғлаб юборди. Маъюс, гўзал чеҳрасини юваётган кўз ёшлари оппоқ, титраётган бармоқлари орасидан оқиб тушарди. Чап қўли билан шўрликнинг нарсаларини силаб, ўнг қўли билан столга таяниб диванга чўқди. Хотиралар уни ўз исканжасига олгандек кўринарди. Шунда мен амин бўлдимки, уруш тугамас экан, ҳеч қачон ҳеч қаерда, у етказган жароҳатлар битмайди. Ўзимдаги кўрқув, юпанч ва нафрат туйғуларини бир четга суриб титраётган елкага қўлимни қўйганимда, у менга таажжубланиб қараркан ўша вақтда юз марталаб кўрганим суратдаги чиройли, севимли қизга ўхшаш чеҳрага боқдим.

- Бу қаерда бўлди? Шимолдами? Илтимос давом этинг.

Унга қараганимда ҳамон кўз ёшлари нигоҳларини юварди.

-Йўқ, гарбда, тутқунликда, биз жуда кўп эдик, юз мингдан ҳам кўпроқ...



- Қачон? - ҳаёти менинг жавобимга боғлиқдек нигоҳларида сирли жўшқинлик акс этди.

- 45 йил, июлда, - дедим секин.

У бир лаҳза хаёлга толди, сўнгра ниҳоятда самимий ва гуноҳлардан фориғ жилмайди. Нима учун жилмайганини пайқагандек бўлдим.

Аммо шу лаҳзада бирдан мени уйдан қочиб чиқиш истаги қамраб олди ва ўрнимдан турдим. У ҳеч бир сўз демасдан менга эшикни очди, мени бир неча сония тўхтатиб қолмоқчилигини сезиб, у ташқарига чиққунича ўжарлик билан кутдим. У кичкина, нозик қўллари менига узатаркан хўрсиниб деди:

- Билардим, уч йил олдин - мен уни вокзалга олиб борганимда, билгандим бунни, - сўнгра яна секин қўшиб қўйди:

- Илтимос, мендан нафратланманг.

Юракдан айтилган бу сўзлардан чўчиб тушдим, эй худо, наҳот мен судья каби кўринган бўлсам? Уртадаги тўсиқни бартараф этиш учун бу кичкина, нозик, оппоқ қўлларни ўпдим, бу ҳаётимдаги биринчи ўпган аёл қўллари эди.

Қоронғу, ташқарида ёпилган эшик олдида бир лаҳза қўрқиб диққат билан

қулоқ солдим. Шунда ичкаридан мени ажратиб турган ёғоч эшикка уни суянганча титраётган, хўрсинган йигисини эшитдим ва айна пайтда, у барча туй-

гуларини шу уйда дафн этишини ҳамда ўзини қўлга олишини жуда - жуда истадим.

Сўнгра секин, эҳтиёт бўлиб йўлни изладим, чунки вокзалга қайтиб борганимча ҳар лаҳзада бу зулмат мени ўз қаърига тортиб кетишидан қўрқардим. Кичкина чи-

роқлар ўлик уйларни ёритиб турар ва узоқ-узоқлардан милтилаб товланарди. Қора деворлар ортида чексиз, катта ҳовлиларни ёритишга уринаётган чироқларнинг заъфарон нури кўринарди. Оқшом тунд ва туманли эди.

Мўъжазгина, кичкинагина кутиш залида мендан ташқари совуқдан титраётган икки кекса киши бурчақда қунишиб ўтиришарди. Қўлимда сумкам билан, шапкамини қулогимгача бостириб узоқ кутдим, чунки совуқ бутун танамдан ўтиб борарди.

- Бир бўлак нон ва озгина товуқ гўшти бўлсайди, - пичирлади ортимдаги киши. Рўпарамдага заиф нур сочаётган чироқларга яна бир бор боқиш учун эгилдим. Аммо шу лаҳзада эшик очилиб, хизматдаги қизил шапкали киши вокзалнинг кутиш залига қараб:

- Кёлга кетадиган пассажирлар поезди йигирма минут кечикади, - деб бақирди.

Бу ҳаётимнинг тутқунликдаги сўнги лаҳзалари эди.

**Немис тилидан Шаҳноза Қувонова таржимаси.**

# АКА-УКА GRIMMLAR DUNYO KEZMOQDA



Немис халқ эртақларини тўплашда таниқли фольклорист ва филолог олимлар, ака-ука Гриммлар хизматлари беқиёсдир. Ака-ука Гриммлар оиласи ўрта синф табақасига мансуб бўлиб, отаси аввал Ганау шаҳри адвокати, кейинчалик Ганау князлигига юрист сифатида хизматга ўтган. Якоб 4 январь 1785 йилда, Вильгелм 24 февраль 1786 йилда Ганау шаҳрида дунёга келган. Улар ёшлигидан бир-бирларига меҳрибон ва жуда иноқ эди. Бу иноқлик уларнинг умрининг охиригача давом этди. 1796 йилда отаси вафотидан сўнг оила жуда ночор аҳволда қолади. Ака-укалар ўқишларини якунлашларида уларнинг қобилиятларини сезган холалари катта ёрдам беради. 1798 йилдан Касселда яшаб Фридрих гимназиясига қатнайди ва гимназияни якунлаган Якоб Марбургдаги Филипп университетида ҳуқуқ илмини ўргана бошлади. Бир йилдан сўнг Вильгелм ҳам акасининг изидан боради. У ерда Фридрих Карл исми ўқитувчи ёш талабаларнинг қобилиятини пайқаб, шахсий кутубхонасидан фойдаланишга рухсат беради ва шу билан биргаликда Гете, Шиллер асарлари билан таништиради. Гердернинг халқ ижоди ҳақидаги қарашлари ака-укаларни чуқур таъсирантирди. Шундан сўнг улар немис халқ оғзаки ижодини ўрганиб, немис эртақчилигининг ривожини устида кузатишлар олиб бордилар ва бу эртақ яратиш соҳасига улар томонидан қўйилган илк қадам бўлди. Гриммлар биринчи навбатда халқ эртақларига алоҳида диққат билан қарашди, уларни халқ поэтик ижодининг гўзал намуналари сифатида ардоқлайди. Ака-ука Гриммлар халқ оғзаки ижодининг қадимий намуналарини тўплаш, нашр қилиш йули билан сақлаб қолиш учун хизмат қилишар экан, уларни халқ мулкига айлантиришни мақсад қилиб қўйишади.

В.Г. Белинский болалар ёзувчиси бўлиш масъулиятли эканлигини назарда тутиб ёзган эди: "Болаларнинг образлар воситасида гаплашмоқ учун уларни бидмоқ керак, унинг бола бўла олсанг, болаларча соддадил характер соҳиби сифатида қайта туғилмоғинг даркор, бу ўзича бир истеъдоддир" Кўринадики,

болалар учун ижод этиш анъанаси, асосан XVII асрда бошланган бўлса, XIX асргача шаклланиш жараёнини бошидан кечирди ва фақат XIX асрда чинакам тараққиёт палласига кирди ҳамда жаҳоннинг мулаҳазага қарб этган адабий ҳаётига айланди.

Ака-ука Гриммларнинг адабий-илмий фаолияти 1811 йил "Қадимги немис қўшиқлари ҳақида" Якоб Гримм томонидан "Қадимий немис қаҳрамонлик қўшиқлари, баллада ва эртаклар" Вильгелм Гримм томонидан нашр этилишидан сўнг бошланди. Ака-ука Гриммлар яратган эртакларнинг биринчи тўплами "Баллада ва уй эртаклари" номи билан 1812 йилда босилиб чиқади. Болалар ва уй эртаклари" номи тўпламга 200 дан зиёд эртаклар жамланди. Шундан сўнг келгилари 1815 йилда иккинчи, 1822 йилда эса учинчи китоблари нашр қилинади. Ака-ука Гриммлар номини нафақат "Болалар ва уй эртаклари", балки 1816-1818 йилда нашр қилинган "Немис ривоятлари" асари ҳам дунёга танитди. Бу эртаклар ва ривоятлар барчаси "Ака-ука Гримм эртаклари" номи билан машҳур бўлди. Улар қишлоқ ва кичик шаҳарчаларни кезиб, одамлар севиб айтиб юрган эртакларни халқ оғзидан ёзиб олиб қайта ишлаганлар. Ака-ука Гримм эртаклари нафақат ўзининг ҳазил-мутойибага бойлиги билан ўзига жалб қилади, балки улар яратган эртакларнинг бадиий савияси юқори даражада бўлиб, уларда халқ оғзаки ижодидаги анъанавий услубни ҳам, сюжетдаги ихчамликни ҳам, композицион уйғунликни ҳам, халқ жонли тилида мавжуд киноя, муболага, юмор, камгаплиг-у маънодорлик каби фазилатларни ҳам яққол кўриш мумкин. Немис олимлари эртакларни 10 йил мобайнида тўпладилар ва чоп эттирдилар ва бу эртаклар дунё бўйлаб тарқала бошлади. Кўпгина давлат тилларига таржима қилинди, театрларда сахналаштирилди. Афсуски, Вильгелмнинг 16 декабрь 1859 йилда, Якобнинг 20 сентябрь 1863 йилда ҳаёти яқун топди.

Якоб ва Вильгелм Гримм эртаклари биринчи нашрдаёқ болалар меҳрини қозона олди. Таниқли инглиз ва америка шоири У.Х.Оден Гримм меҳнатини гарб маданиятининг тўплами бўлди, деган эди. Ака-ука Гриммлар ижоди бошқа фольклор ишқибозларига ҳам туртки бўлди. Эртак тўловчилар гуруҳига рус олими Александр Николаевич Афанасев, норвег фольклоршуноси Петер Кристен Асбёрнсен ва Ёрген Му, инглиз олимлари Джозеф Джейкобс ва Джеримия Кёртин, америкалик олимлар ирланд эртакларини тўпладилар. Аммо тўпламларнинг ҳеч бири Гримм эртаклари каби кутиб олинмади. Инглиз олими Джозеф Джейкобс инглиз болалари инглиз эртакларини ўлмаётганликларидан хафа бўлиб, шундай деган эди: "Перро бошлаган эртакларни яқунлади".

2005 йилда ЮНЕСКО қарори билан ака-ука Гримм эртаклари "Инсониятнинг маданий хазинаси" деб тан олинди. Якоб ва Вильгелм Гриммлар томонидан 200 йил илгари яратилган тўплам "Лютернинг Библияси билан бир қатордан жой олди ва энг кўп ўқиладиган китоблар қаторига кирди". Ака-ука Гримм эртаклари 160 дан ортиқ тилларга таржима қилинган. Кўплаб мультфильм ва кинофильмлар ажралиб туради. Гримм эртаклари асосида ишланган "Симсала Гримм" мультсериали бутун Европа, жануби - шарқий Осиё, жанубий Америка, Америка Қўшма Штатлари ва Япония мамлакатларида намойиш этилиб, барча мамлакатларда бирдек илиқ кутиб олинди.

## SUV PARISI

Қадим замонда бир ака-сингил бўлган экан. Улар доимо қудуқ ёнида ўйнашгани учун кунлардан бир кун қудуқ ичига тушиб кетишибди. Қудуқ ичидаги сув париси болаларга:

- Энди сизлар менга хизмат қилишларинг керак, ортимдан юринглар, чунки сизлар энди меники бўлдингизлар, - дебди.

У қизалоққа тўқиш учун бир-бирига чирмашиб кетган зиғир поя-сини берибди ва баланд бочкани сув билан тўлдиришга, болакайни эса ўтмас болта билан дарахтни чопишга мажбур қилибди. Сув париси улар ея олмайдиган тошдек қаттиқ сузма ошдан бошқа ҳеч нарса бермабди. Болалар уни ея олмай оч қолибди. Сабри тугаган болалар парининг якшанбагача черковга кетишини кутишибди, ва ниҳоят ўша куни қочишибди. Пари черков ёнидан учиб ўтаётган қушларни кўриб, болаларнинг қочганини сезибди ва улар ортидан қувибди. Олислаб бораётган болалар парини кўришибди. Шунда қизалоқ ҳимояланиш учун отган тиш чўткасидан минг-минглаб нишли қояли тоғ ҳосил бўлибди. Ниҳоятда қийинчилик билан парини тоғдан ошиб ўтганини кўрган болакай тароқни улоқтирибди. Тароқдан ҳам минг-минглаб тишли тароқ тоғи ҳосил бўлибди, аммо бу тоғдан ҳам ошиб ўтган парини кўрган қизалоқ унга қараб ойнасини улоқтирибди. Ойнадан эса шунақанги силлиқ ойна тоғи ҳосил бўлибдики, буни ошиб ўтишнинг имкони йўқлигини сезган пари бир оз хаёлга чўмибди ва "Мен тезда уйга бориб, болтани олиб келиб ойна тоғини чопиб ташлашим керак," - деган хулосага келибди. Пари қайтиб келиб шиша тоғини чопгунича болалар узоқларга қочиб улгуришибди. Пари эса яна ўз қудуғида вақтини бекор ўтказишга мажбур бўлибди.

## YOR TANLASH

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир ёш чўпон бўлган экан. У уйланиб оила қуришни, фарзандлар кўришни истабди. Бир-биридан чиройли уч опасингилни таниркан, аммо у қай бирини танлашни билмай қийналибди. Шунда у онасидан маслаҳат сўраган экан, онаси дебди:

- Учала қизни ҳам таклиф қил, уларни олдига пишлоқ қўй ва улар пишлоқни қандай кесишини кузат.

Йигит худди шундай қилибди. Биринчи қиз пишлоқни фақат четини кесибди. Иккинчи қиз жуда шошилиб қолганлиги сабабли пишлоқни четидан кесаётиб, майдалаб юборди. Учунчи қиз тартиб билан, кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас етарлича пишлоқ кесибди. Чўпон барчасини онасига айтибди. Шунда она учунчи қизга уйланишни тавсия қилибди. У учунчи қизга уйланибди ва у билан мамнун, бахтиёр ҳаёт кечирибди.

## UCH YALQOV

Бир қиролнинг уч ўгли бор экан. У учаласини ҳам бир хил севар, шунинг учун ҳам вафотидан сўнг қай бирини қирол қилишни била олмас экан. Қазоси яқинлашгач, ёнига учала ўглини ҳам чақириб дебди:

- Азиз ўғилларим, мен ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдимки, сизлардан қай бирингиз энг дангаса бўлсангиз, мендан сўнг ўша қирол бўлади.

Энг катта ўғил гап бошлабди:

- Ота агар мен бойликка эга бўлсам, шундай дангаса бўлайки, ухлаш учун ўрнимга ётар эканман, кўзларимдан ёш оқсада ҳеч нарса қилмасдим.

Иккинчи ўғил давом этибди:

- Ота агар бойлик меники бўлар экан, шунақанги дангаса бўлайки, агар мен исиниш учун олов ёнида ўтирсам, олов тафти бармоғимдан бошлаб оёқларимгача кўйдирсада ўрнимдан турмасдим.

Учинчи ўғил дебди:

- Бойлик меники бўлиши учун шунақанги дангаса бўлайки, агар мени бўйнимдан арқон ўтказиб осиб қўйса ва кесиш учун қўлимга пичоқ бериб, арқонни кесиш имкони бўлса-да, арқонни кесиш ўрнига кучим етганча қайта боғлардим.

Ота бу сўзларни эшитиб шундай деди:

- Сен уни узоқ вақт ушлаб тура олардинг, сен қирол бўласан.

## KAFAN

Бир бор экан, бир йўқ экан ниҳоятда чиройли ва севимли, етти ёшли ўғли бўлган она бор экан. Ўғил ҳам онасини дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ кўраркан. Кунлардан бир кун болакай тоби қочибди ва Оллоҳ уни ўз даргоҳига олиб кетибди. Онанинг бағри дили хун бўлиб тун-у кун кўз ёши аримасдан йиглабди. Бола мангу гўшаси қабрга қўйилгандан сўнг, ҳар тунда ҳаёт чоғларида ўйнаган, шод дамларини ўтказган гўшага келар ва онаси тинмай кўз ёш тўққанда у ҳам кўз ёшларини тиёлмас, тонг отганда эса бола кўздан гойиб бўларди. Бироқ шунда ҳам она қабр устида кўз ёш тўкишни тўхтатишни хоҳламабди. Тунларнинг бирида бошида гулчамбар билан қўйилган тобутидан чиқиб келган оплоқ кафанли бола йиглашни умуман тўхтатолмаётган онаси оёқлари остига тиз чўқди ва оҳиста деди:

- Оҳ, ойижон, ўтинаман, йиглашни бас қилинг. Агар йиглашни тўхтатмасангиз, мен қабримда ором топа олмайман, чунки сизнинг кўз ёшларингиздан ҳўл бўлган кафаним қуримаяпти.

Бу сўзларни эшитган она даҳшатга тушиб кўз ёшларининг сўнги томчисини юзидан артди ва бошқа умуман йигламади. Кейинги кун тунда болакай яна қўлида шамчиноқ билан онаси ҳузурига келди ва мамнун тиз чўкиб деди:

- Кўрясизми ойижон, куйлагимда кўз ёшларингиздан доғ ҳам қолмади у бутунлай қуриди, шунинг учун ҳам мен қабримда хотиржам ухляпман.

Бу сўзларни эшитган она азобларни енгиши учун Оллоҳдан сабр-тоқат сўради. Бола эса бошқа қайтиб келмади, балки сертупроқ каравотчасида тинч ухлади.

Немис тилидан Кибриё Холматова таржимаси.

## YURTIM, BO‘YI-BASTINGGA KO‘Z TEGMASIN HECH QACHON

Сукут сақлаб келдик биз, мум тишладик қанча пайт,  
Босиб ўтган йўлингни этолмадик ҳатто қайд,  
Истиқлол шарофати-бисотингни энди айт,  
Бу кун сени тан олгай бор дунё жумлан-жаҳон,  
Юртим, бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон.

Темур бобом тўйингга от миниб кириб келди,  
Баҳоуддин Нақшбанд ўй, хаёл суриб келди,  
Улугбек, Мирзо Бобур дунёни кўриб келди,  
Сафдошлар қаторида доимо бўл соғ - омон,  
Юртим, бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон.

Кўзларим камантирар эл кўрки, латофати,  
Чиройга чирой қўшгай ҳурликнинг таровати,  
Меҳр-шафқат кўрсатмоқ халқим азал одати,  
Боболардан меросдир мангу шуҳрат, мангу шон,  
Юртим, бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон.

Армонларим ушалиб истиқлол, толе қулди,  
Ғанимларим чидолмай аламдан бағрин тилди,  
Сени озод кўрмоқлик муродим ҳосил бўлди,  
Ўзини очиб дуога Исмоил дегай ҳар он,  
Юртим бўйи-бастингга кўз тегмасин ҳеч қачон.

1992 йил



Исмоил  
ТЎХТАМИШЕВ

Қарши шаҳрида  
туғилган.

Республикамиздаги  
масъул лавозимларда  
фаолият юритган.

Қирқдан  
ошиқ китоблар  
муаллифи.

2015 йилда вафот  
этган.



## АЛИШЕР УСМОН

Сиз эришган ғалаба, ютуқ,  
Элу юртнинг шаънидан нишон.  
Юрак ёнар мисоли бир чўғ,  
Ўзбек ўғли Алишер Усмон.

Бўлинг мудом шердил, Баҳодир,  
Ҳар қадамда қучаверинг шон.  
Ҳислатларни кўрсатинг нодир,  
Ўзбек ўғли Алишер Усмон.

Атрофларга таратингиз нур,  
Ёғдулардан ёришсин осмон.  
Нафис тортеин матлаб ва шуур,  
Ўзбек ўғли Алишер Усмон.

Донг таратмоқ юртларда ўзга,  
Бўлмагандир ҳеч вақт ҳам осон.  
Эгадирсиз қатъий бир сўзга,  
Ўзбек ўғли Алишер Усмон.

Сиз учун ҳам ҳаётдир ширини,  
Талвасада ҳар сония жон.  
Орзу, армон ёқар яширин,  
Ўзбек ўғли Алишер Усмон.

Дадил, ўктам сиз қадам ташлаб,  
Эл бахтига бўлинг соғ-омон.  
Шиддат билан интилинг яшаб,  
Ўзбек ўғли Алишер Усмон.

24.01.2015 йил



# YOG‘MAGAN QORLARDAN YOMG‘IR YAXSHIROQ

СУНБУЛА

Хазонларга ишонма, юрак  
Видо фасли эмас - бу фасл.  
Қара, анҳор - мавж урган бир барг,  
Зангорлашиб борар муттасил.

Куз - бу фақат баргхазон эмас,  
Ё қоролди тушгич қировлар.  
Куча бўйлаб чанг-тўзон эмас,  
Олма сочиб қатнар уловлар.

Қўлотларда тарвузлар пишди -  
Қўталликнинг лунда ташбеҳи.  
Тугилса-да анорининг мушти,  
Хануз кўкдир тошмурут, беҳи.

Сарғармоққа, инон, анча бор,  
Нечун сўлмоқ айрилмасингдан?..  
Ҳали узоқ адашгай баҳор,  
Ёр қошининг қайрилмасида.

Видо фасли эмас бу фасл.  
Боқ, теграмиз тўлиб бормоқда  
Салом учун узатилган қўл  
Ҳаяжондан мустар япроққа,

Кукка занжир солди турналар,  
Кетолмагай ҳеч ким, ҳеч ёққа.  
Қасамимга ишонмасанг гар,  
Ишонарсан беқасам боққа? ..

Видо фасли эмас - бу мавсум.



ҒУЛОМ МИРЗО

Қарши туманида туғилган.  
Ўзбекистон  
Республикасида хизмат кўрсатган  
журналист.  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмасининг  
аъзоси.  
"Яхши ҳам сиз борсиз",  
«Унутилган ҳур», «Офтобга  
қайтаман», «Қалб томчилари»  
номли  
шеърини тупламлар  
муаллифи.

ДАРАХТ

Озроқ елса шабада,  
Зикрлари беҳисоб.  
Хивчину шоҳ-шабада  
Шитирлари беҳисоб.  
Ёмғир ювса мавсода,  
Ҳузурлари беҳисоб.  
Новдаларини тоғга  
Чузурлари беҳисоб.  
Япроқдек бир қалбимда  
Шукронам қанча, билмам.  
Лек ювса юрак тоғда  
Шукронлари беҳисоб.

## ЮРТ БАҲОРИ

Манзара устаси рассом-табиат,  
Бўёқ сандиқчасин очмасдан ҳали.  
Никоҳ тунидаги келинчак сифат,  
Оқ кийди тезпишар тўп-тўп зардоли.

Бўрдоқи-бўрдоқи булутлар келди,  
Қаршипинг даштдай кенг осмонларига.  
Қишлоқлар, ўтлоқлар, овлоқлар тўлди,  
Кислороднинг манфий ионларига.

Девор ошаётган "ўғри" боланинг  
Қўйнидан довуччалар тўкилганидай,  
Томчилар шовқини кўмиб оламини,  
Жигарранг замишга тўкилди тинмай.

Ёрмаган қорлардан ёмғир яхшироқ,  
Ҳар қалай бир қадар қонар дала-туз.  
Эртага гуркираб чиқар исмалоқ,  
Чиқади қоқигул, қушоёқ, ялпиз.

Эртага кенгликлар қиздек ясашиб,  
Қуёш ошиқ бўлиб кўкда балқигай.  
Эрта ёқмай қолар қушларга жануб,  
Қушлар қайтиб келар яна шарқига.

Жаннатни рад этиб яшаган очун  
Эртага барибир уни кўражак.  
О, агар Қаршидан кетмасам бугун,  
Эртага қувончдан ёрилсам керак.

\* \* \*

Кўзларингда ўт ва сув яшар,  
Кўзларингда - оқ билан қаро.  
Кўзларингда қандай чиқишар,  
Манфий билан мусбат ўзаро?

Кўзларингда - ҳаёт ва қазо,  
Кўзларингда - гул билан ханжар.  
Кўзларингни ўзидир даво,  
Кўзларингдан дард тегса агар.

## ЮРАК ЎНГ ТОМОНДА БЎЛСА

Қулингда соатми, бармоқда узук,  
Ёки чулtagингда борми-йўқ чақа  
Сени тутиб берган чоғда пичоққа,  
Юрак ўнг томонда бўлса ҳам тузук.

Магар кўксингдаги оташин севгинг,  
Бонс бойласалар Прометейдек,  
Доғда қолсин учун кушанданг - қузгун.  
Ўнг томонда бўлса яхшидир юрак.


Эл-юртга хиёнат - гуноҳдир тоғдек.  
Хонин деб қарғишга кўмсаю миллат,  
Виждонинг пишонга олган бир чоғда  
Юрак ўнг томонда бўлса гар даҳшат,

\* \* \*

Тонгда уйғонаман, бошимда осмон -  
Олам соатининг циферблати.  
Ҳар бир кун, ҳар соат, дақиқа, ҳар он  
Мени тарк этади алвидо айтиб.

Булутлар ё йиллар, ё қушлар вафот,  
Тўда-тўда, қатор-қатор ва саф-саф,  
Менинг тушларимга топганча тўбир,  
Мени ҳушларимдан мосуво айиб.

Жилмоқда умримнинг йиллари -  
Олам соатининг миллари.





## OLDINDA TURIBDI BUYUK KELAJAK



Хуррам кунларимиз бошланди энди,  
Шукрона, қувончга тўлсин ҳар юрак.  
Ўтмишимиз шонли, улуғ бўлгандир,  
Олдинда турибди буюк келажак.

Спитамен, Широқ бизларга аждод,  
Тумарис, Темурлар номи барҳаёт.  
Муборак бўлсин мустақил ҳаёт,  
Олдинда турибди буюк келажак.

Навоий султондир шоирлар аро,  
Табобат отаси-бобомиз Сино.  
Бугун ўзбекларни таниди дунё,  
Олдинда турибди буюк келажак.

Улуғбек айланди юлдузга бугун,  
Насиҳат қилади самодан беун:  
Жонни-да тикайлик шу Ватан учун,  
Олдинда турибди буюк келажак.

Ўлкамиз кечирди не-не мусибат,  
Батъан ёғий келди топтаб эрк, нафрат.  
Халқимиз курашдан тинмади ҳеч вақт,  
Олдинда турибди буюк келажак.

Юртимиз айлансин гулзор чаманга,  
Содиқ фарзанд бўлинг она-Ватанга,  
Қўзларда чақнасин севги, аланга,  
Олдинда турибди буюк келажак.

Энг олий неъматдир Ватан, истиқлол,  
Ўзбекистонимиз кўрмасин завол.  
Бизни кутаётир порлоқ истиқлол,  
Олдинда турибди буюк келажак.

### ОНАМ

Дунёда фаришта битга бўлса гар,  
У ҳам сизсиз менинг, меҳрибон онам.  
Аллоҳдан умримиз тилаб кечалар,  
Дуодан тинмайсиз, гиргиттон онам.

Қаршимда тўсиқлар учраса гоҳо,  
Бошимизга тушса мушкулот савдо.  
Дуолар қиласиз "арисин бало",  
Турли ташвишларда соябон онам.

Қувончли кунларда бўлиб бахтиёр,  
Қалбимиз яшарар мисоли баҳор.  
Йўлини ёритар меҳрингиз бисёр,  
Сиз борсиз, ўнг-у сўл нурафшон, онам.

Биз фарзандлар учун чекиб минг заҳмат,  
Кам бўлмасин дея қиласиз меҳнат.  
Мен сизга айтаман беҳисоб раҳмат,  
Болам, деб чекасиз минг фиғон, онам.

Хаққингизини адо қилолмас зинҳор,  
На тилло, на гавҳар, на шеър, на ашъор.  
Яратганга шукур, сиздай онам бор,  
Сиз борки, хаётим фаровон, онам

## ДИЛ ИЗҲОРИ

Заррин нурларини аямас қуёш,  
Шайдодай меҳрини сочади гуё.  
Юзлар узаро қилади талаш,  
Ҳуснинг кўриб дейди ой ҳам тасанно.

Қалдирғоч қаноти чирой қошинг,  
Кўнглимга кирар ишқ ўн етти ёшинг.  
Изҳорим қабул эт бўлай йўлдошинг,  
Вафоли ёр бўлгум ишон доимо.

Эрта тонг шамоли сочингни силар,  
Ошиқ шаб?бода ҳам ёнинга элар.  
Анваржон худодан висолнинг тилар,  
Ўзини севарман ҳар икки дунё.

Юзингга зеб берар чиройли холинг,  
Соғиндим не кечди билмам аҳволнинг?  
Ёнингда юрагимни бўлиб мен ёринг,  
Ишқингда телбаман мисоли гадо.



## ТҲҮРТЛИКЛАР

Чақимчилик айб эрур,  
Бир куни сенга панд берур.  
Ёмон сўз бошида тўқмоқ,  
Яхши сўзинг қанд берур.

\* \* \*

Сендан айро бўлдим уч ой,  
Гамларимга гувоҳ учой.  
Васл парвоз этмоқ бўлса,  
Тилагим шу кўкда шай.

\* \* \*


Ёлғон сўздан тийсанг тилингни мудом,  
Мушарраф бўлади сенга яхши ном.  
Ёлғон сўз эгасин тушурса пастга,  
Соҳиби улуғлар ҳар рост калом.

\* \* \*

Йиғитга ярашар бўлмоғлиги мард,  
Номардлик келтирар ортидан уят.  
Чин йиғит ваъдасига қилади вафо,  
Сўзининг устидан чиқмайди номард.

\* \* \*

Бахсизлик мен томон келмасанг десанг,  
Ғайратли бўл доим, бўлмагин танбал.  
Қайғу эли қалбга елмасин десанг,  
Қўлингдан китобни қўйма ҳеч маҳал.





**Шаҳноза Чориева**

*1994 йилда Деҳқоновобод туманида туғилган. Айни пайтда тумандаги "Баркамол авлод" болалар марказида тўғарақ раҳбари бўлиб ишлайди. "Соғинч шамоли", "Тақдир чизиги" номли кытоблар муаллифи*

# ИМИД

**Сўнги пушаймон ўзинга душман  
(мақол)**

Барча ўзига-ўзи қилади деганларидек, Соҳибжон на он асининг, на акасининг айтганига кўнди. Ўзбошимчалик билан яқинларини зор йиғлатиб, у йдаги кўлга илашадиган қимматбаҳо буюмларни йўл ҳақи эвазига олиб чет элга кетди. Бу жудоликка бардош бера олмаган муштипар она оғир хасталикка чалиниб дунёдан эрта кўз юмди. Барча рўзгор ташвишлари ҳам, етим қолган икки ука ва икки сингисининг тарбияси ҳам Толибжоннинг зиммасига юклатилди. Бу масъулиятни бажариш унга оғирлик қилсада, эртаю кеч рўзгорини тебратиш илинжида тинимсиз ишлар, гоҳ ўқишдан кеч қолганлиги туфайли ўқитувчиларидан таъна-ю дашном эшитарди. Бироқ унинг меҳнати самарасиз кетмади. Улар каттаргач, Толибжон акалари сингари оқкўнгил ва меҳнаткаш бўлиб етишишди.

Дом-дараксиз йўқолган Соҳибжонни эса Толибжон етти йил қидириб, саккизинчи йилда майибмажруҳ ҳолда топиб олди. Аҳволи ҳавас қилса арзигулик даражада эмаслиги боис уни марказий касалхонага ётқизишдан бошқа чора топмади.

Соҳибжон гарчи, ўрнidan қимирламай ётаётган бўлсада, кўради, сезади ва эштади. Акасининг қилаётган гамхўрлигини кўриб виждон азобидан қийналади. Гўёки, кўзига икки дуё торлик қилаётгандек сезади ўзини. Ахир, кимга ҳам тўрт девор ичида мурдадек фақат осмонга қараб ётиш ёқади дейсиз. Дунёдан алақачон умидини узган Соҳибжонни акаси ва ука-сингиллари ҳар куни кўришга келиб, бутун меҳрларини аямай атрофида гирдикапалак бўлишига ҳам, мана, ҳаш-паш дегунча бир ярим йил тўлади. Мана шу бир ярим йил ичида аста-секинлик билан аввал



тилга кирди, кейин оёққа турди. Узига келган Соҳибжоннинг акасидан биринчи сўраган сўзи "онам қаерда?" - дейиш бўлди. Укасининг саволига жавоб берар экан, қалбидаги бир неча йилдан буён яшириниб турган бор дард-аламларини тўкиб-сочишга ҳаракат қиларди:

- Биласанми, укажон, сен кетгач, олти ой ўтар-ўтмас онажонимиз огир хасталикка чалиниб тўшакка михлалиб қолдилар. У кишини ҳар қанча сақлашга ҳаракат қилмайлик, қўлимиздан келмади.

Бандачилик экан қўлимиздан нима ҳам келарди, укажон!

Бу хабарни эшитган Соҳибжоннинг ранги докадек оқариб кетди:

- Ҳа, барига ўзим сабабчиман, ўшанда "кетма" деганларингизда кетмаслигим керак экан. Биласиз-ку, қашшоқ ва ночорликда яшаш жонимга текканди. Аммо, яхши яшаш бой-бадавлат бўлишдан иборат эмаслигини кеч тушундим. Чет элга борганимдан сўнг бир кун ҳам роҳат-фароғатда яшай олмадим. Ҳар куним тутқунликда ўтди. Мана қилган хатоларимнинг жабрини энди тортаяпман, акажон, қилган хатоларим учун кечиринг!

- Сен кетгач, онажонимиз ҳар куни сени кўриш и л и н ж и д а яшардилар, укажон,

- Қилган хатоларим учун онажонимдан кечирим сўраш у м и д и д а яшаб келсам-у, онажоним эса мени деб аллақачон ўлиб кетган бўлсалар.



Ишонгим келмайди. Наҳотки, менинг гуноҳим учун онажонимнинг жонини олган бўлсанг, Олоҳим! - деб бор овози билан ўкирдик, гўёки осмон билан ер бир-бирига урилгандек бўлди.

- Онажонимизнинг сўнгги умидларини рўёбга чиқармоқчи бўлсанг ҳуда-беҳуда ўкирма, йиглама, эсингни борида ақлингни йиғиштир. Бека-ми кўст яшашни эмас, ўз юртингда сидқидилдан меҳнат қилишни ўргангин, Соҳибжон!

- Тўғри айтасиз, чет эл Она ватанингиздек бўлишига асрлар ҳам камлик қилар экан. Бундан буён бутун кучимни ўз юртимнинг гуллаб яшнашига сарф этаман!

- Бу қарорингни онажоним эшитганларида борми, қувончларидан ичларига сигмас эдилар.

## МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

- Акмал Сандов,** 1958 йилда Тошкент вилояти Заңгиота туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, подаяат ташкилотлар ва фуқароларнинг эъини-эви бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори, профессор.
- Назирилло Махмудов,** 1966 йилда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида туғилган. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, техника фанлари номзоди, доцент.
- Хуршид Файзиев,** 1977 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Темурийлар тарихи Давлат музейи директори. Тарих фанлари номзоди.
- Азиз Шарипов,** 1979 йилда Наманган вилояти, Чуст шаҳрида туғилган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Темурийлар тарихи Давлат музейи катта илмий ходими.
- Нормурод Норқобиллов,** 1953 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида туғилган. "Ўзбекистон телерадиокомпанияси"да тележурналист сифатида фаолият юритиб келмоқда. 20 га яқин китоблари нашр этилган. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони ҳамда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.
- Очил Бўриев,** 1953 йилда Касби туманида туғилган. Қарши Давлат университети «Тарих» кафедраси доценти.
- Умйрбек Тошниязов,** 1987 йилда Чироқчи туманида туғилган. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи вазифасида фаолият юритмоқда.
- Саидбахром Азизов,** 1948 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг мустақил тадқиқотчиси сифатида фаолият юритади. Юртимизда ва хорижда 150 дан тадқиқотлари нашр қилинган.
- Нигора Маҳмудова,** Қарши шаҳрида туғилган. Ҳозирда Қарши Давлат университети «Немис тили ва адабиёти» кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.
- Исҳоқ Жабборов,** 1972 йилда Деҳқонобод туманида туғилган. Ҳозирда Қарши Давлат университети «Адабиётшунослик» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлайди.
- Ҳаким Сатторий,** 1953 йилда Яккабоғ туманида туғилган. 20 га яқин китоблари чоп этилган. жумладан, "Ҳазрат Соҳибқирон", "Соҳибқирон абадияти", "Имзоли хатлар", "Маҳак тоши", "Вақт манзаралари" ва "Соғинч" романи нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.
- Шаҳноза Қувонова,** Қарши шаҳрида туғилган. Қарши Давлат университети «Немис тили ва адабиёти» кафедрасида немис тили ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Германиядаги Гете институти стипендияси совриндори, кўпгина таржима китоблари чоп этилган.
- Ҳибриё Холматова,** 1990 йилда Қамани туманида туғилган. Қарши Давлат университети "Хорижий тиллар" факультети Немис тили бўлими талабаси. "Эртақлар оламида" номли китоб муаллифи.
- Саодат Тулқин қизи,** 1994 йилда Сарносиё туманида туғилган. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети «Немис тили ва адабиёти» факультети 4-босқич талабаси, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ходими.
- Анвар Эшназаров,** 1995 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида туғилган. Унинг «Баҳор» номли илк китоби чоп этилган.



ТОШКЕНТ, ШАХРИДАГИ МИНОР МАСЖИДИ



ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МАЖМУАСИ

# Sohibqiron yulduzi

Adabiy-badiiy, ilmiy, ijtimoiy-ma'rifiy jurnal

ISBN-2181-0281



2181 0282